

**ЎТМИШГА НАЗАР**

---

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

---

**LOOK TO THE PAST**

№16 (2019)



TOSHKENT-2019

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий Университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

**"Ўтмишга назар" журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial Board of the Look to the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
Жаҳон Тиллари Университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи  
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -  
Технология Институтида*

**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>1.Аюпов Баҳодир Рихсибоевич</b> ЯНГИ ТЎЛҚИН ВА УНИНГ ЎЗБЕККИНО САЊАТИГА ТАЪСИРИ.....	4
<b>2.Салимов Шерзод Юнусович, Ачилов Фирдавс Насритдин угли</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДАГИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	9
<b>3.Ёқубова Диларам Таджиевна</b> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИ СУРҲОН ВОҲАСИНИНГ СУҒОРИШ ТИЗИМИДАГИ СИЁСАТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	17
<b>4.Ziyayeva Dilorom Solixovna</b> IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O'ZBEK XALQINING FASHIZM USTIDAN QOZONILGAN G'ALABAGA QO'SHGAN HISSASI.....	23
<b>5.Ziayayev Farhod Sobirovich</b> TURKISTON JADIDLARI ILGARI SURGAN G'OYALAR, MA'RIFIY QARASHLAR VA ULARNING MAZMUN-MOHIIYATI.....	29
<b>6.Ишчанов Атабай Рейимбердиевич</b> МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАРДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	37
<b>7.Кўпайсинов Исмоил</b> ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИГА ИНГЛИЗ ЭЛЧИЛАРИ ВА САВДОГАРЛАРИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	42
<b>8.Маматқулов Акмал Яхшибаевич</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР: ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ.....	48
<b>9.Маматова Махфуза Бахриддиновна</b> XIX-XX АСРЛАРДА ТУРКИСТОН БОЗОРЛАРИДАГИ ЧОЙНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	55
<b>10.Мамаюсупова Диловар Бегматовна</b> МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР.....	61
<b>11.Абдуллоев Шухратжон Бобоисмоилович</b> "АВЕСТО" НИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРАЖИМАЛАРИ: МУАММО ВА МУЛОҲАЗАЛАР.....	66
<b>12.Марозиқов Акмал Абдурашидович</b> РИШТОН КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБИ.....	73

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Аюпов Баҳодир Рихсибоевич,  
Камолиддин Бехзод номидаги  
Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчи

## ЯНГИ ТЎЛҚИН ВА УНИНГ ЎЗБЕККИНО САНЪАТИГА ТАЪСИРИ

*For citation: Bahodir R. Ayupov. The new wave and its influence upon art Uzbekcinema. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 4-8*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-01>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг 50-60 йилларида Франция кинематографиясида кино тарихида катта роль ўйнаган "Янги тўлқин" номи остида пайдо бўлган янги йўналиш, ушбу йўналишдаги асосий принцип анъанавий усулларни рад этган ҳолда, улкан ижодий гуруҳлардан, шунингдек қиммат техникалардан воз кечган режиссёрлар ихчам гуруҳларда фильмлар суратга олишни бошлагани ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, 60-йилларда кинонинг асосий вазифаси турли хил тасвирий иборалар билан инсоннинг фикрларига кириб бориш ва ички дунёни очиш эди. 60-йилларда пайдо бўлган янги тўлқин қаҳрамонларнинг анъанавий, барқарор драматик ҳолатини ва муаллифнинг бир томонлама натижасини бузилишига олиб келганлиги ва янги тўлқин ҳали ҳам ижодий изланиш ва ривожланиш манбаи эканлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** оператор, ракурс, тасвир, оптика, композиция, монтаж, тон, кинематограф, ёруғлик, рамз, сюжет, образ, кадр.

Аюпов Баҳодир Рихсибаевич,  
Преподаватель Национального института  
художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода

## НОВАЯ ВОЛНА И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ИСКУССТВО УЗБЕККИНО

### АННОТАЦИЯ

В конце XX века 50-60 гг в кинематографии Франции зародился новая направления

под названием "Новая волна", которая сыграла большую роль в развитии в истории киноискусства. Основным принципом этой направления стало отказ от традиционных методов, т.е. отказываясь от огромных творческих групп, а также от дорогостоящих техник, режиссеры начали снимать фильмы в компактных группах. В 60-х годах киноискусстве основной задачей была проникновения к человеческим размышлениям и раскрытия внутреннего мира с различными изобразительными выражениями. Новая волна, которая развивалась в 60-е годы приводит крушению традиционные, устойчивые драматические состояние героев, а также авторское одностороннее развязка событий. Новая волна до сих пор является источником творческих исканий и развитии.

**Ключевые слова:** оператор, ракурс, изображение, оптика, кадркомпозиция, монтаж, тон, кинематограф, свет, сюжет, образ.

**Bahodir R. Ayupov,**

Teacher of the National Institute of Art and Design  
name of the KamoliddinBexzod

## THE NEW WAVE AND ITS INFLUENCE UPON ART UZBEK CINEMA

### ANNOTATION

At the end of the XX age 50-60 y.y. new direction arose in cinematograph of France under name "New wave", which has played the greater role in development in histories of movie. The Cardinal principles of this direction became the refusal of traditional methods i.e. refusing from enormous creative groups, as well as from high-priced technician, stage managers have begun to shoot the films in compact group.

In 60 years in movie the primary task was a penetration to human cogitations and opening the internal world with different art expressions. Either as in the other art in art of the screen, opening the relations of the heroes was sent through sub-picture. New wave, which developed in 60 years, brings the wreckage traditional, firm dramatic condition of the heroes, as well as author's unilateral uncoupling event. The New wave hitherto is a source creative searching and development.

**Key words:** operator, foreshortening, scene, optics, frame composition, montage, tone, cinematograph, light, plot, image.

Кино санъти тарихида алоҳида ўринга эга бўлган "Янги тўлқин" йўналиши Кўтган аср 50-60 йилларида Франция кинематографиясида пайдо бўлди. Бу йўналиш тарафдорлари кино ишлаб чиқаришнинг анъанавий усулларида, яъни катта ижодий гуруҳ, серхаражат техник воситалардан воз кечиб, адад жиҳатидан катта бўлмаган тасвирга тушириш гуруҳи аъзолари билан фильмлар ярата бошладилар. Ўша кезларда режиссёр ва кинотанқидчи А.Аструкнинг "камера бу ёзув пати", кинематографда муаллифлик ифодаси эркин ва кенг имкониятли бўлиши керак" деган назариясини илгари сурган [1,С.218].

"Янги тўлқин"нинг хусусияти шундан иборат эдики, фильм яратиш жараёнида визуал ҳикоянинг монтажидаги ноанъанавий тажрибалари, тасвирга туширишнинг жонли мулоқот услубида ҳамда жамият ҳаётидаги ижтимоий сиёсий жараёнлардаги

ўзгаришларда фаол иштирок этишдан иборат эди [2].

А.Астурукнинг L`Ecran журналининг 1948 йил 3-сонидаги "Янги авангарднинг туғилишида камеранинг стили", деб номланган манифестида бўлғуси йўналишнинг умумий кўриниши ҳақидаги баъзи ғояларини келтириб ўтади. Франциялик кинотанқидчи "Янги тўлқин" асосчиларидан бири Франсуа Трюффо "Cahiers du cinema" журналида юқоридаги ғояни кенгайтириб: "Кино, тасвирий саъят, роман каби ўзини намоён қилишнинг янги босқичда. Бу шундай ҳолатки ижодкор ўз қарашлари қанчалар абстракт кўринишида бўлмасин замонавий роман ёки эсседаги каби тўлиқ изҳор эта олади. Шунинг учун мен бу янги даврни камера услуби (Camera stily) деб атаيمان [3].

Ф.Трюффо, Ж.Ривет, Л.Годар, П.Кастлар анъанавий фильмлардаги цензура, кино юлдузлардан иборат мизан кадрларга, сунъий уюштирилган сюжетларга қарши чиқдилар.

Кино оламидаги иқтисодий таназул даврида, фильмлар ўзларини молиявий томондан оқлаш гумон бўлиб турган бир вақтда, ишлаб чиқаришда тез ва камхарж фильмларни ишлаб чиқаришга продюсерлар қизиқиб, янги дебютантлар билан ишлашга киришдилар. Бу эса қисқа давр ичида 160 дан зиёд янги режиссёрларни кино оламига кириб келишига асос бўлди [4].

Янги тўлқин даврида тасвирга туширилган фильмлар таркибий қисмига назар солсак унинг визуал ифодасидаги оператор фаолияти, техниканинг қўлланилиши анъанавий тасвирга тушириш услубидан фарқланар эди. Турли йирикликдаги планларни ички монтажли усулда, узун метражли планларда, камера кузатуви ҳолатида тасвирга тушириш жорий қилинди.

Бадиий фильм ички структурасида ҳужжатийликнинг айрим унсурларини бирикиши фильмларда янгича тасвирий ечимлар келтириб чиқишига асос бўлди.

Фильмларнинг бюджети катта бўлмаганлиги учун ижодкорлар бор имкониятдан, ҳусусан яқинлари хонадонларида ҳовлиларида, ижодий гуруҳ дўстларидан актёр сифатида фойдаланиб, фильмларнинг содда лекин пишиқ мизан кадрларига эришдилар [5].

Инсон шахсининг ички олами муаммоларини чуқурроқ очиб бериш, унинг борлиқ билан ўзаро муносабатларини намоёиш этиш янги тўлқин ижодкорлари олдига янгича талабларни қўйди. Шунингдек Францияда бошланган тўлқин дунё бўйлаб тарқалиб, унинг таъсири Ўзбекистон кино оламига ҳам етиб келди.

Бу қаршилиқлар Франция кинематографиясида "юқори сифатли" тижорий фильмларга қаратилган бўлса советларда катта услуб деб номланган сталин кинематографиясига қаратилган. Уларда ҳам, бизларда ҳам кино тили ва уни идрок этиш талабларини ислоҳ қилиш масаласи кун тартибига чиқди [6].

Бироқ янги йўналиш кино ижодкорлари дунёни, ён-атрофда кечаётган ҳодисотларни англаш янгича услубини аниқлаб олиш керак эди. Мисол учун: "Сенинг изларинг" (1963й. реж.Р.Ботиров, опер.М.Масленников), "Учрашув" (1963й. реж. Э.Ишмухамедов, опер. А. Фатхулин), "Сурайё" (1963й. реж. У.Назаров, опер. Т.Рузиев), "Одержимый" (1965й реж. З.Сабитов, опер Л.Травицкий), "Прозрение" (1965й. реж. Ш.Аббасов, опер. М.Пенсон, Л.Эфтимовский), "Оппоқ турналар" (1966й. реж. Э.Ишмухамедов, опер. Д.Фатхулин), "Нафосат" (1966й. реж.Э. Ишмухамедов, опер. Д.Фатхулин), "Дилором" (1968й. реж. А. Хамраев, опер. Х.Файзиев), "Йигит ва қиз" (1968й. реж. У.Назаров, опер. Л.Травицкий), "Севишганлар" (1969й. реж. Э.Ишмухамедов, опер. Г.Тутунов), "Сени кутамиз

йигит" (1971й. реж. Р.Ботиров, опер. Л.Эфтимовский)лар ишлаб чиқарган фильмларда мақсадни баён қилишдаги услуб жиҳатидан камчиликлар кўриниб турсада, реал ҳаётда учрайдиган драматик ҳолатлар, уларнинг ечимида муаллифлик нигоҳи сезилиб туради. Масалан Р.Ботировнинг "Сенинг изларинг" фильми ҳаётда ўз мустақил йўлини топишга интилаётган Искандар ва Зулайҳоларнинг катта газлаштириш, қурилиш майдонидаги романтик кечинмаларига бағишланса, Ш.Аббосовнинг "Маҳаллада дув дув гап" фильми янгиланаётган Тошкентнинг турли қурилиш майдонлари, завод, кўча ва ҳиёбонларда кечаётган сюжетлардан иборат эди. Режиссёр кадрлардаги актёрларнинг эркин ҳаракатланишини баъзан енгил импровизацияли мизанкадрга қуради. Шу давргача тасвирга туширилган фильмларда бундай енгиллик, актёрлар жонли ижроси режиссёрлар тарафидан қўлланмаган. Комедия жанрдаги фильм реал ҳолатдаги маҳаллалардан бирида, лой деворли, мўъжазгина тандир ва ошхонаси, товукхонаси ва сувга тўла ариқли хонадонлардан бирида, махсус декорациясиз Тошкент аҳолисининг асл кўринишидаги хонадонлардан бирида бўлиб ўтади. Локатциядаги табиий қурилмалар ҳам ҳаётнинг экрандаги аксини намоён этарди. Шухрат Аббосовнинг жиддий мавзудаги жисмоний имконияти чекланган Акбар Содиқовнинг (Х. Муллак) ҳаёт машаққати синовлари олдида инсоний сабот ва кучли иродасини намоён этадиган "Прозрение" (1965й.) фильмини тасвирга туширади. Фильм ижтимоий мавзудаги бирқанча алоҳида йўналишга эга сюжетлар жамланмасидан иборат бўлиб, фильм қаҳрамони Акбар ижросига муқобил равишда яна бир кўзи ожиз йигитнинг турмуш қийинчиликлари олдида беихтиёр бош эгиши тасвирланади. Олдинига Акбарнинг ўғли ўз отаси билан ўзоро келишмовчилиги ва унинг сабабларини кўрсатиш билан кескин драматик ҳолатни юзага чиқарса, фильм сўнгида режиссёр топилмалари туфайли ота ва ўғил ораси ислоҳ қилинади. Баъзи ҳолатларда мусиқа режиссёр учун муаллифлик ечими намоён этиш учун мақсадга айланади[7,Б.288].

60 -йиллар экран саъяти ижодкорларидан жамиятдаги фуқароларнинг ўй ҳаёлларига янада чуқурроқ кириб боришликни, унинг ички дунёсини турли тасвирий ифодалар ёрдамида намоён этишни тақозо этарди. Санъатнинг бошқа турлари каби экран санъати ҳам замон қаҳрамонлари ўзаро муносабатларини деталларда намоёйиш эта бошлади.

Режиссёр Учқун Назаровнинг "Сурайё" (1968)й фильми совет жамиятидаги иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан тўкин, осойишта ва бахтли оила бекасининг ички руҳий изтироблари ҳақида ҳикоя қилади. У ёшликдаги дўсти Ақром билан учрашгунга қадар идеал ҳаётга буткул ишонарди. Лекин бўлиб ўтган суҳбатдан кейин турмуш ўртоғи билан ўтаётган ҳаёти алдамчи ва ясама туйғуларга қурилаётганини, ҳақиқий туйғулар ҳеч-бир тўкинликка боғлиқ эмаслигини англаб етади ва саволлар қуршовида қолади.

Шу даврларда яратилган фильмлар ичида замонаси билан ёнма-ён, қаҳрамонларини нозик ҳис туйғуларини катта экранларга олиб чиқа олган Э.Ишмухамедов ижоди ўзбек бадиий киноси тарихида алоҳида эътиборга лойиқ. 1966 йил режиссёрнинг "Нафосат" кинокартинаси Собиқ иттифоқ экранларига чиқарилди. Ўша йиллар ВГИКда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар орасида мен ҳам бор эдим. Фильм намоёйишидан сўнг қарсақлар ва олқишлар бутун зални тўлдириб юборди. Залда институт профессор-ўқитувчилари ҳам бор эди. Бу картина менинг юртимда суратга туширилганлигидан нафақат мен ва бошқа ўзбекистонлик

талабалар ҳам фахрланишди [8].

Фильм марказида ўтиб кетаётган болаликнинг бир оз хомушлик ва жозибадор, ҳиссий, ифодали кадрларнинг монтаж жамланмаси ёрдамида намоён этилган. Анҳорда оқиб келаётган болалар, скрипка чалаётган болакай, баржа устида рақсга тушаётган грузин режиссёрнинг ҳаётий кузатувлари ягона илға илиб чиқилгандек акс этади.

Услуб жиҳатидан шунга ўхшаш фильмлар икки: бадиий-тасвирий ва ҳаққоний ҳужжатийлик йўналишида тасвирга туширилган. Кечаётган эпизодлар ҳаётнинг бир бўлагидек ҳужжатийликни ўзида акслантирса, қаҳрамонлар ҳолати уларнинг ички кечинмаларини кинематографик воситаларда бадиий тасвирий усулларда тасвирга туширилганлигини кўрсатади.

Фильм тўрттала қаҳрамонни Санжар ва Лена, Темур ва Маъмураларни ўз ҳикоясида бирлаштиради. Улар суҳбатлашадилар, рақсга тушадилар, саёҳат қиладилар ва бегубор соф туйғулар билан севишадилар. Уларга ҳар ерда ва ҳар доим табассум ва хурсандчилик, кўзёши ва қайғу, ҳазил ва жиддийлик йўлдош бўлиб боради. Оператор Д.Фатхулин нафосат муҳитига олиб кириб, режиссёрнинг бош ғоясини бадиий пластик ечимлар: ёруғлик, тус, оптика, камеранинг ҳаракатга келиши, ҳуллас операторлик унсурларини моҳирона қўллашлик билан кўрсата олган.

Мухтасар қилиб айтганда кино санъатидаги янги йўналиш ижодкорларнинг ҳаёт ва унда инсоннинг ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазалари асосида пайдо бўлди. Бу янгилик ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳолати ва руҳий олами кесишувида ҳеч қачон эскирмайди. XX асрнинг 60-йилларида юзага келган оқим кино санъатининг ифодали воситалари ёрдамида эскирган ва турғун драматик ҳолатларни, муаллифларнинг бир ёқлама ечимларини парчаладилар. Ўша янгилик ҳозирда ҳам кино санъатида изланиш ва ривожланиш манбаи бўлиб қолмоқда.

### **Фойдаанилган адабиётлар рўйхати**

1. Кинословарь. В двух томах том-2. -Москва, 1970. -С.218 (Cinema dictionary. In two volumes, volume 2. -Moscow, 1970. -P.218).
2. [https://eng.wikipedia.org/wiki/French\\_New\\_Wave](https://eng.wikipedia.org/wiki/French_New_Wave).
3. Мари М. Французкая новая волна, 2008 (Marie M. French new wave. 2008).
4. Кинословарь. В двух томах том-2. -Москва, 1970. -С.218 (Cinema dictionary. In two volumes, volume 2. -Moscow, 1970. -P.218).
5. [https://eng.wikipedia.org/wiki/French\\_New\\_Wave](https://eng.wikipedia.org/wiki/French_New_Wave).
6. Игровой кинематограф Узбекистана. -Ташкент, 2019. -С.215 (By playing the cinema of Uzbekistan. -Tashkent, 2019. -P.215).
7. Кино Узбекистана. -Ташкент, 1985. -С.288 (Cinema of Uzbekistan. -Tashkent, 1985. -P.288).
8. Оғзаки тарих: Оператор Марат Салиев билан эркин суҳбат (Oral history: Free conversation with operator Marat Saliev).



---

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

---

**Салимов Шерзод Юнусович,**  
Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик  
мажмуаси тадқиқотчиси

---


**Ачилов Фирдавс Насритдин уғли,**  
ИИБ ХПБ ИИО ТП Профилактика инспектори

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДАГИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

---

*For citation: Sherzod Yu.Salimov, Firdavs N.Achilov. Legal and regulatory framework for labour migration between Uzbekistan and Kazakhstan: problems and solutions. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 9-16*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-02>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада, фарлараро ёндашув асосида меҳнат миграцияси жараёнлари таҳлил этилган. Мақоланинг хронологик доираси мустақиллик йилларини ўз ичига олиб, меҳнат миграциясини муаммоларини ёритиб беришни қамраб олган. Қозоғистон Республикасида меҳнат фаолиятин олиб бораётган ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари, ҳаёт тарзи, пул ўтказмалар, ижтимоий ҳимоя ва муносиб меҳнат каби жиддий масалалари билан боғлиқ ҳолда муаммолар доирасида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Меҳнат миграцияси, меҳнат ресурслари, Қозоғистон, МДҲ, ноқонуний миграция, жамғарма, пул ўтказмалари.

---

**Салимов Шерзод Юнусович,**  
Научный сотрудник  
Научно-просветительского комплекса  
имени Первого Президента  
Республики Узбекистан Ислама Каримова

Ачилов Фирдавс Насритдин угли,  
Инспектор профилактикеУВД УПП ОВДБП

## НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И КАЗАХСТАНОМ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются процессы трудовой миграции на основе межпарламентского подхода. Хронологический круг статьи охватывает годы независимости, освещая проблемы трудовой миграции. Анализировался в рамках проблем, связанных с такими серьезными вопросами, как права, образ жизни, денежные переводы, социальная защита и достойный труд узбекских трудовых мигрантов, осуществляющих трудовую деятельность в Республике Казахстан.

**Ключевые слова:** трудовая миграция, трудовые ресурсы, Казахстан, СНГ, нелегальная миграция, сбережения, денежные переводы.

---

**Sherzod Yu.Salimov,**  
Scientific researcher Scientific and Enlightenment  
Complex named after the First President  
The Republic of Uzbekistan Islam Karimov.

---

**Firdavs N.Achilov,**  
Prevention inspector  
Department of internal Affairs in districts

## LEGAL AND REGULATORY FRAMEWORK FOR LABOUR MIGRATION BETWEEN UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS

### ANNOTATION

The article analyzes the processes of labor migration on the basis of the inter-parliamentary approach. The chronological circle of the article covers the years of independence, highlighting the problems of labor migration. It was analyzed within the framework of problems related to such serious issues as rights, lifestyle, remittances, social protection and decent work of Uzbek labor migrants engaged in labor activity in the Republic of Kazakhstan.

**Key words:** labor migration, labor resources, Kazakhstan, CIS, illegal migration, savings, remittances.

---

**Б**угунги кунга келиб дунёнинг деярли 200 та мамлакати жаҳон меҳнат бозорининг таркибий қисми бўлиш халқаро меҳнат бозорида иштирок этмоқда [1, Б.5]. Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги жами халқаро меҳнат мигрантларининг сони 258 миллион кишига етган бўлиб [2, Р.4], улар томонидан амалга оширилган 601 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги пул ўтказмаларининг 429 миллиарди ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган [3, Р.14].

Дунё миқёсида ишчи кучининг норасмий миграцияси кўпайиб бормоқдаки, бу ҳолат жаҳон муаммосига айланди. Жаҳон банки маълумотларига кўра XXI аср бошида дунё миқёсида 200 млн мигрант мавжуд бўлиб [4, С.19], 2013 йилга келиб, дунё миқёсида мигрантлар 230 млн кишини ташкил этди [5].

Республикада меҳнат ресурслари сонининг йил сайин ўсиб бориши аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида қийинчиликлар туғдириб, ташқи меҳнат миграциясини кучайтирди [6, С.58-59]. 1990-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса, миграция яққол иқтисодий йўналганликка эга бўлди, яъни, одамларнинг ўз моддий аҳволини яхшилашга интилиши томонидан юзага келтирилди [7, С. 56]. Бу жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади.

Ўзбекистонда меҳнат миграцияси Иттифоқ тарқалгунга қадар ҳам бўлган ва республика ичида, масалан "чегарачи"ларнинг жанубий ҳудудларга пиёз, гуруч етиштириш учун бориши, бўлганидек унинг ташқарисида ҳам кузатилган. Ташқи меҳнат миграцияси ташкиллаштирилган шаклларда, яъни янги қурилишларда қатнашиш, корхоналарда ишчиларни танлаб ишлашга юбориш ва бошқалар ҳамда ташкиллаштирилмаган шаклларда, асосан бошқа республикаларда мева-сабзавотларни сотиш амалга оширилган [8].

МДХнинг бир қатор давлатларидан фарқли ўлароқ, 90-йиллар давомида Ўзбекистонда уюшган меҳнат миграцияси кенг ривож топмади. Давлат даражасида меҳнат миграцияси 1994-1995 йиллардан, яъни Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик ташкил этилган даврдан бошлаб ривожлана бошланди. 1995-2000 йиллар давомида 4,7 минг киши Корея Республикасида ишлаш ва ўқиш учун мазкур агентлик томонидан юборилди [9, С.53]. Шунингдек, агентлик томонидан турли касб эгаларининг Япония, АҚШ, БАА, Малайзия, ва бошқа давлатларга ҳам юборилиши йўлга қўйилган.

Меҳнат миграциясининг ривожланиб бориши бу йўналишда махсус меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантиришни тақозо этарди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги "Меҳнат кучларини олиб чиқиш ва олиб киришни тартибга солиш тўғрисида"ги [10] 353-сон қарори ҳамда 1994 йил 22 мартдаги 153-сонли "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга боришларини вақтинчалик тартиби" [11], меҳнат кучларини олиб чиқиш ва олиб киришни тартибга солиш тўғрисида қарорининг қабул қилиниши бу борадаги дастлабки қадам бўлди. Мазкур қарор Ўзбекистон фуқароларининг чет давлатларда меҳнат фаолияти юритиш ҳуқуқини амалга ошириши, фуқароларнинг чет элдаги бандлиги масалаларини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди [12, Б.53].


Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда ишлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонунда белгиланган бўлиб, айниқса, ушбу қонуннинг 1998 йил 1 майда қабул қилинган иккинчи таҳририга кўра фуқароларнинг ташқи меҳнат фаолияти юритиш ҳуқуқи янада кенгайди. Жумладан, мазкур қонуннинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил иш қидириш ва ишга жойлашиш ҳуқуқига эга бўлди [13, Б.140].

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари ичида меҳнат миграцияси соҳасидаги асосий ҳамкори Қозоғистон Республикаси бўлди. Икки мамлакат ўртасидаги меҳнат миграцияси кўпроқ мавсумий ҳарактерга эга бўлиб,

Қозоғистондаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг аксарият қисми мамлакат жанубидаги қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг пахта, тамаки етиштириш каби соҳаларига жалб қилинади [14, Б.15]. 1997-2006 йиллар оралиғида икки мамлакат ўртасидаги меҳнат миграцияси жараёнлари ўта фаоллашган бўлиб, Ўзбекистондан Қозоғистонга кириб борган меҳнат мигрантлари сонининг барқарор ўсиши кузатилган [15]. БМТТД нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маълумотида [16] Мамлакат олдида турган энг катта муаммолардан бири ишсизлик бўлиб, бу қишлоқ ва шаҳар ўртасида катта фарқлиғича сақланиб қолмоқда. Россия ва Қозоғистонга оммавий меҳнат миграциясининг сабаби ишсизлик ва ойлик маошларининг пастлиги билан боғлиқ дейилади.

Қозоғистон Республикасининг статистик маълумотлари 1999-2006 йиллар давомида мамлакатдаги иммигрантларнинг кўпчилиги ўзбекистонликлардан иборат бўлганини ва улар МДХ мамлакатларидан ташриф буюрган жами мигрантларнинг 56,7%ини ташкил қилганини кўрсатади [17]. Аммо кейинги йиллар давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасида миграция соҳасидаги келишувнинг имзоланиши, Қозоғистон томон меҳнат миграцияси оқимларининг қисқаришига сабаб бўлди. Статистик маълумотлар сўнгги йилларда Ўзбекистондан Қозоғистонга томон миграция ҳажми жами миграция ҳажмининг 38%ини ташкил қилгани кўрсатмоқда (1-расмга қаранг) [18, Б.14].

1-расм. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида миграция алмашинуви, киши (2011-2015 йиллар)[19]



Қозоғистон ҳукумати мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда қонуний меҳнат миграциясининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд бўлган реал талабдан келиб чиқиб, квоталаш тизимига ўзгатиришлар киритди. Меҳнат миграцияси масалалари бўйича Қозоғистон Республикасининг қонунчилик актларига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ, 2014 йилнинг январидан бошлаб, МДХ мамлакатларидан ташриф буюрган меҳнат мигрантлари уй хўжалиги хизматлари, яъни болалар парвариши, хонадонлар хизмати, қурилиш, уйларни таъмирлаш каби ишларни махсус рухсатнома асосида қонуний равишда амалга оширишлари мумкин бўлди [20, Б.16]. Шунингдек, ҳар бир қозоғистонлик жисмоний шахс бештагача бўлган мигрантни ишга ёллаши ва ҳар бир мигрант икки минимал иш ҳақи миқдорида даромад солиғи тўлаши зарурлиги белгилаб қўйилди. Бундай тизимнинг жорий қилиниши бир томондан мавсумий иш билан бандликнинг нисбатан узоқ муддат давомида таъминланишига,

бошқа томондан эса, хорижий меҳнат ресурсларига ўз Ватани ва оиласини унчалик узоқ бўлмаган муддатга тарк этиш имкониятини беради.

2016 йил ҳолатига кўра, Қозоғистондаги меҳнат мигрантларининг тахминан 1 миллион нафарини Ўзбекистон фуқаролари ташкил қилади [21, Б.16]. Шу ўринда турли ҳил манбаларда келтирилган рақамларнинг ўзаро мос келмаслик ҳолатлари эътиборни тортади. Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг статистик манбаларида мигрантлар сони бўйича сезиларли тафовутлар кузатилади. Бунинг сабабларидан бири аксарият мигрантлар хорижда ишлаш учун мамлакатимиздан чиқиб кетаётганлигини ошкор қилмайди. Бундан ташқари, Қозоғистонга миграцияни амалга оширганларнинг ҳаммаси ҳам меҳнат мигрантлари эмас, балки Ўзбекистондан Қозоғистонга доимий яшаш мақсадида кўчиб кетган этник қозоқлар ва қорақалпоқлардан иборат эканини ҳисобга олиш лозим.

2018 йилда Қозоғистонга сафари мақсадини "иш" деб кўрсатган ўзбекистонликлар статистикаси бундан мустасно. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, бундай мигрантлар 3,5 миллион кишини ташкил этади [22]. Аҳолиси 18 миллион киши бўлган Қозоғистон учун бу рақамга "ақл бовар қилмайди".

Афтидан, бундай фуқароларнинг аксарияти Қозоғистонга бошқа мақсадда чиққан. У ерга борган меҳнат мигрантларининг ҳақиқий сони бундан анча кам. Қозоғистондан Ўзбекистонга жўнатилган пул ўтказмалари миқдорининг 2017 йилга нисбатан 28 фоиз ошганига қараганда, 2018 йилда Қозоғистонга кетган меҳнат мигрантлари сонини 650 минг - 800 минг нафар деб тахмин қилса бўлади [23].

Меҳнат мигрантлари томонидан амалга оширилган пул ўтказмаларига эътибор қаратар эканмиз, Жаҳон банки маълумотлари бўйича Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг ҳар йилги пул ўтказмалари 2006 йилдаёқ, 1 млрд АҚШ долларига яқинлашиб қолди, 2009 йилда эса, баъзи бир баҳолашлар бўйича улар 2 млрд, 2010 йилда эса 2,5 млрд АҚШ долларидан ошди [24, Б.127]. Орадан 10 йил ўтиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Кудбиев келтирган маълумотларига кўра 5 миллиард АҚШ долларига яқин маблағ мамлакатга юборилаётгани ва бу ҳар қандай экспорт тармоғидан кўп экани таъкидланади [25]. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли томонидан хорижий давлатлардан Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари тизими орқали 4,5 млрд доллар жўнатилган. Валюта маблағларининг халқаро пул ўтказмалари орқали тушуми ҳажми 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоизга ошган (2018 йилнинг илк 9 ойида ушбу қиймат 3,8 млрд долларни ташкил қилган) [26].

Охирги йилларда меҳнат мигрантларининг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳуқуқий жиҳатдан таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги "Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ 3839 сонли қарори [27] билан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мафаатларини ҳимоя қилиш Жамғармаси ташкил этилган.

Жамғарманинг вазифалари:

-Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шакллари тубдан кенгайтириш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун

республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтириш;

-хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

-меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳатланиш, бахтсиз ҳодиса сабабли тиббий хизмат кўрсатиш талаб этилган фуқароларга, кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақини меҳнат мигранти ҳисобидан тўлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тўланган маблағлар ушбу фуқаролар томонидан кейинчалик қоплаб берилиши шарти билан, тиббий хизмат кўрсатиш;

-республика ҳудудларида хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни кетишдан олдинги мослаштириш, касбий тайёрлаш, хорижий тилларга ўқитиш ва билим даражаси юзасидан тест синовлари ўтказиш, фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини ташкил этиш ҳамда жиҳозлаш;

-хорижда Агентликнинг ваколатхоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш;

-норасмий меҳнат миграциясининг олдини олишга қаратилган, фуқароларни хорижда ишга ташкиллаштирилган тарзда жойлаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича ахборот-маърифий тадбирларни ўтказишдан иборатдир[28].

Қарорда белгиланган яна бир муҳим жиҳат, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма даромадлари давлат бюджетидан ажратиладиган 200 миллиард сўм миқдоригаги бир маргалик беғараз молиявий ёрдам орқали шакллантирилади [29].

Хулоса қилиб айтганда, бу даврнинг ижтимоий-демографик жараёнларига қисқача назар ташлашга яқун ясаган ҳолда, шуни таъкидлаш лозим-ки, Ўзбекистон олдида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги трансформацион жараёнларни чуқурлаштириш бўйича янги вазифалар турибди. Улардан энг долзарблари - демографик ривожланиш, бандлик, меҳнат миграцияси муаммолари - ҳали ўзларининг энг мақбул тарзда ҳал этилишларини кутмоқдалар.

Меҳнат миграцияси жараёнларининг борган сари авж олаётганига қарамай, аксарият мамлакатларда меҳнат мигрантларининг қонунийлик макони чегараланганлигича қолиб кетмоқда. Меҳнат миграциясининг самарали тартибга солинмаслиги аксарият ҳолатларда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминламаслиги ҳамда ноқонуний миграция ва одам савдоси каби нохуш ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

МДҲ мамлакатлари орасида минтақавий интеграция алоқаларини ривожлантиришда энг аввало, миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда миллий меҳнат бозорларидаги тартибсизликларни бартараф этиш, тегишли қарорларни мувофиқлаштириш ва ноқонуний миграцияга йўл қўймаслик каби чора-тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратиш лозим.

Хориж тажрибаси таҳлилига таянган ҳолда, мамлакат иқтисодиётининг меҳнат

миграцияси жараёнларига боғланиб қолишини олдини олишда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантирилиши, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай муҳит яратилиши, банк, транспорт ва туризм каби хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожлантирилишига урғу берилиши лозим.

Истиқболда Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига фаол интеграциялашувига эришиш учун мамлакатда бу жараёнларни ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, яъни энг аввало меҳнат миграцияси тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш, халқаро ва минтақавий келишувларни имзолаш ҳамда тегишли халқаро конвенцияларни қабул қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ТММА фаолиятини кенгайтириш ва меҳнат миграцияси йўналишларини хилма хиллаштириш-мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарурки, Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари бандлигини таъминлашда мамлакатда янги иш жойларини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларнинг меҳнатда бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани мамлакат раҳбари раҳнамолигида оқилона иқтисодий сиёсат олиб борилаётганлигидан далолат беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қодирова З.А. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви. Иқт. фан.фалс. докт. (PhD) автореф. дисс. ....-Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2018. -5-бет.
2. International migration report 2017.UN. N.Y. 2017. P.4.
3. Migration and remittances factbook 2016.World bank group.P.14.
4. Доклад о мировом развитии 2013. Занятость.Всемирныйбанк. -С. 19.
5. Migration and Remittance Flows: Recent Trends and Outlook, 2013-2016. Migration and Development Brief. The World Bank. October 2, 2013. P.9. <http://www.bancomea.md/app/webroot/uploaded/MigrationandDevelopmentBrief21.pdf>
6. Миграция рабочей силы Республики Узбекистан: проблемы и перспективы. - Ташкент, 2001. - С.58-59.
7. Қаранг: Муртазина Р.Б. Миграция в Узбекистане: современная ситуация и направления её регулирования // Общественные науки в Узбекистане. 2007. № 6. С. 56.
8. Меҳнат миграцияси ва тенденциялар. <https://uzanalytics.com/graphics/4423/>
9. Бакаева Ф.Х. О содержании концепции проекта Закона Республики Узбекистан "О внешней трудовой миграции" с точки зрения защиты прав человека / Проблемы занятости и трудовой миграции в странах ЕврАзЭС. Материалы научно-практической конференции. - Ташкент, 2006. - С.53.
10. [https://nrm.uz/contentf?doc=122241\\_ishchi\\_kuchlarini\\_chetdan\\_keltirish\\_va\\_chetga\\_chiqarishni\\_boshqarish\\_tartibi\\_to%E2%80%98g%E2%80%98risida\\_nizom\\_\(o%E2%80%98zr\\_vm\\_14\\_07\\_1993\\_y\\_353-son\\_qaroriga\\_2-ilova\)](https://nrm.uz/contentf?doc=122241_ishchi_kuchlarini_chetdan_keltirish_va_chetga_chiqarishni_boshqarish_tartibi_to%E2%80%98g%E2%80%98risida_nizom_(o%E2%80%98zr_vm_14_07_1993_y_353-son_qaroriga_2-ilova))
11. <http://lex.uz/acts/263927>
12. Исоқов Б.Н. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми - 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих. фан. номз. дисс...-Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2010. -Б.143.
13. Исоқов Б.Н. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми - 2000 йиллардаги

тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих. фан. номз. дисс...-Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2010. -Б.140.

14. Қодирова З.А. Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлиги. // "Иқтисодиётда инновация журнали". Тошкент, 2018, № 3. -Б. 15.

15. Зимовина Е.П.Казахстан в системе миграционного взаимодействия стран Центральной Азии// Вестник КарГУ2010. [https:// articlekz. com/ article /5482](https://articlekz.com/article/5482)

16. Ўзбекистон ҳақида. [http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/uz/home/operations/undp\\_un.html](http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/uz/home/operations/undp_un.html)

17. Зимовина Е.П.Казахстан в системе миграционного взаимодействия стран Центральной Азии// Вестник КарГУ, 2010. [https:// articlekz. com/ article/ 5482](https://articlekz.com/article/5482)

18. Қодирова З.А. Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлиги. // "Иқтисодиётда инновация журнали". Тошкент, 2018, № 3. -Б. 14.

19. Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

20. Қодирова З.А. Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлиги. // "Иқтисодиётда инновация журнали". Тошкент, 2018, № 3. -Б. 16.

21. Қодирова З.А. Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлиги. // "Иқтисодиётда инновация журнали". Тошкент, 2018, № 3. -Б. 16.

22. Меҳнат миграцияси ва тенденциялар. [https:// uzanalytics. com/ graphics/4423/](https://uzanalytics.com/graphics/4423/)

23. Меҳнат миграцияси ва тенденциялар. [https:// uzanalytics. com/ graphics/4423/](https://uzanalytics.com/graphics/4423/)

24. Тожиева З.Н. "Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари". Геог. фан. докт (DSc). дисс. ....-Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2017. -127-бет

25. Меҳнат муҳожирлари ҳар йили Ўзбекистонга 5 миллиард доллар юбормоқда <https://kun.uz/85616298>

26. Мигрантлар Ўзбекистонга йил бошидан буён 4,5 млрд доллар юборишди <https://kun.uz/news/2019/10/10/ozbekistonliklar-yil-boshidan-yurtlariga-45-mlrd-dollar-otkazishdi>

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.07.2018 йилдаги "Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ -3839 сонли қарори.

28. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasining-tash-i-me-nat-migratsiya-tizimini-05-07-2018>

29. Муродалиева Г. "Biznes Daily". Глобал миграция: тўкин ҳаёт ва даромад илинжида. 20.07.2018. <http://www.biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/59344--global-migratsiya-tukin-hayot-va-daromad-iljida>



---

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

---


Ёкубова Диларам Таджиевна,  
Термиз давлат университетининг  
Денов филиали тарих фани ўқитувчиси

## СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИ СУРХОН ВОҲАСИНИНГ СУҒОРИШ ТИЗИМИДАГИ СИЁСАТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

---

*For citation: Dilaram T. Yakubova. The policy on the irrigation system of soviet power in the Surkhan oasis and its results. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 17-22*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-03>

### АННОТАЦИЯ

Совет ҳокимиятининг Сурхон воҳасида амалга оширган ирригация ва мелиорация соҳасидаги амалий ишлари, шунингдек, мелиоратив ширкатлар ва артеллар тузиш, ирригацияга доир малакали техник ходимлар тайёрлаш борасидаги сиёсати илмий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Сурхон воҳаси, Шеробод, мелиорация, мелиоратив ширкатлар, ирригация, ирригация қурилишлари, чўлларини ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик кооперацияси

---

Якубова Диларам Таджиевна,  
Преподаватель истории Денауского филиала  
Термезского государственного университета

## ПОЛИТИКА ПО ОРОСИТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В СУРХАНСКОМ ОАЗИСЕ И ЕЁ РЕЗУЛЬТАТЫ

### АННОТАЦИЯ

В работе научно анализированы практические работы в области ирригации и мелиорации, осуществлённые советским правительством в Сурханском оазисе, также анализирована политика по подготовке квалифицированных технических кадров по построению мелиоративных ширкатов и артелей.

**Ключевые слова:** Сурханский оазис, Шерабад, мелиорация, мелиоративная компания, ирригация, строительство ирригационных сооружений, освоение пустынь, сельскохозяйственная кооперация

**Dilaram T. Yakubova,**  
History teacher at the Denau branch  
of Termez State University

## THE POLICY ON THE IRRIGATION SYSTEM OF SOVIET POWER IN THE SURKHAN OASIS AND ITS RESULTS

### ANNOTATION

The scientific analysis of the Soviet government's policy on irrigation and land reclamation in the Surkhan oasis, as well as the establishment of reclamation companies and artel, training of qualified technician for irrigation.

**Key words:** Oasis of Surkhan, Sherabad, land reclamation, land reclamation companies, irrigation, construction of irrigation facilities, desert development, agricultural cooperation

Совет ҳукумати ўз ҳукмронлигининг дастлабки даврида пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини Марказ манфаатлари мақсадида тайёрлаш ва ўз вақтида етказиб бериш мақсадида Ўзбекистонда суғориш ишларини ривожлантириш учун қуйидаги аниқ вазифалар ва тадбирлар ишлаб чиқди:

- суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш учун янги суғориш тизимларини вужудга келтириш ва сув ресурсларини ўрганиш;
- ирригация ва мелиорация ишларини бошқарадиган ягона бошқарув ташкилотини шакллантириш, "Қўшчи уюшмаси"нинг камбағал аъзоларини майда суғориш тармоқлари ишига жалб этиш;
- мелиоратив ширкатлар ва артеллар тузиш, ирригацияга доир малакали техник ходимлар, шу жумладан, маҳаллий аҳолидан мутахассислар тайёрлаш масаласига этибор бериш ва ҳаказо[1,Б.581];

Сурхон-Шеробод воҳасида 1925 йилда ирригация тизимини тезроқ тиклаш сув таъминотини яхшилаш мақсадида, тўққизта сув тармоғи тақсимоти ва 64 та мироблик бўлимлари ташкил этилди[2,Б.113]. 1925 йилда бутун Сурхон воҳаси 2 сув округига бўлиниб, биринчи сув тармоғи саналган Юқори-Сурхон округи таркибига воҳанинг юқори қисми, яъни Қоратоғ, Дашнобод, Тўполанг, Хўжаипок, Дагдон, Хўжаоб-Қорасув дарёлари ва шу ҳудудларга қарашли тоғ булоқларида қурилган суғориш тизимлари кирди. Юқори Сурхон округининг биринчи сув тармоғи Юрчи деб аталиб, у 6 та сув ҳудудларидан, иккинчи сув тармоғи эса Шеробод сув округи ҳисобланиб, у 9 та сув тақсимлаш тармоқларидан иборат эди[3,Б.110]. 1925 йил Сурхон-Шеробод воҳасида дастлабки қишлоқ хўжалик кооперацияси тузилди. 1925-1926 йилларда Сурхондарё округида 6 та мелиоратив, Оққўрғон, Дашнобод, Шоқишлоқ, Ҳазорбоғ, Жарқўрғон, Қорлиқ ширкатлари ташкил этилди ва ушбу ширкатлар жамоалаштиришнинг бошланғич палласини ташкил этди[4].

1926 йил Сурхон-Шеробод воҳасида дастлабки ўнта "Қўшчилар уюшмаси" ташкил топди ва уларнинг аъзолари сени 18080 кишига етди. 1926 йил Шеробод уездининг Озод қишлоғида биринчи колхоз "Ленин йўли" колхоз ташкил этилди. Совет ҳукумати қишлоқ хўжаликни ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация тармоқларини қуриш ва қайта таъмирлаш мақсадида қишлоқ хўжалигига 107386 сўмлик узоқ муддатли, 229614 сўмлик қисқа муддатли қарзлар берди[5].

Янгидан ташкил этилган сув хўжалик бошқармаси воҳа сувдан фойдаланувчилари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб, Сурхондарё сув хўжалиги ишчилари ва сув тақсимотчиларини, миробларни сайлов асосида тайинлашни йўлга қўйди.

Шу тариқа Сурхон-Шеробод воҳасида илк бор мироблар сайлови махсус кўрсатмалар асосида, яъни сув хўжалигининг дастлабки уюшмаларига ва миробликка камбағал деҳқонлар ўртасидан сайланди. Масалан, 1925-1926 йилларида миробликка сайланганларнинг кўпчилигини кам ерли ва ўртаҳол деҳқонлари ташкил этиб, уларнинг сони 348 та нафарга етди[6,Б.6].

Сурхон-Шеробод воҳасидаги биринчи "Мелиоратив ўртоқлик уюшмаси" 1925 йил ноябрда ташкил топди. Ушбу уюшма ёрдамида 450 десятина ерни суғориш учун Қорасув ирригацион тизимини тиклаш мақсадида Оққўрғон кентининг Новшаҳар қишлоғи аҳолиси оммавий ҳашарга жалб этилди[7,Б.422-423].

1926 йилда Жарқўрғон "Мелиоратив ўртоқлик уюшмаси"нинг кучи билан Занг каналининг бош қисмини тиклаш бўйича анча ишлар амалга оширилиб, 800 гектар янги ер ўзлаштирилди. 1927 йилда Термиз каналининг бош қисмида қайта тиклаш ишлари амалга оширилиб, Сурхон дарёсида дамба қурилиши натижасида, Мангузар ва Арпапояда 2 гидрометрик сув тақсимлагич ўрнатилди. Шунингдек, Сурхондарё бўйидаги Жалоир ва Оқтепа ариқлари ҳамда Жарқўрғон-Занг тўғони қурилиб ишга туширилди. Сурхон-Шеробод ҳудудидаги ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация тармоқларини вужудга келтириш ва назорат қилиш мақсадида 1926 йилда Шерободда биринчи агромарказ ташкил этилди. Ушбу ирригация-мелиорация агромарказида 12 та пахтачилик, 5 та бедачилик ҳудудлари тузилиб, уларнинг ихтиёрига 3 та трактор берилди. Шеробод ирригация ва мелиорация тармоғи Шерободдарё ва Амударёдан ҳамда тоғ чашмаларидан сув олган. 1926 йилда Шеробод дарёдан олинган сув тизими орқали 591 километр масофадаги 28 та магистрал ариққа сув тақсимланган. Шунингдек Амударё тизимидан 49 километр узунликдаги 6 та ариққа, тоғ булоқлари тизимидан эса 342 километр ли узунликдаги 50 та ариққа сув олинган[8].

1926-1927 йилларда экин майдонларини кенгайтириш бўйича каттагина ишлар амалга оширилди. 1926 йил охирида эса янги ерларни ўзлаштириш мақсадида, Термиз каналининг бош қисми қайта таъмирланиб, Термиз-Юрчи ботқоқларини қуритиш бўйича талай ишлар амалга оширилди.

Ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ўзига бириктирган "Мелиоратив ўртоқлик уюшмаси" ва "Қўшчи уюшмаси", 1927-1929 йилларда нафақат ирригацион ишларни, балки Сурхон-Шеробод воҳасида ер-сув ислоҳатини ўтказишда ҳам илғор қатнашди. Ўлкадаги ер-сув ислоҳоти бой ва ўртаҳол деҳқонларнинг ер мулкини тортиб олиш ва мусодара қилиш орқали амалга оширилди. Жамоалаштириш жараёни Совет ҳукумати томонидан адолатсиз, зўравонлик, сургун ва бадарға қилиш шунингдек маҳаллий халқ оммасини миллий ва маънавий жиҳатдан эзиш усуллари билан амалга оширилди. Совет ҳукуматининг жамоалаштириш сиёсати маҳаллий аҳолини кўрқув ва ваҳимага солди, оқибатда улар ўз хўжалиklarини ташлашга, ер майдонларини қаровсиз ҳолда қолдиришга ва чорва молларини эса сўйиб ёки бозорга арзон гаровга сотишга мажбур бўлдилар. Жамоалаштириш даврида юз берган бундай адолатсизлик, зўравонлик ва одамларнинг қадр-қимматини оёқости қилиш, халқ оммаси норозилигининг мислсиз даражада кучайишига сабаб бўлди. Совет ҳукуматининг амалга ошириш

"қатағонлик сиёсати" Сурхон-Шеробод воҳасини ҳам четлаб ўтмади[9,Б.334]. Ирригация тизимларини тиклаш ва ерларнинг сув билан таъминланишини яхшилашга қаратилган ишлар натижасида, 1928 йилда экин майдонлари 65 минг гектарга етди. Шу жумладан пахта майдони 12,5 минг гектарни ташкил этди[10,Б.9]. Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тизимини яхшилаш учун 1928 йилда Сурхон-Шеробод воҳасига 28 дона трактор келтирилди ва қўшимча 400 гектар ер ўзлаштирилди. Тракторчилар тайёрлаш курсида эса 92 та мутахассис тайёрланди[11,Б.313-377].

Мавжуд мелиоратив хўжаликлар ва "Қўшчи уюшмаси" томонидан Сурхон-Шеробод воҳасида кохозларни ташкил этишга жиддий киришилди. 1926 йилда Шеробод уездида дастлабки қишлоқ хўжалик артели тузилди. Кейинчалик улар Паттакесар ва Жарқўрғон ҳудудларида ҳам ташкил этилди[12,Б.34]. Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти маҳаллий аҳолининг жиддий қаршилигига дуч келди. Сурхон-Шеробод воҳасида 1925 йилда ирригация тизимини тезроқ тиклаш сув таъминотини яхшилаш мақсадида, тўққизта сув тармоғи тақсимоти ва 64 та мироблик бўлимлари ташкил этилди. 1925 йилда бутун Сурхон воҳаси 2 сув округига бўлиниб, биринчи сув тармоғи саналган Юқори-Сурхон округи таркибига воҳанинг юқори қисми, яъни Қоратоғ, Дашнобод, Тўполанг, Хўжаипок, Дагдон, Хўжаоб-Қорасув дарёлари ва шу ҳудудларга қарашли тоғ булоқларида қурилган суғориш тизимлари кирди. Юқори Сурхон округининг биринчи сув тармоғи Юрчи деб аталиб, у 6 та сув ҳудудларидан, иккинчи сув тармоғи эса Шеробод сув округи ҳисобланиб, у 9 та сув тақсимлаш тармоқларидан иборат эди. 1925 йил Сурхон-Шеробод воҳасида дастлабки қишлоқ хўжалик кооперацияси тузилди. 1925-1926 йилларда Сурхондарё округида 6 та мелиоратив, Оққўрғон, Дашнобод, Шоқишлоқ, Ҳазорбоғ, Жарқўрғон, Қорлиқ ширкатлари ташкил этилди ва ушбу ширкатлар жамоалаштиришнинг бошланғич палласини ташкил этди[13,Б.313-377].

1929 йилдан эътиборан, жамоалаштиришни зўравонлик асосида яъни сунъий тарзда тезлаштириш бошланди. Бунга И.В.Сталиннинг 1929 йил 7 ноябр куни "Правда" газетасида эълон қилинган "Буюк бурилиш йили" мақоласи сабаб бўлди. Шундан сўнг янги ерларни ўзлаштириш, сунъий суғориш тизимини кенгайтириб, янги суғориш иншоотларини ишга тушириш соҳасида маълум тадбирлар амалга оширилди. Чунки Совет ҳукумати пахтага бўлган талабини қондириш мақсадида жиддий ёндошиб, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини қуриш зарур эканлигини англаб етган эди[14,Б.334].

Сурхон-Шеробод воҳасидаги ирригация қурилишнинг энг муҳим босқичи 1930-1940 йилларда амалга оширилди. Бу даврда асосий ирригация ва мелиорация ишлари суғориладиган ерларни қайта ишлаш ва уларни инженер ва ярим инженер типидagi сув хўжалик иншоотлари билан таъминлашга қаратиш йўли билан олиб борилди.

XX асрнинг 30-йилларида Жарқўрғон районида қарашли ерларни суғорадиган Занг канали, Термиз районидаги Янги ариқ канали, Денов районидаги Дайтулак каналларини қайта қуришдек йирик ирригация тадбирлар амалга оширилди. Совет ҳукумати жамоалаштиришга қаршилик курсатганларни ва Марказ режасига тусқинлик қилганларга қарши оммавий отиш ва Ўлдириш билан биргаликда сургун ҳамда қатағон қилиш сиёсатидан кенг фойдаланди. Сурхон-Шеробод воҳасидаги ирригация қурилишнинг энг муҳим босқичи 1930-1940 йилларда

амалга оширилди. Бу даврда асосий ирригация ва мелиорация ишлари суғориладиган ерларни қайта ишлаш ва уларни инженер ва ярим инженер типдаги сув хўжалик иншоотлари билан таъминлашга қаратиш йўли билан олиб борилди[15,Б.114].

Бу даврнинг энг йирик ирригация қурилиши Ҳазарбоғ ва Қумқўрғон каналлари қурилиши билан боғлиқ бўлди. Бу каналлар Сурхон воҳасида ташкил топган илк совхозларнинг сув билан таъминлади. Сурхон-Шеробод чўлларида ирригация шохобчаларини кенгайтириш ва такомиллаштириш соҳасидаги ишларни амалга ошириш учун марказдан кўплаб мутахассислар, хусусан муҳандислар, ирригаторлар ва бошқа касбдаги ходимлар жалб этилди. Марказдан келган мутахассислар мавжуд канални кенгайтириш ва узайтириш, янги сув тармоқларини қуриш ишлари билан шуғулланишиб, суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши катта мелиоратив ишларни олиб бордилар. Воҳадаги ирригация қурилишлари учун ажратилган маблағлар йилдан-йилга ошиб борди.

Масалан, Сурхон-Шеробод воҳасидаги ирригация ишлари учун биринчи беш йилликда ажратилган маблағлар 1,4 млн сумни ташкил қилган[16,Б.34]. Шунингдек, Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш мақсадида суғориш тармоқлари кенгайтирилиб, янги каналлар қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилди ва мелиорацияга оид тадбирларни амалга оширишга жиддий киришилди. Шерободнинг Истара ариғи тармоғини 10 чақиримга узайтириш ҳамда ариқни лойқалардан тозалаш туфайли, минг гектар янги ер очилди[17,Б.34].

1928-1930 йилларда Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилиб, янгидан очилган ер майдонлари 10 минг гектарга етказилди ва суғориш тармоқлари эса 20 километрга узайтирилди. Бироқ Сурхон-Шеробод воҳаси ерларини ўзлаштириш даврида амалга оширилган мелиорация ишлари мукамал муҳандислик талаблари асосида бажарилмаганлиги туфайли "Истара" ариғи сув сифимиغا бардош бера олмай аҳоли манзилгоҳларига жиддий хавф солди. Ариқда сувнинг тошиб кетиши, натижасида сел даврида Чорвадор, Араб, Бандихон қишлоқлари аҳолиси жиддий талофатлар кўрди[18,Б.214].

Совет ҳокимиятнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилган ислохатлар фақат Марказнинг манфаатлари учун зарур бўлган пахта хом ашёсини кўпайтириш, янги ерларни ўзлаштириш учун ирригация қурилишлари ва мелиорацияга кенг қамровли лойиҳалар бажарилди. Бундан асосий мақсад маҳаллий аҳолини манфаатлари эмас балки совет ҳукматининг аниқ режаларни бажаришига қаратилган эди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари тарихи. -Тошкент, 1969. 581 б. (History of Communist Organizations of Central Asia.-Т., 1969, 581 p.)
2. Сурхондарё ВДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 92-иш, 113-варақ. (Surkhandarya VDA, 19-savings, list -1, case - 92, page -113.)
3. Сурхондарё ВДА, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 92-иш, 110-варақ. (Surkhandarya VDA, 18-savings, list 1, 92 case, page 110.)
4. Ленин байроғи, 1969, 25 ноябрь (Lenin Flag, 1969, November 25.)
5. Ленин байроғи, 1969 й, 25 ноябрь (Lenin's flag, November 25, 1969)

6. Сурхондарё вилояти ДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 45-иш, 6-варақ. (Surkhandarya region DA, 19-funds, list 1, page 45, page 6)
7. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне коллективизации. -Ташкент: Фан, 1969. 432-433 с. (Aminova R.Kh. Agrarian transformations in Uzbekistan on the eve of collectivization. -T.: Fan, 1969, 432-433 p.)
8. Ленин байроғи, 1969, 25 ноябрь. (Lenin's flag, 1969, November 25.)
9. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. -Т.: Узбекистан, 1987. -334 с. (The national economy of the Uzbek SSR for 70 years of Soviet power. -T.: Uzbekistan, 1987. -334 p.)
10. Истомин М.С. Сельское хозяйство области за год Советской власти материал к 50 летию Советской власти.-Термиз, 1967. 9с. (Istomin M.S. Agriculture of the region for the year "Soviet power material" to the 50th anniversary of Soviet power.-Termiz, 1967. 9 pp.)
11. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О., Пардаев Т.Р., Муртазаев З.М. Сурхондарё тарих кўзгусида.-Т.: Шарқ, 2001.313-377 бет (Tursunov S.N. Kobilov E.O. Pardaev T.R., Murtazaev Z.M. Surkhandarya in the mirror of history -T.: Sharq, 2001, pp.333-377.)
12. Сурхондарё вилояти ДА, 18 жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 34-варақ. (Surkhandarya region DA, 18 funds, list 1, case 133, page 34)
13. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О., Пардаев Т.Р., Муртазаев Б.М., Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: "Шарқ", 2001.313-377 бет. (Tursunov S.N., Kobilov E.O., Pardaev T.R., Murtazaev B.M. Surkhandarya in the mirror of history -T.: Sharq 2001, pp.333-377.)
14. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. -Ташкент: Узбекистан, 1987. -334 с. (The National economy of the Uzbek SSR for 70 years of Soviet power.-T.: Uzbekistan, 1987. -344 p.)
15. Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. -Термиз: "Жайхун", 1993. 114-б. (Kobilov E.O. First steps of Surkhandarya industry. Jayhun, 1993 114)
16. Сурхондарё ВДА, 18 жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 34-варақ. (Surkhandarya VDA, 18 savings, list 1, case 133, page 34.)
17. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти.-Ташкент: "Жайхун" 1996, 34 б. (Ruziev AN Surkhandarya Region -T., "Jayhun" 1996, 34 p.)
18. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида -Тошкент: Шарқ, 2001, 214 б. (Tursunov S.N. and others. Surkhandarya in the Mirror of History.-Ташкент : Sharq, 2001. 214 p.)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST


**Ziyayeva Dilorom Solixovna,**  
Muhammad al-Xorazmiy nomidagi  
Toshkent axborot texnologiyalari universiteti  
katta o'qituvchisi

## IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O'ZBEK XALQINING FASHIZM USTIDAN QOZONILGAN G'ALABAGA QO'SHGAN HISSASI

---

*For citation: Dilorom S.Ziyaeva. The contribution of the peoples of Uzbekistan in the victory of over fascism in the second world war. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 23-28*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-04>

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada O'zbekistonning urush girdobiga tortishishi, moddiy va ma'naviy kuchlarning frontga safarbar etilishi. O'zbekiston sanoati va qishloq jo'jaligining xolati fan va madaniyat arboblarning g'alabaga qo'shgan hissasi, o'zbek jangchilarining urush maydonlarida ko'rsatgan jasoratlari haqida fikrlar bayon etilgan.

**Tayanch so'zlar:** Fashizm, urushni keltirib chiqargan sabablar, O'zbekistondagi safarbarlik, urush yillarida sanoat, qishloq xo'jaligi, fan, maorif, madaniyat, baynalminallik yordam, xotira va qadrlash kuni.

---

**Зияева Дилором Солиховна,**  
старший преподаватель  
Ташкентского университета информационных  
технологий имени Мухаммада аль-Хорезмий

## ВКЛАД НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА В ПОБЕДУ НАД ФАШИЗМОМ ВО ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются причины и начало второй мировой войны и привлечение в неё Узбекистана. Также анализируется состояние промышленности,

сельского хозяйства, науки и культуры, а также показан огромный вклад узбекских воинов на фронтах войны.

**Ключевые слова:** фашизм, причины начала второй мировой войны, интернациональная помощь, промышленность в годы войны, сельское хозяйство, наука, просвещение, День памяти и почестей.

**Dilorom S. Ziyeva,**  
Senior Lecturer of the  
Tashkent University  
of Information Technology  
named after Muhammad al-Khwarizmi

## THE CONTRIBUTION OF THE PEOPLES OF UZBEKISTAN IN THE VICTORY OF OVER FASCISM IN THE SECOND WORLD WAR

### ANNOTATION

This article discusses the causes and the beginning of the Second World War and the involvement of Uzbekistan in it. It also analyzes the state of premeditation, agriculture, science and culture, and shows the enormous contribution of Uzbek soldiers on the fronts of the war.

**Key words:** fascism, the reasons for the outbreak of World War II, international assistance, industry during the war years, agriculture, science, education, the Memorial Day.

Insaniyat juda ko'p urushlarni boshidan kechirgan bo'lib, bular ichida eng dahshatlisi, 50 milliondan ortiq kishining yostig'ini quritgan, XX asr fojiasi bo'lmish ikkinchi jahon urushidir. Olti yil (1939 yil sentabr - 1945 yil sentabr) davom etgan bu urush yer sharining 80% aholisi joylashgan hududni, 61 ta mamlakatni o'z ichiga qamrab olgan. 1939-yil 1-sentabrda fashistlar Germaniyasi qo'shinlarining Polshaga bostirib kirishi bilan ikkinchi jahon urushi boshlanib ketdi. 1941-yil 22-iyun Gyermaniya hujum qilmaslik to'g'risidagi shartnomani buzib, Sovet Ittifoqiga hujum boshladi. Bu davlat fuqarolari bo'lgan xalqlar uchun og'ir sinovlardan iborat urush boshlandi. O'sha kuni mamlakatda harbiy holat joriy etilganligi haqida farmon e'lon qilindi. 23-iyunda Toshkentda ko'p ming kishilik miting bo'lib o'tdi.

Urush butun mamlakat xo'jaligi, uning hayotini tubdan o'zgartirib yubordi. 1941-yil 30-iyunda Davlat mudofaa Qo'mitasi (DMK)ning tuzilishi bilan mamlakatdagi butun siyosiy, harbiy va xo'jalik hokimiyati uning qo'lga o'tdi. Ushbu qo'mitaning raisi I.V.Stalin 19-iyuldan SSSR mudofaa xalq komissari, 8-avgustda SSSR qurolli kuchlari Oliy Bosh qo'mondoni lavozimini egalladi. U ayni paytda SSSR XKS raisi va VKP (b) MK bosh kotibi bo'lgan. Urushning dastlabki kunlarida qabul qilingan maxsus qarorlar ko'rsatmalarda mamlakatning katta xavf ostida qolganligi, uni himoya qilish uchun zudlik bilan barcha iqtisodiy-ma'naviy kuchlarni mudofaa manfaatlariga bo'ysindirish, xalq xo'jaligini to'liq harbiy izga solish lozimligi qayd etildi. Uzoq davom etgan urush qiyinchiliklari O'zbekiston mehnatkashlarini ham og'ir ahvolga soldi.

Ikkinchi jahon urushi davrida respublikaga rahbarlik qilgan O'zbekiston Kompartiyasi



МКning 1-kotibi Usmon Yusupov (1937-1950 yy.) o'zbekistonliklarni fashizmga qarshi kurashga safarbar qilishda bosh-qosh bo'ldi.

O'rta Osiyo harbiy okrugi front uchun 1941-yil iyundan 1942-yil oxirigacha harbiy safarbarlik asosida 109 ta harbiy qo'shilma tuzdi, harakatdagi armiyaga va Oliy Bosh qo'mondonlik qarorgohi rezerviga 86 diviziya va brigada jo'natildi.

Urush yillarida bir yarim miliondan ortiq o'zbekistonlik fuqaro fashizmga qarshi janglarda qatnashdi. 1940-yilda respublika aholisi 6,5 million kishidan iborat edi.

Umumiy ahvolning keskin yomonlashuvi oziq-ovqat borasida qiyinchilik tug'dirdi. Shaharlarda oziq-ovqat kartochkalari joriy qilindi. Urush yillarida aholining yangi ijtimoiy guruhlari - harbiy xizmatchilar oilalari, ko'chib kelgan kishilar, urush nogironlari, yetim bolalar paydo bo'ldi. Urush yillarida respublikaga bir millondan ortiq kishi, shu jumladan 200 ming yetim bola evakuatsiya qilindi. O'zbekiston ularga boshpana berdi.

O'zbekistonliklar ko'chirib keltirilgan bolalarga mehribonlik va g'amxo'rlik ko'rsatdilar. 15 nafar yetim bolalarni farzandlikka olgan Shomahmudovlar oilasining oliyjanoblighi hammamizga ma'lum. Urush nogironi kattaqo'rg'onlik Hamid Samadov oilasi 13 bolani o'z panohiga oldi, Samarqandlik kolxozchi Fotima Qosimova 10 bolani qabul qildi. Urush yillarida 4,5 ming nafardan ziyodroq bolalar o'zbekistonlik oilalar tomonidan qabul qilinib olindi. Ko'chirib keltirilgan bolalarning asosiy qismi bolalar uylariga joylashtirildi. Urush yillarida bunday uylarning soni ikki barobardan ziyod ko'paydi.

1941-yil oxirigacha 300 ga yaqin korxonalar harbiy izga solindi, jangovor texnika, qurollar, o'q-dori ishlab chiqarishga moslashtirib qayta qurildi. Shulardan 100 tasi urush bo'layotgan xududlardan ko'chirib keltirildi va qayta qurildi. Bundan tashqari yana juda ko'plab ishlab chiqarish korxonalari, maorif va madaniyat muassasalari O'zbekistonga evakuatsiya qilindi. 1941-yil 1-oktyabrgacha O'zbekiston sog'liqni saqlash xalq komissarligi tizimida 47 gospital barpo etildi va zarur uskunalar bilan jihozlandi.

Iqtisodiyotni jadal harbiy izga solish eng muhim vazifa edi. Bunda front orqasi mehnatkashlarining xizmatini alohida ta'kidlash lozim. 1941-yil 26-iyundan boshlab ishchi va xizmatchilar uchun ish vaqtidan tashqari majburiy ortiqcha ishlar joriy qilindi, haftasiga mavjud besh kunlik o'rniga olti kunlik, bir kunda 11 soatlik ish kuni joriy qilindi. Aslida ish kuni 12-14 soatga cho'zilardi. Bu ishchi va xizmatchilar sonini oshirmasdan, ishlab chiqarish quvvatini ko'tarish imkonini berdi. Biroq ishchi kuchi baribir yetishmasdi. O'zboshimchalik bilan korxonadan ketib qolganlarga 5 yildan 8 yilgacha qamoq jazosi belgilab qo'yildi.

Xullas, urush yillarida O'zbekistonning butun moddiy va ma'naviy kuchlari g'alaba uchun safarbar etildi, hayot harbiy izga tushdi.

Urushning dastlabki vaqtlaridan iqtisodiy vaziyat keskin og'irlashdi. Ittifoq respublikadagi ko'pgina sanoat va qishloq xo'jalik rayonlarini bosib olganligi xalq xo'jaligini og'ir ahvolga solib qo'ydi. 1941-yil oxiri va 1942-yilgi Markaziy hukumatning harbiy xo'jalik rejasi qabul qilindi. Bunda Sharqning ahamiyati keskin ortganligi qayd qilindi va shu yerda nihoyatda qisqa muddatda sanoat qurilishini avj oldirish, harbiy mahsulotni ishlab chiqarishni ko'paytirish, frontga umumxalq yordamini uyushtirish ko'zda tutildi.

1941-yil sentabr-dekabr oylarida respublika hukumati xalq xo'jaligini harbiy izga solish, qaysi korxonalar qachon ishga tushirilishi to'g'risida, ichki resurslarni to'la safarbar etish to'g'risida aniq vazifalarni belgilab berdi. Kadrlar, sanoat xom ashyosi, yoqilg'i, stanoklar, uskunalar keskin yetishmasligiga qaramay, 1941-yil dekabrda kelib Toshkentdagi 63 ta, respublika hududidagi 230 ta sanoat korxonalari mudofaa mahsulotlari ishlab chiqara

boshladilar. Ko'chirib kelingan zavodlar ham o'z quvvatini oshirib bordilar.

Elektr energiyasi ishlab chiqarishni ko'paytirish maqsadida 7 ta yirik va 30 ga yaqin kichik GESlar qurildi. Ayniqsa, O'zbekistonning eng yirik gidrostansiyasi bo'lib qolgan Farhod GES kurilishi umumxalq qurilishga aylantirilib, 10 oy ichida Sirdaryo to'silib, GES ishga tushirildi. Elektr energiyasi 1940-yilga qaraganda 1943-yil 3,5 barobar oshdi, 1945-yilda esa 1187 ml.kilovat soatga ko'paydi. Yangi ko'mir va neft konlari ochildi, eskilaridan ko'proq foydalaniladigan bo'lindi (Angren, Shargun, Qizilqiya konlari va boshqalar). Bekobodda metallurgiya zavodi barpo etildi. Olmaliq mis koni ishga tushirildi.

Urush yillarida O'zbekistonda industriyaning barcha sohalariga taalluqli bo'lgan 280 ta yangi sanoat korxonasi qurildi. Respublikaning sanoat quvvati 1945 -yili 1940-yildagiga nisbatan 2 marta, neft ishlab chiqarish 4 marta, metallni qayta ishlash 4,5 marta, mashinasozlik 13,4 marta, ko'mir ishlab chiqarish 30 marta oshdi, kimyo sanoati ishlab chiqaradigan yalpi mahsulotlar 5 barobar ko'paydi. Shular qatorida yengil va oziq-ovqat kooperativ sanoatining ham ishlab chiqarish ko'lami ancha kengaydi.

Temir yo'l ham harbiy xizmatga o'tkazildi. Toshkent temir yo'li ko'chirib kelinayotgan korxonalarining asbob-uskunalari G'arbdan Sharqqa yetkazib beriladigan asosiy yo'llaridan biri bo'lib qoldi, Sharqdan G'arbga esa qurol-yarog'lar yuborilardi.

Urush davri talablari pochta va telegraf ishini ham qiyinlashtirib qo'ydi. Barcha aloqa korxonalarida ish vaqti tig'izlashtirilib, ish hajmi oshirildi, pochta korxonalarining soni, telegraf va telefon tarmoqlari uzunligi ortdi.

Urush boshlanishi bilan respublika qishloq xo'jaligi oldida ham front va front ortini qishloq xo'jalik mahsulotlari bilan, sanoatni esa xomashyo bilan ta'minlash vazifasi turardi. Buning uchun xalq xo'jaligining barcha soxalari kabi, qishloq xo'jaligini ham harbiy izga solish, texnik ekinlar, don, poliz va sabzavot ekinlarini ko'paytirish, chorvachilik mahsulotlarini oshirish zarur edi. Vaziyatning murakkabligi shundan iborat ediki:

1. Respublika qishloq xo'jaligi paxta yetishtirishga ixtisoslashgan bo'lib, oziq-ovqat mahsulotlarining bir qismi Ittifoq fondidan keltirilardi. Urush boshlangandan keyin oziq-ovqat keltirish to'xtadi, aholini boqish uchun ichki imkoniyatlarni topish zarur edi.
2. Deyarli bir millionga yaqin kishi, 200 ming yetimlar O'zbekistonda boshpana topdi. Evekuatsiya qilingan aholi hisobiga shaharlar aholisining ko'payishi oziq - ovqat bo'lgan talabni yanada oshirdi.
3. Dehqonlar frontga va harbiy sanoatda ishlashga safarbar etilgach, dehqonlarning mashaqqatli mehnati keksalar, ayollar, o'smirlar zimmasiga tushgan edi.
4. MTS va sovxozlarga G'arbdan yangi traktorlar, qishloq xo'jalik mashinalari va ularga ehtiyot qismlar keltirish to'xtab qoldi.

Bu qiyinchiliklarga qaramasdan respublikada dehqonchilikni asosiy tarmoq sifatida saqlab qolgan holda don, qand lavlagi, pilla, sabzavot, poliz mahsulotlari yetishtirishni keskin ko'paytirish tadbirlari ko'rildi. Birinchi navbatda ekin maydonlarini oshirish yuksak sur'atlar bilan olib borildi. Shimoliy Toshkent kanalini barpo etish 15 ming gektar yerni sug'orish imkonini berdi. O'zbekiston mehnatkashlarining kuchlari bilan Yuqori Chirchiq, Shimoliy Farg'ona, So'x-Shoximardon, Uchqo'rg'on kanallari, Kosonsoy suv ombori bunyod etildi. 1942-1943 -yillar mobaynida sug'oriladigan yerlar 546 ming gektarga kengaydi.

Shunday qilib, urush yillarida O'zbekiston qishloq xo'jalik ahli eng murakkab va og'ir sharoitda mehnat qilib, 4 million tonnadan ziyod paxta xomashyosi, 82 mln. pud don, 55 ming tonna pilla, 11 mln. tonna sholi, 57,5 ming tonna meva va uzum, 36 ming

tonna go'sht, 22,3 ming tonna jun va boshqa mapsulotlar yetkazib berdilar. Bu fashizm ustidan qozonilgan g'alabaga qo'shilgan munosib hissa edi.

Front va front orqasini zarur xomashyo va oziq-ovqat bilan ta'minlash hamda jangchilarni g'alaba sari ruhlantirishda O'zbekiston xalqi, xususan, fan va madaniyat arboblarning hissasi nihoyatda katta bo'ldi. Ilmiy muassasalarda tadqiqotlar yo'nalishi ham urush davri manfaatlariga moslashtirildi. Geolog, energetik, kimyogar olimlarning ilmiy ishlari samarali bo'ldi. Bu davrda yangi konlar o'zlashtirildi. O'rta Osiyo universitetining kimyo fakulteti negizida farmasevtika zavodi ishga tushirildi. Evakuatsiya qilinganlar hisobiga ko'paygan respublika aholisini oziq-ovqat bilan ta'minlash bo'yicha hamma imkoniyatlardan foydalanildi.

O'zbekiston SSRning g'arbiy mintaqalaridan Ittifoq akademiyasi institutlari va ilm-fan arboblari evakuatsiya qilindi. 1941-yilning kuzida SSSR Fanlari akademiyasi Sharqshunoslik, Tarix, Jahon adabiyoti, Moddiy madaniyat tarixi va boshqa ilmiy-tadqiqot institutlari, ko'plab olimlar ko'chib keldilar. SSSR Fanlar akademiyasi O'zbekiston filialining negizida 1943-yil 4-noyabrda O'zbekiston SSR Fanlar akademiyasi tashkil topdi. Akademiyaning birinchi prezidenti etib T.N.Qori-Niyozov saylandi. Fanlar akademiyasining tashkil etilishi o'zbek xalqi hayotida muhim hodisa bo'ldi. Bu akademiya O'zbekiston ilmiy tafakkurining markazi bo'lib qoldi. Bu davrda taniqli matematik olimlar T.N.Qori-Niyozov, T.A.Sarimsoqov, geolog olimlar X.N.Abdullaev, A.S.Uklonskiy, faylasuf I.M.Mo'minov, kimyogar olimlar O.S.Sodiqov, S.Yu.Yunusov, enyer getik A.N.Askogenskiy va boshqalar samarali ilmiy ishlarni olib borgan. Urush tufayli Moskva, Leningrad, Kiev, Minsk va boshqa shaharlardan ko'chirib keltirilgan olimlar, shoirlar, yozuvchilar va sa'natkorlar O'zbekiston olimlari va ijodkorlari bilan mustahkam aloqada ish olib bordilar.

Insonparvarlik g'oyalarini kengroq targ'ib qilish maqsadida o'zbek xalqi madaniy merosidan foydalana boshlandi. Tarixiy mavzuda badiiy asarlar ("Mahmud Tarobiy", "Muqanna", "Jaloliddin Manguberdi", "Tohir Malik" va boshqalar) yaratildi. Hamid Olimjon, Oybek, G'afur G'ulom, Komil Yashin, Abdulla Qahhor, Uyg'un, Sulton Jo'ra, Oydin kabi shoir va adiblar urush mavzuiga bag'ishlangan asarlar yaratdi. Respublika teatr san'ati, kinomatografiya, haykaltaroshlik va rassomlikda vatanparvarlik mavzuidagi asarlar yaratildi. O'zbekistonda shu yillarda 35 ta mahalliy, 16 ta ko'chirib keltirilgan teatr ish olib bordi. Urush yillarida o'zbek san'atkorlari 30 ta konsert brigadalariga bo'linib, frontdagi jangchilarga 35 ming gospitallarda esa 26 ming konsert namoyish etdilar. Ayniqsa, Tamaraxonim, Halima Nosirova, Mukarrama Turg'unboeva, Sora Eshonto'raeva, Abror Hidoyatov kabi san'atkorlar ishtirokidagi konsert va tomoshalar jangchilar, tomoshabinlar qalbiga zo'r ko'tarinkilik baxshida etgan. A.Abdullaev, U.Ahmedov, O'.Tojiboev kabi rassomlar urush lavhalari, badiiy yilnomalarni yaratib, xalqimizning front va front orqasidagi fidokorona mehnatini mahorat bilan tasvirladilar.

Qisqa metrajli filmlar va 10 ta badiiy filmlar yaratildi. Y.Azimov, K.Yormatov, N.G'aniev, S.Muhamedov kabilar o'zbek kinomatografini rivojlantirdilar. Bu davrda ishlangan "Nasriddin Buxoroda", "Tohir va Zuhra" kabi filmlar "O'zbekfilm"ning oltin fondiga kiritildi.

1941-1945-yillardagi urushning barcha jabhalarida o'zbekistonlik jangchilar qahramonlik va mardlik ko'rsatdilar. Ikkinchi jahon urushida fashistlar va Yaponiya militarizmi kuchlariga qarshi kurashdagi jasorati, mardlik va qahramonligi uchun 120 ming kishi orden va medallarga, 280 kishi esa Sovet Ittifoqi Qahramoni unvoniga

sazovor bo'ldi, ulardan 75 tasi o'zbek jangchilari edi, 82 o'zbekistonlik askar har uchala darajali "Shuhrat" ordenini olishga muvassar bo'lgan.

Jang harakatlari davrida harbiy asirlikda bo'lganlar, xususan, Turkiston legionida qatnashganlarning taqdiri ham nihoyatda og'ir kechdi. Urush tugagach, ular hamma joyda ta'qib etildi, ko'pchiligi turli qiynoqlarga duchor qilindi. Bu qiynoqlardan omon qolgan oz sonli kishilargina keyinchalik ozodlikka chiqarildi.

1999-yil mayda Toshkentda Xotira va qadrlash maydoni barpo etilib, unda "Motamsaro ona" haykali o'rnatildi. Xiyobonning shimoliy va janubiy tomonida qad ko'targan ayvonlar tokchalarida ikkinchi jahon urushida halok bo'lgan o'zbekistonlik barcha jangchilarning ism-shariflari bitilgan metall taxtalar qo'yilgan.

## Adabiyotlar

---


1. Mirziyoev Sh. M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. -Toshkent: O'zbekiston, 2017 ( Mirziyoev Sh. M. We build our great future with our brave and noble people. -Tashkent: Uzbekistan, 2017).
2. Karimov I.A. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir 3-jild. - Tashkent: O'zbekiston, 1996 (Karimov I.A. The motherland is as sacred as the temple. - Tashkent: Uzbekistan, 1996).
3. O'zbekiston Respublikasi Ensiklopediyasi. -T., 2006 (Encyclopedia of the Republic of Uzbekistan. -T., 2006).
4. O'zbekistonning yangi tarixi. II qism. - Tashkent: Sharq, 2000 (The modern history of Uzbekistan. Section II. - Tashkent: Shark, 2000).
5. O'zbekiston tarixi (1917-1991 yillar). - Tashkent: Sharq, 2000 ( History of Uzbekistan (1917-1991). - Tashkent: Shark, 2000).
6. O'zbekiston tarixi. Qisqacha ma'lumotnoma. - Tashkent: Sharq, 2000 ( History of Uzbekistan. Brief Summary. -Tashkent: Shark, 2000).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ziayayev Farhod Sobirovich,  
Toshkent Moliya instituti dotsenti

## TURKISTON JADIDLARI ILGARI SURGAN G'OYALAR, MA'RIFIY QARASHLAR VA ULARNING MAZMUN-MOHİYATI

*For citation: Farhod S. Ziyayev. Features of ideas and their significance of turkestan jadid's representatives. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 29-36*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-05>

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada XIX asrning oxirida Turkiston madaniy hayotida yuz bergan o'zgarishlar, jadidchilik harakatining vujudga kelishi, jadidlarning o'lka xalqlari orasida olib borgan madaniy-ma'rifiy faoliyati, jadidchilik harakatining atoqli vakillari haqida fikrlar bayon etilgan.

**Tayanch so'zlar:** jadidchilik, ma'rifat, ozodlik, xurlik, mustamlakachilik siyosati, milliy teatr, milliy matbuot, Ismoil Gaspirali, Maxmudxo'ja Bexbudiy.

**Зияев Фарход Собирович,**  
доцент Ташкентского  
финансового института

## ОСОБЕННОСТИ ИДЕЙ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ ТУРКЕСТАНСКИХ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ДЖАДИДИЗМА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы зарождения движения джадидизма в Туркестане, их культурно- просветительская деятельность видных представителей данного течения. Кроме того, в статье раскрывается сущность изменений культурной жизни Туркестана в конце XIX века.

**Ключевые слова:** джадидизм, просвещение, независимость, свобода, колониальная политика, национальный театр, национальная пресса, Исмаил Гаспиринский, Махмудходжа Бехбуди.

**Farhod S. Ziyayev,**  
Associate Professor of the Tashkent Financial Institute

## FEATURES OF IDEAS AND THEIR SIGNIFICANCE OF TURKESTAN JADID'S REPRESENTATIVES

### ANNOTATION

This article discusses the origins of the Jadidism movement in Turkestan, their cultural and educational activities of prominent representatives of this movement. In addition, the article reveals the essence of the changes in the cultural life of Turkestan at the end of the 19th century.

**Key words:** Jadidism, enlightenment, independence, freedom, colonial policy, national theater, national press, Ismail Gaspirinsky, Mahmudhodzha Behbudi.

Jamiyatimizda ma'naviy-axloqiy asoslar va ijtimoiy-insoniy qadriyatlar tiklanayotgan bir vaqtda yaqin o'tmishimizning g'oyatda o'ziga xos madaniy-ma'rifiy tajribalariga nazar tashlash, ularni har tomonlama o'rganish kelajak avlodlarning xato qilmay yashashlari uchun xizmat qiladi. Asrimiz boshlaridan to Sovet hokimiyatigacha bo'lgan bir davrda mamlakatimizda Yevropa yangi madaniyatini o'rganish, yangi usuldagi maktablar ochish, gazeta - jurnallar nashr etish, teatr va san'at ishlarini yo'lga qo'yish uchun harakatlar avj oldi. Asr boshidagi madaniy-ijtimoiy harakatda chetdan kelgan gazeta va jurnallarning umuman vaqtli nashriyotning roli benihoya ulkan bo'lgan. Shuningdek, Turkistonda chiqadigan turli gazeta va jurnallarning ham mamlakatni davlat va jaholatdan uyg'otishda xizmati bebahodir.

XIX asrning oxirida Turkiston madaniy hayotida qator o'zgarishlar sodir bo'ldi. O'rta Osiyoning Rossiya tomonidan bosib olinishi natijasida hukmron millat o'z madaniyat va turmush tarzini singdirishga intilsa-da, mahalliy ma'rifatparvarlar o'z faoliyatlarini jadallik bilan rivojlantirib, millatga ziyo tarqatishga muvaffaq bo'ldilar.

Jamiyat taraqqiyotining quyi bosqichidan yuqoriroq bosqichiga o'tish uchun shart-sharoitlar yetilgan paytda turli ijtimoiy harakatlar avj olib ketadi. Natijada ijtimoiy inqiloblar yoki islohotlar amalga oshadi. XX asr boshlarida Turkiston o'lkasida paydo bo'lgan jadidchilik yoki ma'rifatchilik harakati ham ana shu tarzda yetilib, tarix maydoniga chiqqan ma'rifatparvarona islohotchilik hokimlaridan biri edi.

Ma'lumki, iqtisodiyotning barqaror o'sishini ta'minlash uchun xalq ma'naviy madaniyatining o'zi yetarli emas, buning uchun uning moddiy madaniyat darajasini ham ko'tarish zarur bo'ladi. Bunday holda, ma'rifatning bir yo'nalishi bo'lgan xalq ta'limini isloh qilish ehtiyoji birinchi o'ringa chiqib qoladi. Chor Rossiyasi Turkistonni istilo qilganidan keyin mahalliy ilg'or ziyolilar, ma'rifatparvarlar o'lka iqtisodiy jihatdan Yevropadan, jumladan Rossiya davlatidan ancha orqada qolib ketganligini chuqur his qildilar. Bu muammoning yechimini, chorizm ma'murlari zimdan yuritgan siyosatdan farqli o'laroq, qadimdan mavjud bo'lgan va chuqur sharqona ma'naviy ta'lim-tarbiyaga asoslangan mahalliy maktablardagi ta'lim-tarbiya jarayoniga Yevropaning texnik madaniyati kelishida, Turkistonni iqtisodiy jihatdan rivojlangan ilg'or davlatlar qatoriga olib chiqishda, deb bildilar.

Jadid maktabiga Rossiyada birinchilardan bo'lib 1884 -yilda turkiy tilda yangi usuldagi musulmon maktabi ochgan, Bog'chasaroyda chiqadigan "Tarjumon" ro'znomasining muharriri, "Jadidchilikning ma'naviy otasi" Mirzo Ismoilbey Gapirali

asos soldi. Ana shuning samarasi sifatida 1893- yili Samarqandda dastlabki jadid maktabi paydo bo'ldi. Shundan so'ng bunday maktablar soni ko'paya bordi. Jumladan, 1898- yili Yettisuv viloyatining Tuqmoq qishlog'ida, Prejeval'sk shahrida va boshqa joylarda yangi usuldagi o'quv dargohlari ochildi.

Turkiston hududidagi yangi usul maktablari asosan to'rt yillik boshlang'ich ta'limga asoslangan edi. Faqat oktabr inqilobi arafasidagina Toshkent, Qo'qon, Samarqand kabi yirik shaharlarda 6-7 yillik yuqori sinflar ham paydo bo'ladi.

Yangi usul maktablarini keng tartib qilish ulardagi ta'lim-tarbiya natijalarini omma o'rtasida namoyish etish maqsadida imtihon olish marosimlari tantanali vaziyatda o'tkazilgan.

Turkistondagi bu maktablar mahalliy aholi tomonidan yaxshi qabul qilingan. Shu bois ulardagi islohotlar boshqa maktablarga ham tarqalib, jadid maktablari ko'paya boshladi. Bu maktablarda milliy uyg'onish belgilari borligidan xavotirga tusha boshlagan Chor Rossiyasi ma'murlari jadid maktablari faoliyatini cheklashga hamda ularning tashabbuskorlarini ta'qib ostiga olishga intilganlar.

O'sha kezlarda pedagoglar tayyorlash bilan shug'ullanadigan mahalliy va chet ellik ma'rifatparvar homiylar tomonidan ochilgan o'quv-o'qitish muassasalari ancha ko'payib, keng faoliyat ko'rsata boshladi. Bu esa, o'z navbatida, Turkistondagi ma'rifatning rivojlanishiga, xalqning ko'zi ochilishiga katta turtki bo'ldi.

Ko'p o'tmay, asta-sekinlik bilan har joyning o'z darsliklari paydo bo'la bordi. Xususan, Turkistonda "Ustozi avval" (Saidrasul Aziziy, 1901), "Adibi avval" (Munavvar qori, 1907), "Birinchi muallim" (Abdulla Avloniy, 1910) kabi darsliklar maydonga keldi. "Ustozi avval" inqilobga qadar 17 marta qayta nashr etilgan.

Ismoilbey kashf etgan yangi maktab-maorif tamoyili jadidchilikning tamal toshlaridan edi. Lekin gap shundaki, masala birgina maktab bilan cheklanmasdi. Taraqqiyparvarlar g'oyasi chor Rossiyasidagi musulmonlar ma'naviy olamining barcha jihatlari - madrasani ham, matbuotni ham, ilm-fan va san'atni ham o'z ichiga olar va eng muhimi, bularning hammasini turkumga nechog'lik daxldorligini, zamonga xizmat qila olishini asosiy mezon deb bilar edilar. Shu harakatlarning mahsuli sifatida yangi usul maktablarini bitirib chiqqan akademiklardan Qori-Niyoziy, Tesha Zohidov, Muhammadjon Urazboev, jamoat arbobidan Faxriddin Shamsutdinov va boshqalarni misol keltirish mumkin. Bunday maktablarni bitirgan jahon tan olgan olim, shoir, davlat arboblari, xalqimiz madaniyatiga, ma'rifatiga, ilm-fan rivojiga o'zlarining munosib hissalarini qo'shib keldilar.

XX asr boshlaridan 1917 - oktyabr inqilobigacha bo'lgan davrda Turkistonda ko'plab gazeta va jurnallar chiqa boshlagan, ammo ularni ko'p o'tmay, chor hukumati yoptirib tashlar yoki iqtisodiy qiyinchilik tufayli chiqmay qolar edi. Shular jumlasiga 1906- yilda chiqqan Ismoil Obidiy muharrirligidagi "Taraqqiyot" gazetasini o'sha yili chiqqan "Xurshid" gasetasini, 1907-1908- yillarda Munavvarqori muharrirligida chop etilgan "Shuhrat" gazetasini kiritish mumkin. Shu yillari tadbirkor Saidazimboy sharofati bilan "Tujjor" gazetasini ham nashr etila boshlagan. Keyingi yillarda esa "Osiyo", "Samarqand", "Sadoi Turkiston", "Sadoi Farg'ona", "Najot" singari o'nlab gazeta va "Oyna", "Kengash", "Islom" kabi jurnallar chop etilgan.

O'sha davrlarda chiqib turgan matbuot, jumladan "Sadoi Turkiston" millatning yuzaga chiqishida milliy matbuotga katta ahamiyat beradi. "Yoshlarimizga milliy ruh va madaniy tarbiya bermoq yolg'iz milliy matbuot ta'siri ilagina hosil bo'la olur", - deb yozadi gazetada yuqorida ko'rsatilgan maqolada.

Ma'rifatparvarlar milliy matbuot va yangi usuldagi maktab yaratishga qaratilgan g'oyalarini,

o'z ezgu maqsadlarini o'sha davrlarda chiqadigan gazeta va jurnallarning har bir sonida muntazam yoritib turdilar.

"Sadoi Turkiston" ning muharrirlaridan biri, otashin fikrli shoir Abdulla Avloniy gazetani ham, uning o'quvchilarini ham birinchi sonda shunday deb qutlagan edi:

Ma'rifatparvarlar maishiy turmushga chuqurroq nazar solib, uni qadamba-qadam isloh qilish harakatiga tushdilar. Maishiy turmushni o'zgartirish - asosan xalqning ko'tarilishiga yo'l bermay, uning oyog'ida eski kishan bo'lib yotgan ko'hna urf-odatlarining ayrim eng xarakterli ko'rinishlariga qarshi kurash boshladilar. Ma'rifatparvarlar yangi usuldagi maktablar ochish bilangina ko'p narsaga erishib bo'lmasligini tushunar, shuning uchun ham, islohotlar doirasini kengroq olishga va ayniqsa maishiy turmush ichiga chuqur kirishga bel bog'lagan edilar.

1913 yilda Munavvar qori Ubaydullaxo'ja Asadullaxo'jayev, Abdulla Avloniy, Ilhomjon Inog'omov, Qobilbek Norbekov, Tulagan Xujamerov (Tavallo), Muhammad Poshshoxo'jaev, Toshpo'lat Norbo'tabekov va Nizomiddin Xo'jayevlar bilan birgalikda "Turon" jamiyatini tashkil qildi.

1914 yil fevralda Toshkentdagi Kolizey teatri binosida, taniqli tatar rejissori, o'zbek spektakllarini sahnalashtirgan san'atkor Zoki Boyazidskiy-Valeevning so'zi bilan aytganda, "Milliy dramaturgiya, milliy til, milliy artistlar bilan tayyorlangan" o'zbek milliy teatrining birinchi mavsumi rasmiy ochildi. Mavsum Mahmudxo'ja Behbudiyning "Padarkush" pyesasi bilan boshlandi.

### **Mahmudxo'ja Behbudiy (1875-1918)**

Buyuk ma'rifatparvar adib, alloma va jamoat arbobi Mahmudxo'ja Behbudiy 1875 yili Samarqand shahrida muftiy oilasida dunyoga keldi. Ziyolilar oilasidagi muhit undagi adabiyotga, siyosatga, ma'rifatga bo'lgan qiziqishning tezrok ro'yobga chiqishiga asos bo'ldi. Uning otasi islom huquqshunosligi bo'yicha yirik mutaxassis bo'lib, bu borada ko'plab kitob va risolalar yaratgan edi. Bu o'z navbatida Mahmudxo'jaga ijobiy ta'sir qiladi. Keyinchalik bu haqida u o'z maqolalaridan birida otasi ta'lim bergan "Hidoya" (Islom huquqiga sharhlar) asari uning taqdirida muhim rol o'ynaganini aytib o'tadi. U Makkaga borish maqsadida arab tilini o'rganishga kirishib, islom tarixi va nazariyasi bilan shug'ullana boshlaydi.

1912-1913 yillarda Behbudiy Samarqandda "Samarqand" gazetasi, "Oyna" jurnali chiqishida jonbozlik ko'rsatadi. U 1914 yilda Turkiya, Misrga borib, u yerdan muhim kitoblar, o'quv qo'llanmalari keltiradi, yangi usuldagi maktab dasturi ustida ishlashga kirishadi. Biroq u turli to'siklarga uchrab, mutaassiblar tomonidan "jadidchilik" rahnamosi dahriy deb e'lon qilinadi. Shunga qaramay, u Mirzo Ismoilbey Gasprialining ma'rifatchilik borasidagi ta'limotini qo'llab-quvvatlab, o'z o'lkasida ham shunday ishlarni amalga oshirishga kirishadi. Natijada, ko'p o'tmay ma'rifatparvar sifatida o'z xalqi hurmat-e'zoziga sazovor bo'ladi. Behbudiy o'zbek va tojik tillarida ikki yuzdan ortiq maqola va asarlar yaratgan. Jumladan, "Muntaxabi umumiy jug'rofiya" ("Qisqacha umumiy jug'rofiya", 1903), "Kitob ul-atfol" ("Bolalar uchun kitob", 1904), "Muxtasari tarixi islom" ("Islom qisqacha tarixi", 1904), "Amaliyoti islom" (1905), "Rossiyaning qisqacha geografiyasi" (1908), kabi darsliklar va kitoblar yozgan.

U Buxorodagi inqilobiy kuchlarga xayrixohlikda ayblanib, Said Olimxon tomonidan 1918 -yilda Qarshida qatl qilinadi. Qarshi shahri 20-30- yillarda Behbudiy nomi bilan atalib kelinadi.

### **Munavvarqori Abdurashidxonov (1878-1931)**

Munavvarqori 1878-yilda Toshkent shahrining markaziy dahasi - Shayx Xovand Tohurning Darxon mahallasida mudarris Abdurashidxon va Xosiyat otin oilasida dunyoga keldi. Barcha



oila a'zolari o'qimishli, ziyoli kishilar bo'lib, birlari maktabdor domla bo'lsa, ikkinchilari ruhoniylar. Munavvar qori ham avval Toshkentda, so'ng esa Buxoroda ta'lim oladi.

XX asr boshlaridagi ijtimoiy-siyosiy muhit, ayniqsa Ismoilbey Gasprialining islohotchilik g'oyalari uning otashin ma'rifatparvar, maorif va ilm-fan fidokori, xalq yo'l boshchisi, ijtimoiy-siyosiy harakat sardori va demokrat bo'lib yetishishiga turtki bo'ldi.

Munavvarqori 1901-1904 yillarda qrimlik do'sti Raim Kishod yordamida Toshkentda yangi usul maktabini ochadi. U maktabni avval o'z hovlisida, keyin boshqa joylarda ochishga harakat qilgan.

Munavvarqori pedagogik faoliyat bilan kifoya qilmay, ilmiy-pedagogik va badiiy asarlar ham yozgan. U "Adibi avval", "Adibi soniy", "Yer yuzi" ("Jugrofiya"), "Xafoyi diniy" kitoblarni (1907) nashr ettirgan. 1914 yilda Salim Ismoil Ulviyning Qur'on qiroati bo'yicha saboq beruvchi "Tajvid"ini o'zbekchaga tarjima qilib, Orenburgda nashr ettirgan. "Sadoi Turkiston" jaridasida bosilgan Kamiy, Xislat, Sufiyzoda, Hamza kabi shoirlarning she'rlarini to'plab "Sabzavor" nomi bilan chop ettirgan. U hamfikrdoshlar bilan 1909 yilda toshkentlik bir boyning raisligida "Jamiyat xayriya" tashkil etadi.

Munavvarqori milliy matbuot tamal toshini kuygan jurnalistlardan biridir. U 1906-yilda "Xurshid" gazetasini nashr etib, o'zi muharrirlik qiladi. Keyinroq u "Sadoi Turkiston", "Najot", "Kengash", "Xurriyat", "Osiyo", "Turon", va boshqa gazeta-jurnallarda bosh va bo'lim muharrirlari bo'lib ishladi. Shuningdek, 1913 yildan ish boshlagan "Turon" truppasining tashkilotchilaridan biridir.

1931 yil 25- aprelda SSJI Maxsus Davlat Siyosiy boshqarmasining sudlov kollegiyasi Munavvarqori Abdurashidxonovni otib o'ldirish haqida hukm chiqardi. U o'sha yilning iyun oylarida Rossiya qamoqxonalariining birida qatl qilingan, degan fikr bor.

#### **Abdulla Avloniy (1878 - 1934)**

Atoqli ma'rifatparvar, iste'dodli shoir, mashhur tarbiyachi Abdulla Avloniy Toshkentda 1878-yili kosib oilasida dunyoga kelgan. U eski maktabda ta'lim oldi.

Madrasani bitirib, maktabdorlik bilan shug'ullandi. Uqish va o'qish usuliga isloh kiritib, yangi usuldagi maktab tashkil etgan yosh pedagog-o'qituvchilarga zamonaviy bilimlar berish, sharq va g'arb tillarini o'rgatish kabi muhim ta'lim-tarbiyaviy ishlarni amalga oshiradi.

Abdulla Avloniy maktablar uchun "Birinchi muallim", "Ikkinchi muallim", "Tarix", "Turkiy guliston va ahloq" kabi zamonasi uchun ilg'or bo'lgan darsliklarni yozib, 1895-yillardan ijodiy faoliyatini boshladi. Shoir o'z she'rlarida zamonasidagi qoloqlikni, johillikni tanqid qilar va kishilarni bilimga, ma'rifatga chaqirar edi.

Abdulla Avloniy 1917 yilgacha mahalliy xalq vakillaridan yetishib chiqqan yirik jurnalist sifatida Toshkentda "Shuhrat", "Osiyo" kabi gazetalar tashkil etadi. U "Advokatlik osonmi?", "Ikki Muhabbat", "To'y" kabi dramatik asarlarida jaholat, bid'at, bilimsizlikning fojiali oqibatlarini, qo'pol va yaramas urf-odatlarini fosh etadi.

Abdulla Avloniy "Turon" truppasining tashkilotchilaridan biridir. Truppada u o'z asarlari va qardosh xalqlar tillaridan tarjima qilingan qator dramalarni sahnalashtirdi.

Avloniy o'zbek xalqi maorifi, madaniyati, ma'rifati bilan bir qatorda qo'shni afg'on xalqi ijtimoiy-siyosiy hayotida ham 20-yillarda muhim rol o'ynagan. U ma'lum muddat Afg'oniston xalq maorifi vaziri, so'ng Sho'rolar Ittifoqining Afg'onistondagi konsuli (elchisi) vazifalarida xizmat qilgan.

Abdulla Avloniy 20-30-yillarda respublikamiz gazeta va jurnallarida qator maqolalari bilan faol ishtirok etadi. U O'rta Osiyo Davlat universitetida dars berish bilan birga, qator adabiyot darsliklarining muallifi bo'lgan. U 1934-yili 56 yoshida vafot etadi.

### **Abdurauf Fitrat (1886-1938)**

Abdurauf Fitrat 1886 yilda Buxoroda ziyoli oilasida tug'ilgan bo'lib, Buxoro, Istambul madrasalari va dorilfununlarida o'qiydi. U arab, fors, turk, tillarini mukammal bilganligi tufayli Sharqning buyuk allomalari ijodini yaxshi o'zlashtiradi.

Adibning otasi savdogarchilik bilan shug'ullangan bo'lib, 1918 -yilgacha Qashqarda turib qoladi. U, asosan, onasi Mustafobibi (Bibijon) tarbiyasida bo'lib, undan Navoiy, Uvaysiy, Zebunniso, Bedil, Fizuliy kabi ulkan shoirlar g'azallarini o'rgangan.

Fitratning ma'rifatchilik faoliyati Turkistonda inqilobiy harakatlar kuchaygan, "Sharq uyg'ongan" davrlarga tug'ri keladi. Shu bois u ham o'z safdoshlari kabi, avvalo asarlarida ma'rifatparvarlik g'oyalari ilgari suradi.

Fitrat ayni chog'da olim, ulkan pedagog, xalq maorifi tashkilotchisi sifatida ham faol ishladi. 1921-1923 yillarda u Respublika Maorif xalq noziri bo'lib xizmat qildi. 1923-1924 yillar orasida Moskvadagi sharq tillari institutida, so'ng Peterburg dorilfununida ma'ruza o'qidi.

"O'zbek tili" darsligi, "O'zbek tili sarfi" (grammatikasi) kitoblari esa 1925-1930-yillarda besh marta chop etildi. O'zbek olimlari orasida birinchilardan bo'lib professor unvoniga sazovor bo'lgan.

Fitrat 1938 -yil 4- oktabrda qatl etildi.

1991-yil 25-sentabrda Abdurauf Fitratga o'zbek dramaturgiyasini rivojlantirishdagi, realistik adabiy tanqidchilik hamda adabiyotshunoslik maktabiga asos solishdagi xizmatlari uchun Alisher Navoiy nomidagi Respublika davlat mukofoti berildi. 1996 yilda 110 yillik yubileyi o'tkazildi.

### **Cho'lpon (Abdulhamid Sulaymon o'g'li) (1897-1938)**

O'zbek ma'rifatchilaridan Abdulhamid Sulaymon o'g'li Yunusov - Cho'lpon 1897-yilda Andijonning "Qatorterak" mahallasida, ziyoli oilada dunyoga kelgan.

Cho'lpon avval eski maktabda, so'ngra Andijon va Toshkentdagi obro'li maktablarda taxsil olib, arab, turk, fors tillarini mukammal o'zlashtiradi.

Cho'lponning ijodi 1913-1914 yillardan boshlangan bo'lib, u avval "Qalandar", "Mirzaqalandar", va nihoyat, Cho'lpon (Tong yulduzi) taxallusi bilan ijod qila boshladi. U ham shoir, ham nosir, ham dramaturg sifatida o'z xalqi ma'naviyatiga salmoqli hissa qo'shdi. Uning dastlabki asarlari "Sadoi Turkiston", "Sadoi Farg'ona" kabi mahalliy ro'znomalarda, shuningdek, Orenburgda chiqadigan "Sho'ro" nomli jurnalda ham nashr etiladi. Xususan, Cho'lponning "Qizil Bayroq", "Turkiston" hamda "Buxoro axbori" kabi gazetalardagi faoliyati uning ijodiy shakllanishida mahorat maktabi bo'lib xizmat etdi. 1914-1917 yillarda "Bahor ovullari", "O'sh", "Vatanimiz Turkistonda temir yo'llar" kabi asarlarida madaniyat va ma'rifat targ'ibotchisi sifatida maydonga chiqdi. 1917-yilda "Turkiston muxtoriyati" tashkil bo'lishi munosabati bilan "Ollohu akbar" nomli she'rini bitdi va u madhiya sifatida qo'llangan. 1920-1924 yillarda hayotda sodir bo'layotgan hush va nohush o'zgarishlarni qalamga oldi.

Cho'lpon dramaturg sifatida ham salmoqli ijod qilgan. Uning "Xalil farang", "Cho'rining isyoni" kabi kichik pyesalari, "O'rtoq Qarshiboyev", "Mushtumzo'r" kabi yetuk dramalari ham ko'p vaqt sahnadan tushmagan. Shuningdek, Cho'lpon mohir tarjimon sifatida M. Gorkiyning "Ona", A.S. Pushkinning "Dubrovskiy" qissasi va "Boris Godunov" kabi pesalari hamda V. Shekspirning "Hamlet" ini o'zbekchaga o'g'irgan.

Cho'lpon 1937-yilning 14-iyulida qamoqqa olinib, 1938- yilning 4-oktabrida otib tashlangan.

1991- yilda birinchi bor "Yana oldim so'zimni" nomi bilan she'riy asarlari to'plam holida

nashr etildi. Keyingi bir jildlik kitobidan uning tarjimai xoli, "Kecha va kunduz" romani o'rin olgan.

Hozirgi kunda Cho'lpon nomiga nashriyot, ko'cha, mahalla, kutubxona va maktablar qo'yilgan. Unga 1991-yil 25-sentabrda "Yana oldim so'zimni" kitobi uchun Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Respublikasi Davlat mukofoti berildi.

\* \* \*

Yuqoridagilardan kelib chiqib shuni ta'kidlash joizki, oktabr inqilobidan keyingi dastlabki kunlardan oq Mahmudxo'ja Behbudiy, Munavvarqori Abdurashidxonov, Abdulla Avloniy, Abdurauf Fitrat, Abdulhamid Cho'lpon va boshqa ko'plab atoqli jadidlar oktabr inqilobiga qanday munosabatda ekanliklaridan qat'iy nazar, madaniyat va maorif sohasidagi samarali faoliyatlarini davom ettirganlar.

20-yillarning birinchi yarmida ma'rifatparvarlar o'nlab yangi maktablar ochadilar, bu maktablar uchun turli-tuman qo'llanmalar va darsliklar yaratdilar, nashriyotlar tashkil etadilar. Shu bilan birga turli gazeta va jurnallar chiqarib, elga ziyo ulashadilar. Bu bilan qanoatlanmay, teatr san'atini rivojlantirish borasida jonbozlik ko'rsatib, turli-tuman ma'rifiy-madaniy to'garaklar uyishtiradilar. Albatta, ziyolilarning bunday faoliyati bolsheviklarning rag'batiga mutlaqo sazovor bo'lgan emas, aksincha ular jadidlarning har bir qalamini sinchiklab kuzatishgan, to'garaklar va jamiyatlar ishini ta'qib ostiga olishgan, nashr ishlari ustida qattiq nazorat o'rnatishgan. Abdurauf Fitrat "Chig'atoy gurungi" ning ayrim majlislari qurolli qizil gvardiyachilarning nazorati ostida o'tganini yozadi. Yoxud Ahmad Zaki Validiy xotiralarida 20-yillarning boshida ziyolilar ustidan qattiq nazorat o'rnatilgani vajidan Buxoroda Cho'lpon bilan uchrasha olmaganligini eslaydi. Ammo bunday ta'qib va tazyiqlar ma'rifatparvarlarning faoliyatidan to'xtata olmaydi. Ular matonat bilan ishlarini davom ettirib, 20-yillardayoq maorif va madaniyat sohasida salmoqli yutuqlarga erishganlar. Bu harakatlar natijasida mazmunan yangilangan, umumiy sonli qadriyatlarni tarannum etuvchi, ayniqsa, erk va ozodlik, adolat va vijdoniylik g'oyalari o'lg'a suruvchi ma'rifatchilikning yangi yo'nalishini vujudga keltirdilar. Ular 1917-1918-yillarda "Turkiston muxtoriyati"ning tashkilotchilari sifatida siyosiy maydonda faol harakat qildilar. Ammo 20-yillar so'ngida amalga oshirilgan mafkura sohasidagi keskin kurash, proletar adabiyotning gegemonlik uchun kurashi, noproletar yozuvchilarga, ma'rifatparvarlarga nisbatan qo'llanilgan qatog'onlik jadid ma'rifatchilikning bemalol rivoji uchun imkoniyat qoldirmadi. Shunga qaramay, ma'rifatparvarlarning mashshaqatli kurashlari, orzu-istaklari, umidlari bekor ketgani yo'q. Bizning mustaqillikka chiqishimizga ularning ruhlari madadkor bo'ldi.

### Adabiyotlar:

1. Mirziyoev Sh. M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. -Toshkent: O'zbekiston, 2017 (Mirziyoev Sh. M. We build our great future with our brave and noble people. -Tashkent: Uzbekistan, 2017).
2. Karimov I.A.. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch. -Tashkent: Ma'naviyat, 2008 (Karimov I.A. High spirituality is an invincible force. -Tashkent: Ma'naviyat, 2008).
3. Jadidchilik: Islohot, yangilanish, mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash. -Tashkent: Universitet, 1999. 22 - 45 betlar (Djadidizm: The struggle for reform, renewal, independence and progress. -Tashkent: University, 1999. pp. 22 - 45).
4. Alimova D., Rashidova, M. Behbudiy va uning tarixiy taffakuri. -Tashkent: Akademiya. 1999 (Alimov D., Rashidova, M. Behbudi and its historical thinking. -Tashkent: Academy.

1999).

5. O'zbekistonning yangi tarixi. Birinchi kitob. Turkiston chor Rossiyasi mustamlakachiligi davrida. -Tashkent: Sharq, 2000. 215-334 betlar (The modern history of Uzbekistan. The first part. Period of colonization of Turkestan Tsarist Russia. -Tashkent: East, 2000. pp. 215-334).


6. R.X.Murtazaeva. O'zbekiston tarixi darsligi. -Tashkent: 2003. 360-380 betlar (Murtazaeva R. Textbook of History of Uzbekistan. T., 2003. pp. 360-380).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ишчанов Атабай Рейимбердиевич,  
Республика Маънавият ва маърифат маркази  
етакчи мутахассиси

## МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАРДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*For citation: Atabay R.Ishanov. Mechanism for the further development of work with personnel in the local government. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 37-41*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-06>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф барча соҳаларда кадрлар билан ишлаш тизимининг мувофиқлаштириб борилиши, раҳбарлик лавозимларига тасодифий кадрларнинг келиб қолишини олдини олишга, заҳирага олинган ва босқичма-босқич махсус тайёргарликдан ўтган кадрларни лавозимларга тайинлашга, бу тизимнинг узлуксизлигини таъминлаш эса ҳудудларда раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёжни қондирилишига хизмат қиладиган фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** ротация, персонал, вакант, ҳаракат стратегияси

Ишчанов Атабай Рейимбердиевич,  
ведущий специалист

Республиканского центра духовности и просвещения

## МЕХАНИЗМ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАЗВИТИЮ РАБОТ С КАДРАМИ В МЕСТНОМ ПРАВИТЕЛЬСТВЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор проанализировал координация управления персоналом во всех сферах предотвратит случайный набор на руководящие должности, назначение зарезервированного и постепенно обученного персонала на должности, обеспечивая при этом непрерывность системы для удовлетворения спроса на высшее руководство.

**Ключевые слова:** ротация, персонал, вакансии, стратегия действий

Atabay R.Ishanov,  
Leading Specialist  
Republican Center for Spirituality and Education

## MECHANISM FOR THE FURTHER DEVELOPMENT OF WORK WITH PERSONNEL IN THE LOCAL GOVERNMENT

### ANNOTATION

In this article, the author analyzed the coordination of personnel management in all areas to prevent accidental recruitment to senior positions, the appointment of reserved and gradually trained personnel for positions, while ensuring continuity of the system to meet the demand for senior management.

**Key words:** rotation, staff, vacant, action strategy.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг илк йиллардан оқ Минсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдек стратегик мақсадларга эришиш борасидаги самарали ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Ҳусусан, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти-Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда", деб таъкидладилар. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5885-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар Концепциясида ҳам кўришимиз мумкин.

Жумладан, мазкур Концепцияда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш ўта долзарб масалалар қаторига киради. Бугунги кунда давлат бошқаруви соҳасида самарали ва сифатлитизимини яратиш, кадрларни профессионалигини ошириш, коррупцияга қарши курашишининг устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу сабаб замонавий кадрларни тайёрлаш, жой- жойига қўйиш ва жойига лойиқ бўлганлигини ўз вақтида аниқлаб алмаштириш кафолатларни яратадиган махсус тизим вужудга келтириш талаб этилади. Айниқса, турли даржадаги маҳаллий ҳокимликларда кадрлар билан ишлаш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва раҳбар кадрлар ротациясининг эҳтиёжларини ўрганиб бориш ва таклифлар киритиш пировард натижада раҳбарлик лавозимларга ҳар томонлама муносиб кадрларни тайёрлаш муҳим касб этмоқда. Айтиш жоизки, ротация - персонални бошқариш тизимидаги муҳим жараёндр. Бундан ташқари, ротация - ходимларнинг меҳнат самарадорлигини ривожлантириш

дастури бўлиб, истеъдодли кадрларни танлаш, лавозимда ўсиш учун шароит яратадиган ҳамда самарали бошқариш механизми ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими номенклатурасидаги лавозимлар заҳирасига киритилган кадрларни лавозимга тайинлашдан олдин Республика марказий идораларда кадрлар ротацияси тизимини ташкил этиш тавсия этилади. Бунда амалдаги захирага олинган номзодлар кадрлар ротацияси режасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг давлат хизмати ва вакиллик органлари билан алоқалари бўйича хизмати ҳамда мутассади вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда 3 ойдан кам бўлмаган, ўртача 3-5 йил муддат давомида келишилган ҳолда амалга оширилади. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментларида, Иқтисодий вазирлигида, Молия вазирлигида ва бошқа тегишли вазирликларда, лозим топилганда ҳудудларни ривожлантиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот марказларига кадрлар ротация қилинади.

Албатта, бундай ҳолатда тегишли давлат бошқарув органлари фаолиятининг ўзига хослиги, лавозимларга ўтказилиши керак бўлган кадрларнинг касби, малака даражаси, иш стажи ва мутахассилка доир ҳусусиятлари ҳисобига олиниши керак. Ротация ўтказиш давомида номзодлар ҳудуднинг ўзига ҳосликларини, имконият ва муаммоларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини таҳлил этади ва тегишли вазирлик ва идоралардан бириктирилган вакиллар билан ҳамкорликда ҳудуднинг ривожлантириш юзасидан ўзининг ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқади. Ҳар бир номзоднинг ҳудудлар кесимида ишлаб чиққан ҳаракатлар стратегияси тегишли вазирлик ва идоралар томонидан экспертизадан ўтказилади ҳамда вилоят ҳокими билан келишилади ва тасдиқланади.

Вакант лавозимга тавсия этилган номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида, Вазирлар Маҳкамасида ўзи ишлаб чиққан ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини асослаб беради ва уни тавсия этилаётган лавозимга қанчалик мослиги шу нуқтаи назарда баҳоланди. Шунингдек, юқоридаги тартибга мувофиқ, лавозимга тайинланган раҳбарнинг фаолиятига чорақлик, йиллик, беш йиллик ҳудудунинг ривожлантириш стратегиясида кўрсатилган чора-тадбирларни нечоғлик амалга оширилганлигига қараб баҳо берилади. Бундан ташқари, ҳар қандай раҳбар лавозимига тайинлангач, соҳани мукамал ўзлаштириш учун соҳага алоқадор қонунчиликни ўрганади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишади. Бунинг учун эса маълум вақт талаб этилади. Айнан ушбу тизим, кадрнинг тайинланиши режалаштирилаётган лавозимга амалда тайёр ҳолда келишига замин яратади. Ротация тизимини амалга оширишишининг яна бир асосий афзаллик томони бу - ҳудуддаги ташкилотлар билан ўзаро тушунмовчиликларни олдини олади.

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги ротациялаш соҳасидаги асосий муаммолардан бири шундаки, ротация фаолияти давлат томонидан етарли даражада мувофиқлаштирилмаган. Яъни ротацияни амалга ошириш мақсадлари, вазифалари ва тартиблари борасида ягона давлат сиёсати шакллантирилган бўлиши лозим. Лекин ҳозиргача бундай мувофиқлаштирув етарлича йўлга қўйилмаган. Бунга далолат шундаки, Ўзбекистонда ҳозирга қадар ротация институтини давлат органлари фаолиятида қўлланилишини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий

акт мавжуд эмас. Шу боис, Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишида "Давлат хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Лойиҳа давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантириш, давлат хизматига ишга ўтиш, хизматни ўташ ва хизматдан кетиш масалалари борасидаги кафолатларни тартибга солиди. Мазкур қонунни қабул қилиниши давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ротация институти қўллашнинг махсус бошланғич ҳуқуқий асоси сифатида намоён бўлади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасида "Электрон ҳукумат" тизимининг яратилганлиги алоҳида эътиборга молик. Хусусан, аҳолининг интерактив хизматлари портали [www.mu.gov.uz](http://www.mu.gov.uz) сўнгра Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали [www.data.gov.uz](http://www.data.gov.uz) фойдаланишга топширилди. Мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 328-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган, Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси портали ишга туширилди. "Давлат хизмати тўғрисида" қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси порталига муҳокамага қўйилди. Эътиборлиси шундаки, Қонун лойиҳаси энг кўп изоҳ берилган қонун лойиҳалардан бири ҳисобланади, 47 та изоҳ берилган.

Қолаверса, бу тизим Республика миқёсида турдош ташкилотлар билан маҳаллий ҳокимликлардаги ходимларнинг ўзаро тажриба алманишлари ва илғор тажрибаларининг Республика миқёсида татбиқ этилишга ёрдам беради. Бунинг учун, "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонуни ва "Давлат хизматчиларининг мақоми" тўғрисидаги қонунни қабул қилиш керак ҳамда мазкур қонун асосида давлат органларининг барча соҳаларида, ҳар бир соҳани давлат ҳокимиятини амалга оширадиган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардаги кадрларни ротациялаш борасидаги низомларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 3 августдаги "Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида"ги 303-сонли қарорни амалдаги қонунчилик нормаларига ва замонавий иш юритиш тартиб-таомиларига мослаштиришни тақазо этмоқда. Хулоса қилиб айтганда, ҳудудда барча соҳаларда кадрлар билан ишлаш тизимининг мувофиқлаштириб борилиши, раҳбарлик лавозимларига тасодифий кадрларнинг келиб қолишини олдини олишга, заҳирага олинган ва босқичма-босқич махсус тайёргарликдан ўтган кадрларни лавозимларга тайинлашга, бу тизимнинг узлуксизлигини таъминлаш эса ҳудудларда раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёж қондирилишига хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис мурожаатномаси / "Ma'rifat" газетаси 2017.23-декабрь, - №102-103 (9064). (Statement of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoev to Oliy Majlis "Ma'rifat" newspaper, 2017. 23-December, №102-103 (9064).)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ - 5185-



- сонли Фармони // Ҳалқ сўзи.-2017- 9 сентябр.-№180 (6874).(Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. September 8, 2017)
- 3.Хусаинов У.Ш Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Юрид.фан.ном.дис.-Тошкент, 2010.-Б.173.(Husainov.U.Sh Dis. Candidate of law.Constitutional and legal bases of rotation institute in activity of state authority Tashkent, 2010. -B.173)
4. Управление персоналом. Словарь-справочник. - М., 2005. -С.151. (Personnel Management.Dictionary-reference-book., 2005. -P. 151.)
5. Христофоров И. Ротация как средство развития персонала // Справочник кадровика. - М., 2003. -С. 12.
- 6.Khristoforov, I. (Rotation as a means of staff development, Dictionary-reference-book. 2003. -P. 12.)
7. Шидов А. Х., Хапов А. Б. Ротация кадров как элемент системы управления деловой карьерой // Менеджмент в России и зарубежом. 2003. - № 2. -С.24. (Personnel rotation as an element of a business career management system// Management,in Russia and abroad 2003. № 2. -P. 24).
8. Комлёв Н. Г. Словарь иностранных слов. - М., 2006. -С.35. Додонов В. Н. и др. Большой юридический словарь. -М.: ИНФРА-М, 1997. -С.601. (Komlev N.G. Dictionary of foreign words.-М., 2006. - P. 35. Dodonov V.N Large law dictionary :INFRA-М, 1997. -P. 601.)
9. Шапиро С. А. Управление человеческими ресурсами. -М.: Гросс Медиа, 2005. - С.123. (Shapiro S.A. Human resources management. -М.: Gross Media).
10. Баранчев С. В. Качество ротации состава менеджеров как фактор конкурентоспособности организации.Часть I. -М., 2006. -С. 21. (Barancheev S.V. The quality of rotation of the composition of managers as a factor in the competitiveness of an organization. PartI. - М., 2006. -P. 21.)
10. Граждан В.Д. Государственная гражданская служба. -М.: Юркнига, 2005. -С.47. (Grajdan,V.DStatecivilservice.М.:Yurkniga, 2005. - - p.47.)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Кўпайсинов Исмоил,  
Наманган давлат университети ўқитувчиси

## ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИГА ИНГЛИЗ ЭЛЧИЛАРИ ВА САВДОГАРЛАРИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*For citation: Ismail Kupaysinov. Some discussions early stages of entrance of english ambassadors and traders to Central Asia. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 42-47*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-07>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XIX аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудига инглиз элчилари ва савдогарларининг кириб келишига сабаб бўлган омиллар, уларга Россия империяси ҳукуматининг муносабати элчиларнинг шахсий кундаликлари ва тарихий манбалар келтирилган маълумотлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий алоқалар, ташқи сиёсати, географик омил, савдо муносабатлари, ҳинд савдогарлари, инглиз моллари, бож, Бухоро амирлиги, мустамлака, Ўрта Шарқ, ҳарбий кучлар, Ўзбек хонликлари, инқироз, инглиз ҳукумати.

Купайсинов Исмаил,  
Преподаватель Наманганского  
государственного университета

## НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ И РАЗНЫЕ ЭТАПЫ ВЪЕЗДА АНГЛИЙСКИХ ПОСЛОВ И ТОРГОВЦЕВ В ЦЕНТРАЛЬНУЮ АЗИЮ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье анализируются факторы, которые привели к прибытию британских послов и торговцев в центрально-азиатский регион в начале XIXго века, отношение Российской империи к личным дневникам послов и исторические источники.

**Ключевые слова:** экономические отношения, внешняя политика, географический

фактор, торговые отношения, индийские торговцы, британские товары, таможня, эмират Бухара, колонизация, Ближний Восток, военные, узбекские ханства, кризис, британское правительство.

**Ismail Kupaysinov,**  
Teacher Namangan state university

## **SOME COMMENTS EARLY STAGES OF ENTRANCE OF ENGLISH AMBASSADORS AND TRADERS TO CENTRAL ASIA**

### **ANNOTATION**

This article analyzes the factors that led to the arrival of British ambassadors and merchants in the Central Asian region in the early XIX century, the attitude of the Russian Empire to the ambassadors' personal diaries, and historical sources.

**Key words:** economic relations, foreign policy, geographical factor, trade relations, Indian traders, British goods, customs, Emirate of Bukhara, colonization, Middle East, military, Uzbek khanates, crisis, British government.

**Б**изга маълумки, қадимги дунё тарихидан бошлаб янги тарих давригача мамлакатлар турли хил ҳудудлар борасида бир-бирлари билан низолар чиқаришган ва урушларни амалга оширишган. Ҳудудлар масаласи мустамлакачи мамлакатлар учун муҳим ҳисобланган. Ўрта Осиё ҳудуди ўзининг стратегик қулай нуқтада жойлашганлиги билан Буюк Британия империясида катта қизиқиш уйғотган эди. Ўзининг ривожланган саноати ва савдоси билан Буюк Британия империяси дунёнинг барча ҳудудларига кириб бормоқда эди. Айниқса, бу ҳудудда вужудга келган инглиз-рус рақобати Ўрта Осиё ҳудудида бу мамлакат элчиларини янада фаоллаштириб юборган.

XVII-XVIII асрларга келиб инглиз саноати ва савдосининг бутун дунёга ҳукмрон бўлишга интилиши натижасида иқтисодий алоқалар мустамлакачилик характери касб этиб, бойлик орттириш манбаига айлана борди. Бу ҳолат айрим давлатлар томонидан Ўрта Осиё бозорларига ўз молларини таклиф этиш билан бирга унинг табиий бойлиқларини аниқлашишларини жадаллаштиришга ундади. Россия ва Англиянинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий ташқи сиёсати айни шу мақсадларга қаратилган эди. Бу борада Россия имкониятлари туфайли Англия ва бошқа давлатларникига нисбатан юқорироқ бўлган. Шу сабабли Ўрта Осиё ҳақида мукамалроқ маълумотлар тўплаш имконияти ошиб борган. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Россиянинг ўзига ҳам дастлаб Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро ва Хива хонлиқлари ҳақидаги маълумотлар айнан европалик сайёҳлар томонидан етказилган[1, Б.38].

Ўрта асрлар Англиясида Шарқ мамлакатларини ўрганиш масаласи XIII асрдаёқ муҳим вазифалардан бирига айланган эди. Бу ерда Шарқ ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайишида 1269 йилдаёқ форс савдогарлари кемаларда Британия қирғоқларига етиб бориши, инглиз рицари Жон Мандевилнинг Шарқ мамлакатларига қилган саёҳати муҳим аҳамиятга эга бўлган.

XV аср охири - XVI аср бошларига келиб Европада бошланган сиёсий ва

иқтисодий жараёнлар, янги савдо йўллари топишга бўлган интилиш Шарққа олиб борувчи муҳим ҳудудда жойлашган Ўрта Осиёни ҳам четлаб ўтмаган.

XV асрда дипломатик муносабатлар ўрнатиш билангина чекланган Фарбий Европа давлатлари эндиликда ўлканинг иқтисодий имкониятлари билан ҳам қизиқа бошлаган. XVI аср ўрталарида Антони Женкинсон элчилиги (1558-1560) ўзаро дипломатик ва савдо муносабатлари ўрнатиш йўлида илк қадамлар сифатида баҳоланади. Москва давлати ҳукмдори Иван Грозний ёрлиғи билан элчининг Ўрта Осиёга боришига рухсат берилиши, Рус давлати, қолаверса, Европанинг Ўрта Осиё билан муносабатлар ўрнатишида дадил ташаббус эди.

Британиянинг савдо эҳтиёжи фақатгина иқтисодий муносабатларни кўзда тутмас эди. Британияликлар қайси давлатда савдони назорат қилишса, ўша давлатни ҳам назорат қила олишларига ишонганлар. Марказий Осиё Британия учун яхшигина номзод эди. Қолаверса, Бухоро шаҳри Буюк Ипак йўлининг қатновсиз қолиши оқибатида Осиёнинг савдо марказларидан бири мақомини бой берган бўлсада, ўзининг иқтисодий мақомини ҳали тўла йўқотмаган эди.

Ҳиндистон Англия таъсир доирасига тушиб боргани сари бу ердан Ўрта Осиёга инглиз ва турли хил Европа молларининг кириб келиши кўпайиб борган. XIX аср 60-йиллари иккинчи ярмидан йилига Қўқон хонлигига Бухоро орқали 300 минг рублик Манчестер ва Бирмингемда тайёрланган инглиз газламалари кириб келган [2, Б.66].

Инглизлар ўзларининг ҳинд савдогарлари орқали ушбу ҳудуд билан савдони бошлашган бўлсада, Россиянинг бу ҳудудларни забт этадиган бўлса, даромадларидан айрилишдан доимо қўрқувда турган[3,Б.71]. Кейинчалик бу қўрқув ҳақиқатга айланиб, Россия Марказий Осиёдаги ўз ерларида Британия савдосини таъқиқлаган [4,Б.193]. Негаки, ҳинд савдогарлари Ўрта Осиё бозорларида инглиз молларини арзон нархларда сотганлар ва 3 йил муддатгача қарзга ҳам берганлар. Бу ҳолат шу турдаги рус молларининг рақобатга бардош бера олмаслигига олиб келган. Натижада, Россия ҳукумати 1868 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудига Европа моллари келтиришни таъқиқлаб қўйган.

1871 йилда Қобул орқали Қўқонга келаётган инглиз моллари Хўжандда ушлаб қолинганлиги ва ундаги инглиз докасининг ҳар бўлагидан 10 копейкадан бож олинганлиги бу фикрнинг исботидир. Ҳар бир туяга 600 бўлакгача инглиз докаси юкланган бўлиб, бу газлама нархига нисбатан ката бож ҳисобланган. Оқибатда, четдан келтирилган маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши, Қўқон хонлигига Бухоро амирлиги орқали инглиз ва ҳинд молларини кириб келишини камайишига, Қашқар орқали кириб келишининг кучайишига сабаб бўлган. Инглиз ҳукумати турли таъйиқларга қарамасдан, Ўрта Осиё бозорларида мавқеини сақлаб қолиш мақсадида, 1870 йилда Кашмир махоражаси билан савдо шартномасини имзолаб, Ҳиндистон- Қашқар йўлидаги савдо карвонларидан йўл божларини олиб ташлаш орқали маҳсулот таннархини пасайтиришга ҳаракат қилган. Натижада, келгуси йилдаёқ инглизларнинг Қашқардаги савдоси ҳажми 7 баробарга ошган эди.

XIX асрнинг Марказий Осиё минтақасида тарихчилар Британия ва Россия мақсадлари ҳақида турли фикрларга эга. Бу фикрлар турли хил шахсларга хос бўлган хулосалар, шунингдек, асосий манбалар материалларига киришнинг турли хиллиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, фақат Буюк ўйин дипломатиясига қаратилган тарихчилар кўпинча "империя юзлари"га (яъни, ташқи ишлар

вазирлари, ҳукмдорлар ва бошқалар) эътибор қаратганларга қараганда кескин фарқли хулосага келишди[5,Б.17].

Инглизлар Ҳиндистонда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олиб, Афғонистон ва Ўрта Осиёга интилишади. Инглизларга Ўрта Осиёнинг сиёсий аҳволи, географик мавқеи, аҳолиси, армияси ҳақида аниқ маълумотлар ҳаво билан сувдек зарур эди [6, Б.151].

XIX аср иккинчи ярми бошларида Туркистон хонликларини бўйсундириш мақсадида Россия олиб бораётган сиёсат Буюк Британиянинг шу борада узоқни кўзлаган режаларига жиддий хавф солар эди. Шунинг учун Англия турли йўллар билан Ўрта Осиёдаги давлатларни Россияга қарши отлантириш пайига тушади. Буюк ўйин стратегик аҳамиятга эга бўлган кўплаб минтақаларни тақдим этди. Туркистон Буюк Британия ва Россия учун катта ҳарбий аҳамиятга эга эди. Буюк Британия Россияни Марказий Осиёда мустаҳкам ўрнашишга тўсқинлик қилади. Агар Россиянинг чегара қўшинлари қаршилиқ кўрсатишда давом этса, у доимо заифлашиши мумкин эди. Шунинг учун Англия ҳукумати Бухоро, Хива ва Қўқонга жосус ва агентларини юборди[7,Б.5]. Албатта, Игнатевнинг муваффақиятсиз музокаралари сингари Британия ҳам ўз имкониятларини қозонишга муваффақ бўлди. Инглиз элчилари маълум бир даражада имтиёзларни олганига қарамасдан, Амир Насрулло томонидан икки элчини жосуслик қилгани учун 1842 йилда қатл эттирди.

XIX асрнинг 30-40-йилларида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатлар, айниқса, дипломатик алоқаларнинг айрим ҳолатлари устида тўхталар эканмиз, ҳуди шу вақтда Ўрта Осиё бозорларига инглиз саноат молларининг кириб келиши ва бу ерда инглиз разведкачиларининг олиб борган ишлар каби масалаларнинг умумий ҳолатини аниқлаб олишга тўғри келади. Чунки, XIX асрнинг 30-йилларига келганда Россия Ўрта Осиё бозорида капиталистик жиҳатдан жуда ривожланган давлат - Англия билан тўқнашган эди.

Мана шунинг учун ҳам халқаро миқёсда пайдо бўлган бу вазият Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан олиб борган сиёсатига, шунингдек, Бухоро билан бўлган муносабатларига катта таъсир этган эди. XIX асрнинг 30-йилларида Англия тарихида капиталистик муносабатларнинг ривожлана бориши ва мустаҳкамланиши билан характерланади. Англия савдоси ривожланиши билан у Осиёга икки томондан, яъни Ҳиндистон ва Қора денгиз орқали кириб кела бошлади.

Мана шу сабабли инглиз буржуазияси мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим таъсирга эга бўлиб, янги мустамлака бозорлари ва хом-ашё манбалари бўлган Осиё мамлакатларини босиб олишга ҳамда у ерда яшовчи халқларни қул қилиб, бўйинларига мустамлака сиртмоғини солишга зўр бериб ҳаракат қиларди. Бу вақтларда инглиз босқинчилари Ҳиндистоннинг кўпгина қисмини босиб олиб, унга қўшни бўлган мамлакатларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун сиёсий ва дипломатик тайёргарликни кенг йўлга қўйиб юборган эди[8,Б. 62].

Британия мустамлакачилари Ҳиндистонда босқинчилик сиёсатини ҳамон давом эттириб, аста-секин бутун Ўрта Шарқ бўйлаб тажовуз қилмоқда эдилар. Афғонистон ва Ўрта Осиё хонликлари Англиянинг босқинчилик режаларининг бевосита объектига айланган эди.

Ўрта Шарқ мамлакатларини, айниқса Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш учун инглиз мустамлакачилари ўзларининг бутун макр, ҳийла-найранглари ҳамда ҳарбий кучларини ишга солган эдилар. XIX асрнинг 30-йилларида инглиз

сиёсатчилари ва дипломатлари Ўрта Осиё ҳамда унга қўшни бўлган давлатларни босиб олиш учун тайёргарлик кўриш билан бир вақтда, гўё Россия Ҳиндистонга қарши юриш учун зўр бериб тайёргарлик кўраётган эмиш, деб бутун дунёга овозларини баралла қўйиб бақирар эдилар. Шу билан бирга, улар Россия босиб келаётгани учун Англияфақат "ўзинингҲиндистонини" ҳимоя қилаяпти, деб исбот қилишга зўр бериб уринардилар. Ҳақиқатда эса, бу билан улар ўзларининг Ўрта Осиёни босиб олиш учун қилаётган агрессив ҳаракатларини бекитмоқчи бўлган эди.

Инглиз манбаларида келтирилган далилларга қараганда, XIX асрнинг 30-йиллари бошларидаёқ Ўрта Осиё бозорларида инглиз молларининг нархи рус молларига нисбатан анчагина ошган эди. А.Коноллининг сўзига кўра, рус моллари арзон бўлишига қарамасдан, инглиз моллари Бухоро бозорида афзалроқ кўрилар эди. Унинг фикрича, агарда кейинчалик инглиз молларининг нархи рус молларининг нархигача камайса, улар русларни Ўрта Осиё бозорларидан сиқиб чиқаришлари мумкин[9,Б. 232-233].

А.Коноллининг бу фикрлари бутунлай асоссиз бўлиб, Россияни инглизлар Ўрта Осиё бозорларидан сиқиб чиқаришлари мутлақо мумкин эмас эди. Чунки, биринчидан, Англия Ўрта Осиё бозорларида фақат ип газламалар савдосида Россияга рақиб бўлиб, қолган савдо бутунлай Россиянинг қўлида эди, иккинчидан, инглизлар ўз маҳсулотларини нақд олтинга сотиб, Ўрта Осиё молларини сотиб олмас эдилар. Россия бўлса, ўз молларини сотиш билан баробар, Ўрта Осиёнинг маҳаллий маҳсулотлари харидори ҳам эди. Шуларга асосан, инглизларнинг Ўрта Осиёга қилган иқтисодий ҳужумларининг муваффақиятсиз чиқиши муқаррар эди.

XIX аср ўрталарида мустамлакачи икки йирик империя, яъни Англия ва Россиянинг манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Россия сиёсатчилари Буюк Британиянинг Туркистон ва Каспий денгизининг шарқий томонларини эгаллаб олишидан ғоят хавфсираётган эдилар.

XIX асрда Буюк Британия ўз тасарруфидаги Ҳиндистон ва Афғонистон орқали ўзбек хонликлари билан савдо-сотик ва дипломатик алоқалар олиб боради. Айни вақтда инглиз сиёсатчилари эса Туркистонни Россия босиб олишидан хавфсираб, унинг чегаралари Афғонистонгача етиб келмаслигини истар эдилар. Англиянинг асосий мақсади, хонликларни босиб олишга чоғланаётган Россиянинг режаларини барбод қилиш, учала хонликни унга қарши бир куч қилиб бирлаштириш ва Ўрта Осиё бозорини эгаллаш эди.

XIX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёга юборилган инглиз миссиялари, асосан, Англия буржуазияси томонидан юборилиб, 30-йилларга келганда бу ишга Британия ҳукуматининг ўзи бевосита раҳбарлик қила бошлайди. Бу воқеа инглизларнинг агрессив режаларини амалга ошириш учун Ўрта Осиёга қатъий суратда кириб келишидан дарак берар эди.

Бунинг асосий сабаби, 1825-йилда Англияда бошланган инқироз бўлиб, у бутун Англия саноатининг деярлик кўпгина қисмини ўз ичига олган эди. Оқибатда, мамлакатнинг бутун иқтисоди ката зарар кўрган эди. Бу оғир аҳволдан қутилиш учун инглиз ҳукумати XIX асрнинг 30-йилларида бутун Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё бўйлаб кенг савдо ва дипломатик юриш қилишга бошлайди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Эрқўзиёв А.А. Ўрта Осиё ва Фарбий Европа ўртасидаги иқтисодий алоқалар (XVI-XIX асрнинг биринчи ярми): Тарих фан. номз. дисс... - Т., 2009. - Б.38.
2. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари: Тарих фан. номз. дисс... - Т., 2009. - Б. 66.
3. YetisginMemet. How the Times of ondon Covered and Interpreted Russian Expansion into Central Asia in The Second half of the Nineteenth Century. A Dissertation in History. Texas. 2000. - P. 71.
4. Vamberi Arminius. The Coming Struggle for India.Cassel and Company Limited.London. 1885. - P. 193.
5. Madeline Lazer. Why They Played: The British and Russian Motivations for Expansion in Nineteenth-Century Central Asia. Senior Honors Thesis, George Washington University. 2005. - P. 17.
6. ИсматуллаевХ. Вамбери олимми, ё жосус? // Фитна санъати. Тўплам. - Т.: Фан,1993. - Б. 151.
7. John L. Evans, "Introduction," in Mission of N. P. Ignat'ev to Khiva and Bukhara, 1858 by Nikolai PavlovichIgnat'ev (Newtonville, MA: Oriental Research Partners, 1984): - P. 5.
8. Муҳаммаджанов Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. - Т.,1957. - Б. 62.
9. A.Conoly. Journet to the North of India overland from England through Russia, Persia and Afghanistan.- London, 1838. - P. 232-233.
3. YetisginMemet. How the Times of ondon Covered and Interpreted Russian Expansion into Central Asia in The Second half of the Nineteenth Century. A Dissertation in History. Texas. 2000. - P. 71.
4. Vamberi Arminius. The Coming Struggle for India.Cassel and Company Limited.London. 1885. - P. 193.
5. Madeline Lazer. Why They Played: The British and Russian Motivations for Expansion in Nineteenth-Century Central Asia. Senior Honors Thesis, George Washington University. 2005. - P. 17.
6. Исматуллаев Х. Вамбери олимми, ё жосус? // Фитна санъати. Тўплам. - Т.: Фан,1993. - Б. 151.
7. John L. Evans, "Introduction," in Mission of N. P. Ignat'ev to Khiva and Bukhara, 1858 by Nikolai PavlovichIgnat'ev (Newtonville, MA: Oriental Research Partners, 1984): - P. 5.
8. Муҳаммаджанов Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. - Т.,1957. - Б. 62.
9. A.Conoly. Journet to the North of India overland from England through Russia, Persia and Afghanistan.- London, 1838. - P. 232-233.

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Маматкулов Акмал Яхшибаевич,  
ЎзМУ Тарих факультети Ўзбекистон тарихи  
кафедраси ўқитувчиси

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР: ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

*For citation: Akmal Ya. Mamatkulov. Agriculture in Kashkadarya and Surkhandarya areas: in the years after the second world war. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 48-54*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-08>

### АННОТАЦИЯ

Совет давлатининг социалистик хўжалик юритиш механизми марказлашган режага асосланган бўлиб, бутун мамлакатда инсонпарвар жамият эмас, аксинча маъмурий - буйруқбозлик тизими шакл-ланди. Ўзбекистоннинг саноати эса пахтачилик манфаатларига боғланиб, республика иқтисодиётини кўтариш учун ҳаракатлар "пахта учун кураш"нинг таркибий қисмига айланиб қолди. Пахтачиликнинг кетидан қувиш натижасида республикадаги кўпгина ҳаётий манфаатларга зиён етказилди. Айни пайтда раҳбар органларининг орасидаги бефарқлик ва лоқайд-лик республика саноатиининг орқага кетишига, қишлоқ хўжалигида юзага келган инқирозларнинг кўпайиб кетишига ҳам сабаб бўлди. Мақолада Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқ хўжалигида масъулиятсизлик ва лоқайдлик сабабли юзага келган ҳолатлар тадқиқ этилади.

**Калит сўзлар:** социалистик хўжалик, механизм, кўп укладчилик, ирригация, культиваторлар, ўғитлагичлар, чигит экиш сеялкалари, эксковаторлар, бульдозерлар, ижара принциплари, хўжалик, ташаббус, ижодкорлик, марказлашган, экстенсив усул, тараққиёт маҳсули, агросаноат комплекси, мироб, бригадир, функция.

Маматкулов Акмал Яхшибаевич,  
преподаватель кафедры История Узбекистана  
Исторического факультета НУУ



## СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО В КАШКАДАРЬИНСКОЙ И СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТЯХ: В ГОДЫ ПОСЛЕ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

### АННОТАЦИЯ

Механизм ведения социалистического хозяйства советского государства основывалась на централизованном планировании что привело к формированию командно-административной системы. Промышленность Узбекистана было тесно связана с интересами хлопководства и стала частью механизма социалистического ведения хозяйства советского государства. В результате господство монокультуры хлопка был нанесен урон многим жизненно важным интересом республики. Безразличие и апатия среди местных руководителей было одной из причин возникшего кризиса в сельском хозяйстве республики. В статье анализируется проблемы в сельском хозяйстве Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях Узбекистана возникшие в результате безответственности и равнодушие.

**Ключевые слова:** экстенсивный метод, продукт азвитие, агропромышленный комплекс, бригадир, социаластическое хозяйства, механизм, многоукладность, ирригация, культивация, сеялки хлопковых семян, эксковаторы, бульдозеры, условие аренды, хозяйства, инициатива, творчества, функции.

**Akmal Ya. Mamatkulov,**  
Lecturer, Department of History  
of Uzbekistan Faculty of History of NUU

## AGRICULTURE IN KASHKADARYA AND SURKHANDARYA AREAS: IN THE YEARS AFTER THE SECOND WORLD WAR

### ANNOTATION

The Soviet socialist economic governance mechanism was based on a centralized plan, and not a humanitarian society in the whole country, but rather an administrative and command system. The industry of Uzbekistan is linked to the cotton business, and efforts to raise the country's economy have become a component of the "struggle for cotton". As a result of the pursuit of cotton, many of the vital interests of the Republic have been damaged. At the same time, the ignorance and irresponsibility between the governing bodies led to the degradation of the country's economy, and to the aggravation of the crisis in agriculture. The article examines the cases of irresponsibility and ignorance in agriculture in Surkhandarya and Kashkadarya regions of Uzbekistan.

**Key words:** socialist economy, mechanism, multidimensionality, irrigation, cultivators, fertilizers, cottonseed sowing device, excavators, bulldozers, leasing principles, farming, entrepreneurship, creativity, centralized, extensive method, progress, agro-industrial complex, "mirab" - person responsible for irrigation, brigadier, function.

Совет давлатининг иқтисодий сиёсати ҳамма вақт ҳам зиддиятлилиги билан ажралиб турди. Социалистик хўжалик юритиш механизми ўзининг дастлабки фаолиятини халқ хўжалигини марказлашган режа асосида ташкил қилиш йўли

билан бошлади, кўп укладлилиқ мажбурий равишда тугатилиб, фақат давлат корхоналари, жамоа хўжалиқлари социалистик корхона сифатида тан олинди. Хусусий мулк эгалари йўқолиб бориб, бутун мамлакатда инсонпарвар жамият эмас, аксинча маъмурий - буйруқбозлик тизими шаклланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам ҳар республика иқтисодини ривожлантириш беш йилга режалаштирилган сиёсат остида амалга оширилди. Саноатни тинч ҳаётга мослаб қайта қуриш катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлди, у халқнинг ҳисобсиз моддий ва жисмоний ҳаражатларини талаб қилди. Ўзбекистоннинг саноати эса халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш пахтачилик манфаатларига боғланиб, республика иқтисодиётини кўтариш учун ҳаракатлар "пахта учун кураш"нинг таркибий қисмига айланиб қолди.

Пахтачиликнинг кетидан қувиш натижасида республикадаги кўпгина ҳаётий манфаатларга зиён етказилди: пахта майдонлари йилдан - йилга кенгайиб, бошқа ўсимликларни бирин - кетин суриб чиқа бошлади, илмий асосланган алмашлаб экиш бузилиб, сув манбааларининг имкониятлари тобора камайиб қишлоқ хўжалигига ҳалоқатли таъсир кўрсатди. Бундай шароитда пахтачилик ва ирригация қурилиши учун машиналар, шу жумладан, культиваторлар, ўғитлагичлар, чигит экиш сеялқалари, кўрак териш машиналари, эксковаторлар, бульдозерлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган машинасозлик заводларини қайта қуриш ва янги заводларни яратиш юзасидан катта ишларни авж олдириб юбориш кўзда тутилди [1,Б.503]. Урушдан кейинги йилларда саноатга ташланган маблағнинг 20 фоизи қишлоқ хўжалигига ташлансада, озиқ - овқат маҳсулотлари етиштириш чекланиб, тез суръатлар билан ўсиб бораётган аҳоли талабини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди [2,Б.19]. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг беш йиллик режаларини тузиб чиқиш вақтида хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ижара принциплари, хўжалик фаолиятига ташаббус ва ижодкорлик жиҳатларини таъминлайдиган, ижобий натижалар берадиган бошқа шакллари ҳаракатга келтирилмаган ва ҳисобга олинмади [3,Б.503].

Зўравонлик усуллари, иқтисодиётнинг қаттиқ марказлашган ҳолда режалаштирилиши Ўзбекистон саноати ривожланишида жиддий зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Совет империясининг таркибий қисми бўлган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган Ўзбекистон марказ томонидан ишлаб чиқилган ва беш йиллик режаларда акс эттирилган йўл - йўриқларга амал қилишга мажбур эди. Урушдан кейинги беш йилликлар ана шундай тарзда режалаштирилган бўлиб, уларга маҳаллий шароитда республика раҳбарияти томонидан баъзи аниқликлар киритиш ҳам марказнинг руҳсати билан қилинар эди. Халқ хўжалигида амал қилиб келинган усул экстенсив тараққиёт маҳсули бўлиб, у ўзида иқтисодий заруратни эмас, балки қатъий марказлашган маъмурий бошқаришни ва режали ривожланишни акс эттирар эди.

Бутун халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш фондларини 40 фоиздан кўпроғини ўзида сақлаган республика Агросаноат комплекси республика ижтимоий ишлаб чиқаришида банд бўлган барча ишловчиларнинг 45 фоизидан кўпроғи меҳнат қилган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг асосий халқ хўжалигини бошқарувчи бўғин эди[4,Б.2]. Агросаноат комплекси раҳбар органларининг орасидаги бефарқлик ва лоқайдлик, ишчилар орасида сабабсиз ишга чиқмаслик, ўз ҳолича иш жойини ташлаб кетиш, бекор туриб қолишлар, меҳнат самарадорлигининг тушиб кетиши кундан кунга ортиб борди. Бундай ҳолатлар миллий даромадга ўз таъсирини

ўтказмасдан қолмади. Масалан, экилаётган пахта навлари орасида харидоргир бўлмаган АШ-25 навли пахта навини экиш беш бараварга камайтирилган вақтда ҳам 1988 йилда бу нав Қашқадарё вилоятида экилади. Айни пайтда 1987 йил декабрь бошларида республика пахта тозалаш заводларида мана шу пахта навидан 50 минг тоннадан ортиқ тола қолиб кетади, бу навини ҳатто бирор пахта тозалаш корхонаси ёки текстиль комбинатларига жўнатиш учун нарядлар ҳам бўлмаган. Мана шундай киши меҳнатини беҳуда сарфланиши, истеъмолчиларга кераксиз бўлган пахта навларини етиштирилиши [5, Б.7] ҳам иқтисодий хўжасизликнинг бир белгиси эди.

Ўз меҳнатидан манфаатдор бўлмаслиги, ойлик маошларнинг камлиги, иш жараёнини ташкил эта олмаслик, сифат ва самарадорликка эътиборнинг йўқлиги меҳнат интизомига бўлган муносабатни пасайтириб юборганлиги натижасийликка Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида яққол кўзга ташланди. Сурхондарё вилоятининг Ангор, Сариосиё, Шўрчи, Термиз районларида бир неча минг гектар ерда гўзалар паст бўлиб, сифатсиз чопиқ, култивация қилинган. Вилоят пахтачилик бошқармаси ва унинг районлари ўсишдан қолган паст гўзаларни алоҳида парвариш қилиш юзасидан кўп тадбирлар белгилаган, графиклар тузилган, ишчи кучларни паст гўзаларга ташлаш ҳақида кўрсатмалар берилган, қўшимча минерал ўғитлар ажратилган, лекин бу тадбирлар амалга ошмасдан қолаверган. Бўйи паст бўлиб қолган гўзалар учун ажратилган минерал ўғитлардан ўз вақтида фойдаланилмаган [6].

Молотов номли колхозда эса кўп йиллар давомида пахта териш режаси бажарилмай келган. Колхоздаги 21 гектарга яқин ерда гўзаларни ўт босиб кетган. 100 гектар ерда гўза яхши ҳосилга кирмагани учун ерни чуқур чопиқ қилиш, қўшимча озиклантириш чоралари ҳам кўрилмаган. Июль ойи давомида бу паст гўзалар бир маротаба чопиқ қилинган. "Янгийўл", Сталин номли, Ленин номли, Ворошилов номли колхозларда ҳам аҳвол шундай бўлган. Бу ерларни текшириш натижаларида ҳам кўпгина ишлар ўз "ҳолига" ташлаб қўйилганлиги аниқланган. Ингичка тола етиштирувчи бу районларда чопиқ қилинмаган. Молотов номли, "Янгийўл" каби кам ҳосилли колхозларда гўзани иккинчи чопиғи, гўза парвариши бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган. Ангор районидаги "Правда" колхозида 60 гектардан ошиқ ерда гўза сувсизликдан шона ва тугунчаларини тўкиб юборган. Айни пайтда Сариосиё, Узун, Шўрчи ва бошқа районларда меҳнатни ҳисобга олиш ва унга ҳақ тўлаш жуда ёмон аҳволда бўлган. Шўрчи районидаги Энгельс номли, Ленин номли, Киров номли ва бошқа колхозларда июль ойи икки ўн кунлигида ойлик тўланмаган. Вилоятнинг кўпгина районларида ишга яроқли кишилар ишга ташланмаган. Биргина Шўрчи туманида графикда кўрсатилган кишиларнинг бир қисми гўза парваришга қатнашмаган. Шу тумандаги "Октябрь 30 йиллиги" колхозида графикда кўрсатилган кишиларнинг бир қисми ишга тортилмаган [7].

Тадқиқ этилаётган йилларда иттифоқдош республикалар ўртасида саноат, қишлоқ хўжалигидаги "социалистик мусобақа"лар кучайди [8]. "Яхшироқ ишлайлик, самарадорлик ва сифатни оширайлик! - деган шиор остида мамлакатнинг турли минтақаларида, жумладан, Сибирь нефтчилари, Оренбург газчилари, Магнитка металлурглари, Донбасс шахтерлари берилган режаларни ошиғи билан "бажариш" мажбуриятини олдилар". "Социалистик мусобақа"лар ўртоқларча ёрдам беришдан иборат деб қаралган жамиятда "социалистик мусобақа" гўёки объектив зарурат

бўлиб қолди. Унинг заминида социалистик корхона ва хўжаликларнинг ходимлари конкурент бўлиб эмас, балки, умумий меҳнат ижодкорлари сифатида меҳнат қилишлари, шу сабабли уларнинг бир-бирларига кўмаклашувлари ёрдам олувчигагина эмас, бутун жамиятга ҳам ва бинобарин, ўз билими ва тажрибасини барҳам кўраётганга ҳам наф келтириши таъкидланган. Бу мусобақалар республикаро эмас, балки вилоятлараро ҳам ўтказилган. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг пахтакорлари 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун "социалистик мусобақа" шартномаси тузадилар. Мусобақа юзасидан олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини аниқлаш мақсадида ўзаро текшириш бригадаси текширув ўтказди ва биринчи кундан оқ белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилмаганлиги маълум бўлади. Бу текширувларда Қашқадарёда чигит экиш билан бирга дарҳол ғўза парваришига киришилмаганлиги, шу сабабли ғўза ўсишдан кеч қолганлиги, бирқанча колхозларда ғўзанинг биринчи парвариши июнь ойининг бошлагича тугалланмаганлиги, пахта майдонларининг ярмида иккинчи парвариш бошлаб юборилмаганлиги, айниқса Яккабоғ, Шахрисабз ва Косон районлари айниқса орқада қолганлиги алоҳида таъкидланади.

Шунингдек, кўп колхозларда ҳатто чопиқ ҳам сифатсиз ўтказилган. Қарши туманидаги "Коммунизм", "Иқтисод", Косон туманидаги Охунбобоев номли, Максим Горький номли, Қамаш туманидаги Калинин номли, "Қизил чорва", Шахрисабз туманидаги "Қизил деҳқон" колхозларида кетмон чопиғи 5-6 сантиметр чуқурликда ўтказилган. Энг катта камчилик ерларни биринчи суғориш ишлари тугалланмаган, ёки кечикиб ўтказилган. Натижада Шахрисабз туман, Новқот қишлоқ советидаги "Правда" колхозида Мурот Назаров бошлиқ бригадасида сувсизликдан ғўзаларнинг ярми нобуд бўлиш даражасига етган [9].

Сурхондарё вилоятининг барча туманларида пахта экиш олдин тугалланган бўлсада, Шеробод туманида ғўзанинг ўсиши жуда суст бўлган, ҳатто шонага ҳам кирмаган. Ворошилов номли, Молотов номли, Мичурин номли, "Фабрика", "Коммунист" номли колхозларнинг кўпчилиги ердаги ғўзаси ҳам ер бетини ёппаган. Фақат рақамларнинг ортидан қувиб, ишнинг сифатига мутлақо эътибор бермаслик оқибатида ғўзани чопиқ ва культивация қилиш устидан назорат қилиб турилмаган. Бунинг устига ғўзани маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш иши ташлаб қўйилган. Ғўзани биринчи ўғитлаш муддати ўтиб кетган ҳолида туманда 44 фоиз ғўза озиқлан-тирилган. Раватак қишлоқ советидаги Фрунзе номли колхоз 228 гектар ерга пахта эккан. Гектаридан 25 центнердан пахта етиштириш керак бўлган ерда шу кунга қадар бир гектар ерни ҳам ўғитламаган. Сельхозснабдан олинган азот эса оморда уюлиб ётган. Туман бўйича режалаштирилган 1.260 тонна азотдан 382 тоннаси ташиб олинган, қолгани машина йўқ деган баҳона билан ерларга солмаган. Машиналар етишмаганлиги сабабли деҳқонлар ўғитларни қўлда сепишга мажбур бўлганлар [10].

Умуман, совет ҳукумати кўпгина тантаналарда иқтисодий ўсишга эришдик деб тантанали маърузалар қилинсада, аслида кўп агросаноат коми-тетлари, республика бирлашмалари хўжасизлик ва исрофгарчиликка, ўғри-ликка, камомадларга қарши қатъий қарши кураш олиб бормади, кишиларданги масъулиятсизлик, давлат мулкани сақламаслик каби кайфият-лар кучайиб бораверди. Баъзи бирлашма, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари молиявий интизом бузилишининг олдини олиш, ўғриликларнинг йўлини тўсиш бўйича

узил-кесил чора-тадбирлар кўрилмади. Камомад, ўғрилиқ ва бошқа исрофгарчиликлар кўпинча ички хўжалиқ назорати, ҳисоб-китоб йўлга қўйилмади, объект ва мол-мулкларни қўриқлаш етарли даражада ташкил қилинмади. Колхоз ва совхозларда озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотлари корхоналарида майда ўғрилиқлар сони ошиб бораверди.

Умуман, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, собиқ итти-фоқнинг иқтисодий ва сиёсий қудратининг ривожини учунгина амалга оширилган бўлиб, республика қишлоқ хўжалигида пахта яқка ҳокимлигини янада ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Пахта экин майдонларининг тўхтовсиз кенгайиб бориши, ҳосилдорликни ошириш, режа ва мажбуриятларни ҳар қандай ҳолатда ҳам бажариш, қишлоқ хўжалигида ҳам экстенсив усулларни қўллаш, маъмурий - буйруқбозлик тизимини янада кучайтирди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамликачилиги даврида... - 503 бет (The modern history of Uzbekistan. The second book of Uzbekistan in the Soviet period ... - 503 p).
2. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий - иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида) - Тошкент: Шарқ, 1999. -Б.19 ( Bobodzhonova D. Socio-economic relations in Uzbekistan (for example, 70-80). - Tashkent: Shark, 1999. -P.19).
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамликачилиги даврида.. - 503 бет (The modern history of Uzbekistan. The second book of Uzbekistan in the Soviet period ... - 503 p).
4. Республика агросаноатининг янги беш йиллиги // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2, 1986. -Б. 2 (The new five-year anniversary of the republic agrosanoat / / Agriculture of Uzbekistan. No. 2, 1986. -P. 2).
5. КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш ва бу тармоқдаги жиддий камчиликларни тугатиш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент. 1988. №2. -Б.7 (On the tasks of the republican party organization to fulfill the instructions of the Central Committee of the CPSU to develop cotton production in the Uzbek SSR and eliminate serious shortcomings in this area // Agriculture of Uzbekistan. - Tashkent, 1988. No. 2. -P.7).
6. Биз Сурхондарё пахта далаларида нималарни аниқладик // Қизил Ўзбекистон. 1952 йил, 2 август (What we found in Surkhondarya cotton fields // Red Uzbekistan. August 2, 1952).
7. Биз Сурхондарё пахта далаларида нималарни аниқладик // Қизил Ўзбекистон. 1952 йил, 2 август (What we found in Surkhondarya cotton fields // Red Uzbekistan. August 2, 1952).
8. 1919 йил В.Лениннинг "буюк почин" деб атаган коммунистик шанбаликларидан, айниқса КПССнинг XXI съезидан сўнг бутун мамлакат бўйлаб "социалистик мусобақа"лар кучайиб кетган (Socialist competition across the country intensified after Lenin's communist vacation in 1919, especially after the 21st Congress of the Communist Party of the Soviet Union).
9. Биз Қашқадарё пахта далаларида нималарни аниқладик // Қизил Ўзбекистон. 1950 йил, 11 июнь (What we found on the Kashkadarya cotton fields // Red Uzbekistan.

June 11, 1950).


10. Шерободда ғўзанинг ўсиши нега суст? // Қизил Ўзбекистон. 1950 йил 1 июль (Почему хлопок медленно растет в Шерабаде? // Красный Узбекистан. 1 июля 1950 г.) .

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Маматова Махфуза Бахриддиновна,  
Қарши ДУ таянч докторанти

## ХІХ-ХХ АСРЛАРДА ТУРКИСТОН БОЗОРЛАРИДАГИ ЧОЙНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

*For citation: Maxfuza B. Mamatova. General characteristic of tea in the markets of Turkestan in the XIX-XX centuries. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 55-60*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-09>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Туркистон бозорларидаги чойнинг умумий тавсифига бағишланиб, унда архив материаллари ва манбалар асосида мамлакатимизнинг ХІХ-ХХ асрлардаги тарихига назар ташланган. Мақолада халқимиз истеъмол қилган чойнинг турлари, навлари ва чойнинг ўрнини босувчи турли хилдаги чойлар ҳақида сўз юритилиб, уларнинг қаердан олиб келингани, тарихий номларининг маънолари, халқимиз томонидан севиб истеъмол қилингани ёритиб берилган. Шунингдек, ушбу мақолада хитой ва ҳинд чойларининг қимматлиги сабабли маҳаллий аҳолининг чойнинг ўрнини босувчи турли ўсимликлардан чой сифатида фойдаланиши ва унинг сабаблари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** чой, бозор, хитой чойи, ҳинд чойи, чойни ўрнини босувчи ичимликлар, кўк чой, қора чой, ширчой, ичимлик, чой турлари ва навлари.

Маматова Махфуза Бахриддиновна,  
Докторант Қарши ГУ

## ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЧАЯ НА РЫНКАХ ТУРКЕСТАНА В ХІХ-ХХ ВЕКАХ

### АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена общему описанию чая на рынках Туркестана, который дает обзор истории нашей страны в ХІХ-ХХ веков на основе архивных материалов и источников. В статье описывает о типах и сортах чая, которые употреблял наши народ и о растениях которые заменили чая, откуда их привизли, значения исторических названий и о том, что как наш народ с удовольствием употреблял

этого напитка. А также в этой статье рассматриваются причины, по которой местные жители употребляли растений которое заменяющие чая из-за высокой стоимости китайского и индийского чая.

**Ключевые слова:** чай, базар, китайский чай, индийский чай, суррогаты чаев, зеленый чай, черный чай, шир-чай, напиток, чайные сорта.

**Maxfuza B. Mamatova,**  
PhD student of Karshi State University

## GENERAL CHARACTERISTIC OF TEA IN THE MARKETSOFTURKESTAN IN THE XIX-XX CENTURIES

### ANNOTATION

This article deals with the general description of tea in the markets of Turkestan, provides an overview of the history of our country in the XIX-XX centuries, which based on archival materials and sources. This article tells about the types and varieties of tea consumed by our people, about the different types of tea that replace tea, where they were brought from, the meanings of their historical names and the consumption that was loved by our people. Also in this article, the reasons why the Chinese and Indian tea are so expensive that the local population uses tea as a substitute from various plants as tea, and this reasons are mentioned.

**Key words:** tea, market, Chinese tea, Indian tea, surrogates tea, green tea, black tea, shir-chay, drink, tea sort.

**Ч**ай в Узбекистане нечто большее, чем просто напиток, который утоляет жажду. Чай принято считать национальным напитком в Узбекистане. Чаем открывается и завершается любая трапеза, чаем встречают гостей, в течение дня и в перерывах между приемами пищи чай может подаваться как отдельное блюдо, и каждый раз он обязательно заваривается свежий.

В торговлю привозились разные сорта чая, они привозились из Кульджи, Кашгара, Индии, Бухары и Кавказа. В данной статье мы рассмотрим по архивным материалам и источникам вопросы о том, какой чай пили и продавали на базарах Туркестана в XIX-XX веках и могли ли позволить себе все местные жители насладиться этим чудесным напитком?

Арминий Вамбери, который путешествовал по Средней Азии в 1863 г., писал, что когда он был в городе Бухаре, попросил своего проводника, чтобы отвезли его в такое место, где можно было бы отдохнуть и освежиться. Провели его через Тимче чай фуруши (чайный базар) к знаменитой площади Леби Хауз Диванбеги [1, С. 140-146]. В Бухаре А.Вамбери охотнее бывал в чайной лавке китайца, который у него в лавке было до 16 сортов чая.

По наблюдениям П.И.Небольсина, который путешествовал в странах Средней Азии, Хиве, Бухаре и в Коканде, по утрам бухарцы пили чай со сливками, но без сахара. Его пили из китайских фарфоровых, или из русских фаянсовых чашек, с виду похожих на русских полоскательных чашек, но меньшего размера. Чай у людей среднего состояния был преимущественно черный фамильный чай, а у



богатых зеленый. В него, для вкуса, прибавляли "желтое" или "золотое", то есть сливочное масло (сары-май) [4, С. 16]. После чая каждый спешил заняться своим делом.

Из этих очерков выясняется, что в XIX-XX веках местные населения Туркестанского края пили двух типов чая:

зеленый (кок-чай - узб., кабуд-чай - тадж.);  
чёрный (фамиль-чай).

По мнению С.В.Дмитриева, из настоящих чаев туземцы употребляли: В те годы именно зеленый китайский чай был эталонным и наиболее любимым чаем в Туркестане. Именно поэтому в газете "Окраина" в 1897 г. появилась заметка следующего содержания, как русские чаестарговцы некогда не подмешивали к китайскому чаю ни цейлонскую и индийскую, на что постоянно обращали внимание и печатали на этикетке каждой пачки своего развеса крупным шрифтом: чай из Китая [2, С. 1].

Среди зеленых чаев были сорта альмура (халмура), дехра (дира, наузугур, ак-куйрук), пари, пата, гейчек, люнка (лунгха, лунка, ланка), кагазы. Альмура (перс. хильмури, иногда хальмури), "нежный, мягкий". По оценке специалистов, это был первосборный зеленый чай с индийских плантаций южных склонов Гималаев (на северо-запад от Калькутты), но по мнению русских экспертов (именно фирмы Поповых) чай был китайским. Этот чай особенно характеризовался крупным листом с завитками. Альмура-шиби (или просто шибби) - более мелкий сорт альмура. Был известен также как зира и лятифа [3, С. 286].

Люнка - по некоторым сведениям, от тюрков слова лука "вкусная часть, вкусный кусок", они чай зеленые, только высшего сорта. Однако в Туркестане эти чай признавались индийскими, но как полагали русские эксперты, это были чай китайских плантаций. В продаже люнка имелся разных достоинств. По наблюдениям купцов, высшие сорта, пролежав в амбарах год или будучи долго в пути, теряли свои достоинства и соответственно стоимость. По этому купцы, заботясь о скорейшей доставке чая, не делали значительных запасов.

Кумыш-люнка - "серебряный люнка" - представлял собой разновидность люнка, потребляемую только самой зажиточной частью населения. Большая часть люнка потреблялась в Бухарском ханстве, меньшая вывозилась в Российский Туркестан, главным образом в Самаркандскую область. Низшие сорта люнка охотнее всего покупались в Хиве.

Пари-чай - общее название низших сортов зеленого чая. Когда его пили без сахара, он назывался тальх, а с сахаром его называли чай-ширин [6, С. 39].

Навзугур (навзуур, навджуре) - "новосортный", наиболее распространенный сорт низшего качества, второй сбор с кустов с индийских плантаций южных склонов Гималаев, но по мнению русских экспертов - китайский чай. В горной Бухаре его называли дира, в других местах - дехра, ак-куйрук. Как и альмура, характеризовался крупным листом, свернутым крупными завитками.

Патта - перс. фатта - "победоносный", чай самой низшей категории из зеленых чаев. По мнению русских экспертов - китайского происхождения. Подразделялся на пата-кабуд и пата-зарча, но, отличаясь в цене, внешне они почти не различались. Все низшие сорта зеленого чая, а также мелкие отрезки всех этих сортов чая, носящие название кейпек (кемпак), измельченные чайные листья испорченные при приготовлении и сушке самых разнообразных сортов, перемешанные в одну

сухую массу, спрессованные и в силу этого известные как "кирпичный чай", шли на изготовление шир-чая - похлебки на молоке с маслом, которая употреблялась беднейшими слоями населения Бухары и Туркестанского края. По наблюдениям врача И.Л.Яворского, в него клали пряности - корицу, гвоздику, имбирь и др [6, С. 38]. Очень низкая цена этого чая делала его удобным для подмесей при заваривании чая в чайхане, тем более что в этих отбросах встречалось немало и измельченных чайных листьев люнка, отделяемых при просеивании чая во время его производства.

В Туркестане чёрного чая любого сорта называли Памил-чай. Название происходило от названия "фамильный чай". Из них назывались тилан (келами) и солдаты.

Тилан (келами) - черный чай среднего сорта.

Солдаты "солдатский" - низший сорт черного чая, получивший свое название из-за того, что употреблялся низшими чинами русской армии[3, С. 283-284].

Кашгарский черный чай [8, Л. 19].

Кроме этих сортов был такой сорт, который считался не черным и не зеленым, но пешаварцы считали его зеленым и этот назвался кагазы - "бумага", которое может быть расфасована из бумаги. Этот чай был очень плохого качества и китайского производства.

Все эти сорта зеленого и черного чая были очень дорогими, жители Туркестана не смогли их покупать, и тогда они употребляли для замены чая, суррогаты чаев: Токай-чай - приготовился из особого растения, которое собирался, сушился и молотился. Получаемая при молотых труда размачивались, плотно надевались в форму и сушились на солнце. Этот чай был в виде кирпичиков.

Таль-барк-чай - растет на болотах, кустом. Приготовился, как и токай чай. Сарык-чай - растет в степях и употреблялся беднейшей частью Киргизского населения, которое сушил его, кипятил в воде и сдобрив молоко пыл. В продаже сарык-чай не использовался.

Кипек-чай  
Хашек-чай  
Калампир-чай  
Караган чай

Суда-чай (коричневые корни) все это были болотные и горные кустарные растения, которых в высушенном виде употреблялся вместо чая беднейшей частью населения [8, Л. 24].

Кавказский брусничный лист, когда исследовали химическое состав этого листа, то он был безвреден к употреблению [7, Л. 25].

Таш-чай, привозился из города Верного, где он фабриковался из листьев какого-то растения и поступал на продажу в виде плиток, отчего и получил свое названия. Этот чай продавался по низшим ценам и покупался исключительно киргизами и бедными, хорошо понимающими, что они покупали по такой дешевой цене.

Той-типа чай приготовился из листьев какой то травы которая росли в местности. Джунгушлак, между Мурад Али и Той-тюбе, среди камыша в тугаях. Это трава не высока, редко достигал ? арш высоты, когда поспедали дыни (примерно в Августе), наступал и время жатвы травы, идущей приготовления той-типа чая. Киргизы жнут траву, укладывали пластами между плетенок и прессовали траву, после чего бурая масса только разве по цвету немного

напоминающая чай. Эти пласты разделяли на куски или совсем разделяли и в канале привозили на базар [7, Л. 10-11].

Райхан-чай приготовилась в Северном Туркестане у бедных обывателей, распространился употребление чая из местных трав, преимущественно душицы, которой очень дешево и захватывал весь страну [5, С. 83].

Кутаисский чай привозились в Самарканд и другие города Туркестана, особые сушеные листья очень похожий и близко подходящий под настоящий китайский черный чай. При заваривании он имел такой же цвет, как черный чай, но без чайного вкуса и аромата, хотя вкус несколько сходствовал с очень плохим отсырелым чаем. Этот чай покупался в Тифлисе в 5-6 руб. в пуд, продавался Ашхабаде от 8 до 12 руб., а в Самарканде от 12 до 14 руб. в пуд.

Имея в виду особенное сходство этого чая с чаем китайским и то обстоятельство, что самого низшего сорта черный чай китайский в Ашхабаде стоял не менее 14 руб. в пуд. А в Самарканде за взносам таможенной пошлины по 21 руб. с пуда и с накладными расходами стоял не дешевле 38-40 руб. в пуд. Кутаисский чай продан до 14 руб. когда настоящий китайский чай стоял до 40 руб. в пуд. Этот чай покупался и отпускался преимущественно Войсковыми подрядчиками для того что бы отпускался на довольствие нижних чинов взамен китайского чая [9, Л. 3].

Настой этих трав несколько не вреден, в основном покупали этот чай бедные люди, для которых китайский и индийский зеленый чай слишком дорог. А способ употребления этих суррогатов чая был обыкновенным, они заваривались в кипятке. Суррогаты чаев находился в продаже на Ташкентском рынке, они поступали в продажу на базар в виде фабрикатов, целая же растения могут быть доставлены только из место их культуры.

При заключении исследуя архивные материалы и источники, мы можем делать таких выводов как:

Во первых, несмотря на дороговизне зеленый чай был самым распространенным напитком.

Во вторых, жители Туркестана в основном употребляли зеленый чай, чем чёрный. А русские жители предпочитали черный чай, чем зеленый.

В третьих, не все жители Туркестана смогли различать разницу настоящего чая с суррогатом и их удовлетворял низкая цена этого чая.

### **Литературы:**

1. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - М., 1874. - С. 140-146 (Vamberi A. Putishestviye po Sredney Azii. - M., 1874. - P. 140-146).
2. Газета "Окраина". // № 34.// Ташкент, 1897 г. 26 марта. // С. 1. (Newspaper of "Okraina". // № 34.// Tashkent, 1897 26 march. // P. 1.).
3. Дмитриев С.В. Китайский и индийский чай в Средней Азии последней трети XX века (по архивным материалам) // <http://kunstkamera.ru/lib/rubrikator/01/978-5-88431-142-8/> (Dmitriyev S.V. Kitayskiy i indijskiy chay v Sredney Azii posledney treti XX veka (po arxivnim materialam) // <http://kunstkamera.ru/lib/rubrikator/01/978-5-88431-142-8/> ).
4. Небольсин П. Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарией и Кокандом (состороны Оренбургской линии).СПб., 1856.С.16. (Nebolsin

Р. Oчерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарией и Коканом (so storoni Orenburgskoy linii). SPb., 1856.P.16.).

5. Субботин С.П. Чай и чайная торговля в России и других государствах. - СПб., 1892. - С. 83. (Subbotin S.P. Chay i chaynaya trgovlya v Rossii i drugix gosudarstvax. - SPb., 1892. - P. 83.).

6. Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухаре в 1878-1879 гг. Т. 1. - СПб., 1882. - С. 38-39. (Yavorskiy I.L. Puteshestviye russkogo posolstva po Afganistanu i Buxare v 1878-1879 gg. V. 1. - SPb., 1882. - P. 38-39.).

7. НА Уз, ф. И-17, Оп. 1., д. 14946, л. 10, 11, 25. (NA Uz, f. I-17, d. 1., d. 14946, p. 10, 11, 25).

8. НА Уз, ф. И-19, Оп. 1, д. 24354, л.17,18,19, 21. (NA Uz, f. I-19, d. 1, d. 24354, p. 21)/


9. НА Уз, ф. И-19, Оп. 1., д. 2710, л. 3. (NA Uz, f. I-19, d. 1., d. 2710, p. 3).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Мамаюсупова Диловар Бегматовна,  
Тошкент давлат аграр университети  
Гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

## МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

*For citation:* Dilovar B. Mamayusupova. Labor migration and women. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 61-65

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-10>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлатнинг иқтисодий тараққиётида аҳоли бандлиги ва иқтисодий фаоллигини ошириш муҳим омил эканлиги, у борада янги иш ўринларини ташкил этиш ва мавжуд иш ўринларининг барқарорлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш, бунда, асосий эътибор ишсизликни камайтириш долзарб масалаларидан бири эканлиги ўрганилган.

**Калит сўзлар:** жаҳонҳамжамияти, давлат, иқтисодий тараққиёт, аҳоли бандлиги, иқтисодий фаоллик, омил, янги иш ўринлари, барқарорлик, ишсизлик, платформа.

Мамаюсупова Диловар Бегматовна,  
Преподаватель кафедры гуманитарных наук  
Ташкентского государственного аграрного университета

## ТРУДОВАЯ МИГРАЦИЯ И ЖЕНЩИНЫ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматривается важность увеличения занятости и экономической активности в экономическом развитии государства с акцентом на создание новых рабочих мест и обеспечение стабильности существующих рабочих мест, причем основное внимание уделяется сокращению безработицы.

**Ключевые слова:** мировое сообщество, государство, экономическое развитие, занятость, экономическая активность, фактор. новые рабочие места, стабильность, безработица, платформа.

**Dilovar B. Mamayusupova,**  
Lecturer, Department of Humanities  
Tashkent State Agrarian University

## LABOR MIGRATION AND WOMEN

### ANNOTATION

This article discusses the importance of increasing employment and economic activity in the economic development of the state with an emphasis on creating new jobs and ensuring the stability of existing jobs, with the main focus on reducing unemployment.

**Key words:** world community, state, economic development, employment, economic activity, factor. new jobs, stability, unemployment, platform.

Бугунги кунда ҳеч бир давлат иқтисодиётда жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ютуққа эриша олмайди. Бу борада давлатимиз томонидан аҳоли бандлиги ва иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш ва мавжуд иш ўринларининг барқарорлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда, асосий эътибор ишсизликни камайтиришдир. Бу борада республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этган хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали бандлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.

Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги - аёллар иш кучининг ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг турли мулкчилик шакларида бўлган корхоналар, ҳудудлар, тармоқлар бўйича тақсимланиши, касбий малакаси, меҳнат унумдорлиги, фаровонлиги, меҳнат қилиш, иқтисодий, моддий ва маънавий билимларининг ўсишидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жинсларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашда ижобий ўзгаришлар юз берди, аёлларнинг аҳоли яхшиланди ва уларнинг ҳуқуқлари кенгайди. Мавжуд меъриий-ҳуқуқий база эркаклар ва аёлларга меҳнат бозори тақдим этаётган барча имкониятлардан фойдаланишда тенг ҳуқуқларни кафолатлади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши натижасида айрим соҳаларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янги шакллари қидириб топиш, меҳнат заҳираларидан самарали фойдаланишнинг ноанъанавий усуллари қўллаш зарурати юзага келди. Бу эса республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этган аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали жамиятда тутган ўрни ва мавқеининг ошишига, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга хизмат қилди.

Аёллар иқтисодий фаоллигининг асосий моҳияти жамиятда иқтисодий фаровонликка эришишда давлат муассасалари ва турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларида меҳнат қилиш орқали инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий маҳсулотларни яратишдан иборат. Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги тадбиркорлик тузилмалари, жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасалардаги фаолиятларида, мамлакат иқтисодий тизимининг тараққий этишига қўшаётган ҳиссасида намоён бўлади. Уларнинг ҳиссаси қанча юқори бўлса, уларнинг жамият иқтисодий ҳаётидаги роли ҳам шунча юқори бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жинсларнинг тенг ҳуқуқлилигини

таъминлашда ижобий ўзгаришлар юз берди, аёлларнинг аҳволи яхшиланди ва уларнинг ҳуқуқлари кенгайди. Мавжуд меъёрий-ҳуқуқий база эркаклар ва аёлларга меҳнат бозори тақдим этаётган барча имкониятлардан фойдаланишда тенг ҳуқуқларни кафолатлайди.

Аёллар Ўзбекистондаги ишчи кучининг 47% га яқинини ташкил қилади. Аёллар меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисмини ташкил этиши сабабли уларни унумли меҳнат билан таъминлаш халқ хўжалиги ва мамлакат тараққиёти нуқтаи назаридан қараганда жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, аёллар меҳнат бозорида камроқ иштирок этишади: уларнинг иқтисодий фаоллик даражаси эркакларнинг айни кўрсаткичидан 8,3% га паст (аёлларники 68,2%, эркакларники 76,5%), бандлик даражаси эса 9,1% га паст (аёлларники 64%, эркакларники 73%). Шу билан бир вақтда аёлларнинг иқтисодий нофаоллиги эркакларнинг шу кўрсаткичидан 17,5% га юқори (аёлларники 33,9%, эркакларники 16,3%). Аёллар рўйхатга олинган ишсизларнинг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Масалан, 2019 йилда республика бўйича 1 миллион атрофида ишсиз аёл бўлиб, бунга доимий иш ўрнига эга бўлмаган, мавсумий ишларда банд аёллар қўшилса, уларнинг сони 2-2,5 миллионни ташкил қилади [1]. "Ўзбекистонда ишсизлик даражаси ўрта ҳисобда жами иқтисодий фаол аҳолининг 9,3 фоизини ташкил қилади. 2019 йилда Ўзбекистонда 413 000 та доимий иш ўрни яратилиши, бундан камида 50 фоизи аёллар ҳиссасига тўғштирилган. Шунингдек, 13 000 нафар оғир турмуш шароитидаги аёлларнинг бандлигини таъминланди. 220 000 аёл вақтинчалик жамоатчилик ишларига жалб қилинади. Бундан ташқари, Ташқи меҳнат миграция агентлиги орқали 25 000 аёлни чет элларга ишга жойлаштириш ҳамда хусусий бандлик агентликларига ишга жалб қилиш режалаштирилди.

Маълумки, аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражасини белгилаш, аёллар меҳнат бозори ва тадбиркор аёллар ҳаракатининг вужудга келиши, аёллар меҳнати самарадорлигини ошириш ҳамда улар ёрдамида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий фаолликларини кучайтириш, жамият ҳаётида аёллар ролини оширишнинг зарур шартларидир. Бандлик хизматлари томонидан касбга ўргатиш йўлга қўйилганлиги, аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти ва уйда меҳнат билан шуғулланишларига имконият яратилаётганлиги сабабли миллий иқтисодиётда уларнинг роли ошиб бормоқда. Республика аёллар қўмитаси, "Тадбиркор аёллар" уюшмаси, Оила ва саломатлик марказлари мамлакат аёлларининг жамият ҳаётида фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон меҳнат бозоридаги мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда аёлларнинг меҳнат имкониятларини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида бандлик соҳасидаги сиёсатнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини амалга ошириш;

Ўзбекистон меҳнат бозоридаги вазиятнинг гендер таҳлилинини ўтказиш; Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозоридаги гендер тенглигини шакллантиришдаги институционал муҳитни баҳолаш;

Ўзбекистонда бандлик сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнининг-гендер таҳлили;

Ўзбекистонда халқаро тажрибадан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ҳамда

меҳнат ва бандлик соҳасидаги давлат сиёсатидаги мажмуавий гендер ёндашувни жорий қилиш;

бандликка кўмаклашишнинг махсус воситалари ва аёлларнинг таълим даражасини ошириш имкониятларини очиб бериш;

аёллар ва эркеклар учун тенг шароитлар ва кўрсаткичларни -яратиш учун бандлик сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Сўнгги йилларда меҳнат мигрантлари орасида аёлларнинг миқдори маълум даражада ошаётганлиги боис ушбу мавзу глобал аҳамият касб этмоқда, шу боис хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, мутахассисларни жалб этган ҳолда, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътибор қаратиш лозим. Таҳлилий мисоллар асосида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, аҳолини иш билан таъминлашда миграция агентлигининг фаолияти ҳамда роли, ноқонуний миграция жараёнларининг аёллар саломатлигига таъсири хусусида қатор илмий-тадқиқот ишлари, кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, 2018 йил 11 июнь куни Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан "Аёлларни иш билан таъминлашда ташқи меҳнат миграциясининг аҳамияти" мавзусида ўтказилган тадбир шулар жумласидандир. Вилоятда мутахассисларга иш сўраб муурожаат этган хотин-қизлар туман ободонлаштириш бўлимига ҳақ тўланадиган ишларга жалб этилди [2]. Аҳолини иш билан таъминлашда миграция агентлигининг фаолияти ҳамда роли, ноқонуний миграциянинг салбий оқибатлари, айниқса, ушбу жараён одам савдоси, зўравонлик каби инсон ҳуқуқлари поймол этилишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, 2011 йилдан буён ички ишлар вазири топшириғи билан хорижга мустақил равишда, яъни ҳамроҳсиз хорижга чиқувчи 18?35 ёшдаги қизлар ва аёллар мажбурий тартибда суҳбатдан ўтишлари шарт бўлиб келган. Бундай қарор одам савдоси ва фоҳишабозликка қарши кураш мақсадида қабул қилинган.

2019 йилнинг 28 март куни Ёшлар маркази биносида "Стоп трафик" номли тезкор профилактик ҳамда тарғибот тадбирлари доирасида "Одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш: бу борадаги долзарб вазифалар" мавзусидаги анжуман ўтказилди.

Унда одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш йўналиши бўйича "Стоп трафик" номли тезкор-профилактик тадбирлар амалга оширилаётганлиги, буни ўтказишдан кўзларган асосий мақсад, ёш аёл қизларни чет давлатларга олиб кетиб, уларни меҳнатидан бошқа мақсадларда фойдаланиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, одам савдоси ва ноқонуний миграция домига тушиб қолишдан фуқароларни асрашга қаратилганлиги тўғрисида алоҳида таъкидланди. Ҳозирда меҳнат миграциясининг оила ва болаларга таъсирини ўрганиб, болалар ҳимоясига ва миграцияни салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда "миграция оқибатида ҳимояга муҳтож бўлган болаларни ҳимоя қилиш" мавзусида халқаро лойиҳага қўл урди. 2018 йил 11 июнь куни мазкур масалалар бўйича экспертларнинг дастлабки учрашуви бўлиб, лойиҳа давомида мигрант оилаларнинг фарзандларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама камол топиши асосий мақсад этиб белгиланди. Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда меҳнат мигрантлари орасида хотин-



қизлар салмоғининг сезиларли ошаётганлиги бу борадаги ишларни тартибга солишни, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тақозо этмоқда.

### **Фойдаланилган электрон ресурслар**

---

1. <http://21asr.uz/post/ozbekiston-xotin-qizlar-qomitasi-faoliyatida-migrasiya-oqibatida-himoyaga-muxtoj-bolgan-bolalarni-himoya-qilishning-yangi-mexanizmlari-shakllantirilmogda>
2. <http://samarqand.adliya.uz/uz/news/detail.php?>
3. Каримова М. Меҳнат миграцияси ва хотин-қизлар//<https://iqbol.uz/uz/n-illar/item/2088-mehnat-migratsiyasi-va-khotin-kizlar.html>

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Абдуллоев Шухратжон Бобоисмоилович,  
Термиз давлат университети  
Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик кафедраси

## "АВЕСТО" НИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРАЖИМАЛАРИ: МУАММО ВА МУЛОҲАЗАЛАР

*For citation: Shukhrat B. Abdulloyev. Uzbek translations of Avesta: problems and reasoning. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 66-72*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-11>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Марказий Осиё халқларининг энг қадимги ёзма ёдгорлиги - "Авеста"нинг ўзбек тилига ўгирилиши (М.Исҳоқов, А.Қаюмов, Э.В.Ртвеладзе, Б.Жалолов, А.Маҳкам), таржимададаги ўзига хос хусусиятлар, атамаларнинг қўлланилиши, ўхшаш ва айни пайтда бир-бирдан фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилган. Манбанинг ўзбек тилидаги вариантларидан фойдаланишда юзага келаётган айрим ҳолатлар муҳокама этилган. "Авеста"нинг ўзбек тилига қилинган вариантлари инглиз, рус, форс тилларидаги таржималари билан таққосланган, ўзбек авесташунослиги борасидаги бирламчи вазифаларга тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Авеста, авесташунослик, Яшт, Заратуштра, зардуштийлик, Авеста атамалари, Ахура Mazda, Спэнта Майнйу, даэва, ята, паирика, жодугар, афсунгар, кави, карапан.

Абдуллаев Шухратджан Бобоисмаилович,  
Термезский государственный университет  
Кафедра истории Узбекистана и источниковедения

## УЗБЕКСКИЕ ВАРИАНТЫ ПЕРЕВОДОВ АВЕСТЫ: ПРОБЛЕМЫ И РАССУЖДЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена самому старинному письменному источнику народов Центральной Азии - Авесте, и вариантам ее переводов на узбекский язык

(М.Исхаков, А.Каюмов, Э.Ртвеладзе, Б.Жалалов, А.Махкам). В ней показаны своеобразие переводов, методы использования терминов, т.е. их сходства и отличия а также некоторые ситуации, возникшие при использовании этих переводов в качестве источников. Помимо этого, в статье проведен сравнительный анализ узбекских переводов с вариантами перевода Авесты на фарси, английский, русский языки и сосредоточено внимание на первичных задачах узбекских авестологов. **Ключевые слова:** Авеста, авестология, Яшт, Заратуштра, зараоотризм, авестийские термины, Ахура Mazda, Спэнта Майнйу, даэва, ята, паирика, ведьма, колдун, кави, карапан.

**Shukhrat B. Abdulloyev,**  
Termiz state university

## UZBEK TRANSLATIONS OF AVESTA: PROBLEMS AND REASONING

### ANNOTATION

This article is devoted to the oldest written source of the peoples of Central Asia - the Avesta, and the options for its translation into the Uzbek language (M. Iskhakov, A. Kayumov, E. Rtveladze, B. Jalalov, A. Makhkam). It shows the originality of translations, methods of using terms, i.e. their similarities and differences, as well as some situations that arose when using these translations as sources. In addition, the article provides a comparative analysis of Uzbek translations with options for translating Avesta into Farsi, English, Russian and focuses on the primary tasks of Uzbek avestologists.

**Key words:** Avesta, Avestology, Yasht, Zarathushtra, Zoroastrianism, Avestan terms, Ahura Mazda, Spenta Mainyu, Daeva, Yata, pairik, witch, sorcerer, Kavi, Karapan.

**М**арказий Осиё халқларининг энг қадимги ёзма ёдгорлиги бўлган "Авесто" аждодларимизнинг онги ва тафаккури маҳсулидир. "Авеста" жаҳон фанига киргандан буён диншунослик соҳасида кўплаб илмий кашфиётларга асос бўлди. "Авесто"нинг ўрганилиши XVIII асрда Европа илмий мактабларидан бошланди. Манба Европага Ж.Боучье томонидан 1723 йили [1], бошқа маълумотга кўра 1728 йилда келтирилиб [2], Оксфорд коллежи кутубхонасига топширилади. Аммо узоқ вақт "Авеста"ни ўқишга муяссар бўлинмади, ниҳоят А. Дюперроннинг ўн йиллик изланишлари натижасида уч жилдлик, француз тилидаги таржимаси нашр этилиб, авесташунослик илмий йўналишига асос солинди [3].

"Авесто" тарихшунослигини Тоҳир Карим уч даврга бўлган: 1) қадимги авесташунослик; 2) ўрта асрлар даври шарқ авесташунослиги; 3) янги давр авесташунослиги[4]. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Маъсудийнинг "Авеста" тўғрисидаги "Муруж уз-заҳаб" асарида келтирилган кўплаб маълумотлар кейинчалик кўплаб ўрта аср тарихчилари томонидан такрорланган [5].

Ўзбек тилида "Авесто" ҳақида илк бор Н.М. Маллаев "X-XII асрлар адабиёти" (1958 йил) рисоласида асарнинг адабий қимматини қайд этиб, Митра ва Анахита ҳақидаги мифларни таҳлил этган. Шундан кейин, кўп йиллар давомида "Авеста"ни тадқиқ этиш билан Ўзбекистонда ҳеч ким жиддий шуғулланмаган.

Мустақиллик йилларида ватанимиз тарихини яратишда бу манбага катта эҳтиёж сезилди. Ҳ.Ҳомидий "Шоҳнома"нинг шуҳрати" (1991) номли рисоласида

"Авесто" ва Зардуштнинг ҳаётига мурожаат этган. А.Ирисов "Санъат" (1993) ҳамда М.Исҳоқов "Соғлом авлод учун" (1996), А.Маҳкам "Санъат" (1998) журналларида чоп этган мақолаларини янги давр авесташунослигининг илк қадамлари дейиш мумкин.

1999 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 30 сессиясида "Авесто"нинг 2700 йиллигини бутун дунё миқёсида нишонлаш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 мартдаги қарорларига асосан, 2001 йил 3 ноябрда Хоразмда "Авеста"нинг юбилейи муносабати билан мамлакатимизда "Авеста"ни ўрганиш янги босқичга кўтарилди. М.Исҳоқов "Яшт" ва "Видевдот" наскларини таржима қилган бўлса [6], А.Маҳкам илк бор "Авеста"нинг тўлиқ ўзбекча таржимасини яратди [7]. Ўзбекистонда "Авесто"ни ўрганишда М.Исҳоқов, А.Маҳкам, Ҳ.Ҳомидов, А.Асқаров, А.Сағдуллаев, Ш.Б.Шайдуллаев, Т.Маҳмудов, Г.Т.Маҳмудова, Ф.Сулаймонова, Р.Сулаймонов, Ю.Жумабаев, А.Қаюмов, И.М.Жабборов, Г.Дресвянская, Э.Ртвеладзе, А.Саидов, Е.Абдуллаев, С.Ҳасанов, Т.Каримов, Н.Норқулов, И.Хўжамуродов, М.Умарзода, К.Норматов, Тоҳир Карим, С.Отамуродов, А.Аширов, Ибрагим Каримов, А.Абдусамедов, М.Усмонов, З.Муқимов, М.Қодиров, Б.Жалолов каби олимлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳозирги пайтда "Авесто"нинг ўзбек тилидаги бешта варианты - таржимаси мавжуд: М.Исҳоқов, А.Қаюмов таржималари, Э.В.Ртвеладзе Авеста "Закон против дэвов" (Видевдат) Б.Жалоловнинг "Заратуштра Гаталари" ва А.Маҳкам томонидан амалга оширилган "Авеста"нинг тўлиқ матни таржимаси. А.Қаюмов ва А.Маҳкам ўз таржималарида кўпроқ Авестанинг форсча матнига асосланганлар. "Авеста"ни А.Маҳкам томонидан 2001 йилда форсчадан қилинган шеърий таржимаси ўзбек тилида ҳозирча нисбатан тўлиқроқ шаклидир. А. Маҳкам таржимасида форс адабий услубига хос кўтаринки, жимжимадорлик устун бўлиб чиққан. Ўзбекча таржима матнида форс-тожик лексик қатламнинг салмоғи катта. Шунинг учун ҳам таржимада нафақат форс-тожик сўзларидан кўп қўлланилган, ҳаттоки атамаларда ҳам форсий диалектика устунлик қилади.

Аксарият тадқиқотчилар томонидан бошқа таржималарга нисбатан афзаллиги таъкидланган М.Исҳоқов таржимаси рус ва инглиз таржималари амалиётига таянган ҳолда, аввало Авестанинг асл ўлчамларини, ритмик талабларни ҳисобга олган ҳолда иш юритган. Бу эса яштларга хос шўхчан ритмни сақлаш имконини берган [8].

Сўз танлаш тамойили, хусусан, соф туркий, ўзбекча лексик қатламдан кенг фойдаланиш М. Исҳоқов таржималарида яққол кўзга ташланади: алқов (гимн сўзи ўрнида), инонч (эътиқод сўзи ўрнида), топинч, юкунч (намоз сўзи ўрнида), сўқиш (жанг, уруш сўзлари ўрнида), эзгу (яхши сўзи ўрнида), туриш бермоқ (чидам, бардош сўзлари ўрнида) ва ҳ.к. Бу каби лексик қатлам таржимага миллий, ўзбекча руҳ бағишлаб туради ҳамда табиийликка, халқчилликка интилишдан далолат беради.

М.Исҳоқов таржима жараёнида "Авесто"даги матнларни бошқа манбалар билан қиёслаган, баъзи ўринларда ҳозирги этнографик анъаналарга ҳам эътиборини қаратган. Бошқа ўзбекча таржималардан устунликларига қарамай, бу таржимани ҳам ўзига хос жузъий номутаносибликлари мавжуд.

М.Исҳоқовнинг ўзи таъкидлаганидек Яштларнинг асл Авестача матни ўлчовларини сақлашга ҳаракат қилиниб, бир қатор исмлар, атамаларнинг турли

тарихий даврларга хос шакллари бўгин ўлчов талабига қараб ишлатилган. Натижада Заратуштра - Зардушт, Вератрагна-Варахран-Бахрон, Бахран, Бахром, Ахура Мазда-Ахурмазд - Ҳурмузд, Ардвиги Сура - Ардвисур каби вариантларни қўлланган.[9] Авестада келтирилган ном ва атамаларнинг таржималарда келтирилган вариантларини жадвал асосида таққослаб кўрсак (1 жадвал). Жумладан, таржимонларнинг "Zarathushtr?" номини қўллашда деярли бир хиллик кузатилса, "daeva", "mainyo spenishta", "yata", "pairika" сўзларини қўллашда ҳар хиллик мавжуд. Келтирилган жадвал асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, таржимон-муаллифлар ёзма манбада келтирилган сўзларни эркин таржима қилишган, натижада манбанинг асл маъносидан узоқлашиш жараёнлари кузатилади. Жумладан, "daeva" ва "pairika" атамалари кўп ҳолларда "жин" деб таржима қилинган. Бу масалада Ж.Дармстетер ҳақдек кўринади, негаки у манбада келтирилган вариантни тўлиқ сақлаб қолган.

## 1 жадвал.

"Авеста"да	А.Маҳкам	М.Исҳоқов	И.Стеблин-Каменский	Ж.Дўстхоҳ	J.Darmesteter	E.K. Edulji Kanga.
Zarathushtrō	Сипийтмон Зардушт	Спитама Заратуштра	Спитама-Заратуштра	زرتشت [zartusht]	Zarathushtra	Zarathushtra
mainyō spēnishta	Азизлардан Азиз	Руҳи Муқаддас	Дух Святейший	سپندترین مینو [sepandtarin meynu]	most beneficent Spirit	most beneficent Spirit
daēva	инс-жин	ажина	дэв	ديو [div]	daeva	daeva
yāta,	жодугар, фирибгар	жодугар, афсунгар	колдун	جائگر [jodugar]	Yatus	wizard
pairikā	жин, ялмоғиз	жин	ведьм	پری [pari]	pairika	witch
kaoyā	кавий	Кави	Кави	کوی [kavi]	kavi	kik
karafnām	коропон	Карапан	Карапан	کَرَب [karap]	karapan	karap

Иккинчи жадвалда китобхонлар кенг фойдаланаётган А.Маҳкам ва М. Исҳоқовларнинг бир алқовни икки хил маъно ва икки хил кўринишда таржима қилганлигини кўрсак. У Яштнинг биринчи алқови - Ҳурмузд Яштнинг 7 ва 8 бандлари бўлиб, унда Ахура Мазданинг 20 та номлари зикр этилган (2 жадвал).

## 2 жадвал.

А.Маҳкам	М.Исҳоқов
Ахура Мазда деди: «Менинг номим — Сўровчидир», Вафодор Зардушт, Иккиламчи исмим — Матлуб, Учинчи — Қудрат, Тўртинчиси Ҳақиқатдир, Бешинчиси Барча Эзгулик,	Шунда Ҳурмузд сўз очди: «Мени номим — Рахштйа, менинг номим О Содик Заратуштра, Бир унвоним — Подабон, Яна бир номим Қудрат, Яна бири Ҳақиқат,

Мазда билан бошлангувчи бор  
 Ҳақиқатлар.  
 Олтинчиси — Акл эрур,  
 Еттинчи — мен Ақлидирман,  
 Саккизинчи — Таълимотман мен,  
 Тўққизинчи — мен Муаллимман.  
 Ўнинчи — мен Авлиёдирман,  
 Ўн биринчи — Муқаддасман мен,  
 Ўн иккинчи — мен Аҳураман,  
 Ўн учинчи — Қудратлидирман,  
 Ўн тўртинчи — Ёвуз эмасман,  
 Ўн бешинчи — мен Толибдирман,  
 Ўн олтинчи — Ҳисобчиси барча  
 нарсанинг".  
 Ҳар нарсани Кургувчиман —ўн  
 еттинчиси,  
 Асрагувчи ҳам ўзимман —ўн  
 саккизинчи,  
 Яратгувчи менинг ўзим —ўн  
 тўққизинчи,  
 Йигирманчи — мен Маздаман.

Бешинчиси — Эзгулик,  
 Бу чин номим Маздадан,  
 Олтинчи номим Хирад,  
 Еттинчиси — Хирадманд,  
 Номим Билик — бу саккиз,  
 Тўққизинчи — Билимдон.  
 Ўнинчи ном — Валилик,  
 Ўн биринчим — Авлиё,  
 Ўн иккинчим — Аҳура,  
 Ўн учинчи — Энг кучли,  
 Ўн тўртинчи — Беғазаб,  
 Ўн бешинчи — Жумардлик,  
 Ўн олтинчи — Ҳисобдор,  
 Ўн еттинчи — Қарағу,  
 Ўн саккиз — Табиб Ҳозик,  
 Ўн тўққиз — Холик номим,  
 Йигирманчи — мен Мазда.

Келтирилган номларнинг деярли ярми (9 та) бир-бирига мос келмаслиги, тарихий манбаларни таржима қилиш борасида жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Таржималардаги камчиликлар кўпчилик олимларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган. Жумладан, Э.Ртвеладзе мавзуга оид ўзбекча нашрлар оммабоп ва бадийий характердаги нашрлар ҳисобланиши, жиддий илмий тадқиқотлар заруриятини таъкидлаган.[10] Олимнинг бу фикрига ўн йилдан бери деярли ҳеч қандай жавоб бўлмади десак муболаға бўлмайди.

Авесто таржималарига боғлиқ муаммолар фақатгина ўзбек тилига хос эмас. Р. Раск, Э. Бюрнуф, Ж. Дармстетер, Хр. Бартоломэ, А. Мейе, Э. Бенвенист, Э. Ҳерцфельд, В. В.Струве, В. И. Абаев, Жан Дюшен Гийемен каби забардаст олимлариларнинг таржималарини ҳам мукамал деб бўлмайди, яқин вақтларда бунинг имкони йўққа ўхшайди ҳам.[11] Зеро, "Авесто"даги ҳар бир ном ва персонажни ифодалашда таржимондан юксак бадийий маҳорат ва масъулият талаб этилади. "Авеста"нинг бир қанча парчаларини ўгирган, моҳир таржимон Е.Э.Бертельс таъбири билан айтганда: "Авесто"ни фақатгина авеста тили - гата тилидан ташқари, санскрит, шу жумладан ведалар тили билан бирга мажуд эроний тиллар гуруҳидаги тирик тилларни, айниқса помир тили, арамей, қадимги арман тилларини биладиган, инглиз, француз, немис, рус тилидаги таржималарини таҳлил қилиш имкониятига эга олимгина таржима қилиши мумкин."[12] Айнан шу жиҳатларига кўра "Авеста"ни таржима қилиш таржимондан улкан билим ва маҳорат талаб этади.

Академик, авесташунос олим Играр Алиев "Авесто"ни ўз тилидан таржима

қилишнинг нақадар муҳимлигига тўхталар экан: "... Шекспир ёки Гюго асарларини асл тилидан эмас, мисол учун рус тилидаги таржимасидан ўгириш мантиққа тўғри келмайди, боз устига гап "Авесто" каби мураккаб, серқирра ва сермашаққат манба ҳақида бўлса.

Албатта, Шекспир ва Гюго - ҳар бири бир жаҳон, шу билан бирга улкан салоҳиятига қарамай, бир инсоннинг дунёқараши ҳисобланади. Аммо "Авеста" бу бир қанча халқларнинг турли даврларда яратган улкан ғоя, фалсафа, асотири, тарихи, адабиётини ўзида мужассам этган бир олам. "Авеста"да мавҳум ва ҳаттоки тушуниш имконсиз тушунчалар ҳар бир қаторда учрайди. Айниқса, гаталар тилидаги мавҳумлик. Шунингдек, инглиз ва француз тиллари мавжуд тиллардир, авеста тили эса аллақачон - бундан икки минг йил муқаддам ўлик тилга айланиб бўлган".[13]

Шу жиҳатларига кўра, таржимада ҳар бир сўзга юкланган бадиий юк том маънода қайта яратилсагина, ўзбек китобхони "Авесто" буюклигини тўлалигича ҳис қила олади.

Ўзбек авесташунослигида олимлар эътиборидан четдан қолган мавзу бу қадимги аждодларимиз сиғинган худолардир. Маълумки, Мазда Ясна (Зардуштийлик) динидан олдин ҳам бизда Митра, Ардви Сура, Аша каби худоларга сиғингани таъкидланади. Авестода бу худолар Аҳура Мазданинг ёрдамчилари сифатида келтирилади. Алоҳида дин ёки худоларнинг бундай бирлашуви ҳам ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқдир. Жумладан, Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари ўртасидаги курашнинг худолар ўртасида кураш кўринишида намоён бўлишини биламиз. Худди шундай жараён Ўрта Осиё учун ҳам хос бўлиши мумкин. Ўзбекистон тарихида "Авесто"да келтирилган худолар, фаришталар, илоҳий эзгулик ҳилқатлари, девлар, жинлар ва шу каби диний тимсоллар алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаган. Фикримизча, айнан мана шу тимсоллар зардуштийликкача бўлган диний эътиқодлар ҳақида маълумотлар беради.

Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўзбек авесташунослиги олдида қуйидаги бирламчи вазифалар мавжуд:

- "Авесто" сўзлигини яратиш;
- "Авесто" қисмларининг хронологиясини яратиш;
- "Авесто" ни бошқа қадимий ёзув манбалар, жумладан Ригведа билан таққослаб ўрганиш;
- "Авесто" ва моддий маданият, "Авесто" ва тарихий география илмий йўналишларини яратиш. Аминмизки, ўзбек авесташунослиги давлатчилигимиз тарихида янги даврни бошлаб беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Маҳмудова Г.Т. Авестонинг фалсафий моҳияти. - Т.: "Noshir". 2015. - Б.8. (Mahmudova G.T. The philosophical essence of Avesto. - T: "Publisher". 2015. - P.8.).
2. Ҳомиджон Ҳомидий. Авестодан Шоҳномага. - Т.: "Шарқ". 2007. - Б. 21 (Homidjon Homidiy. From Avesta to Witness. - T.: "East". 2007. - B. 21.).
3. Авеста в русских переводах.(1861-1996) . - СПб.: 1998. - С. 32-33 (3. Avesta in Russian translations. (1861-1996). - SPb.: 1998. - S. 32-33.).
4. Тоҳир Карим. Муқаддас "Авесто" изидан. - Т.: "Чўлпон". 2000. - Б. 156 (Tahir Karim. In the footsteps of the Holy Avesto. - T.: Chulpon. 2000. - B. 156.).

5. Маҳмудова Г.Т. Авестонинг фалсафий моҳияти. - Т.: "Noshir". 2015. - Б.19 (Mahmudova G.T. The philosophical essence of Avesto. - T: "Publisher". 2015. - P.19.).
6. Исҳоқов М. Авесто: Яшт китоби. - Т.: "Шарқ", 2001. - Б. 128 (Ishakov M. Avesto: The Book of Action. - T.: "Sharq", 2001. -P.128)
7. Асқар Маҳкам. Авесто. - Т.: "Шарқ", 2001 - 395 б (Askar Mahkam. Avesto. - T.: "East", 2001 - 395 p.).
8. Джураев Ф. Об узбекских переводах "Авесты" // Сб. тезисов "Авеста" и ее место в истории развития человечества. - Ташкент-Ургенч: 2001. - Б. 32 ( Juraev F. About Uzbek translations of "Avesta" // Sat. theses of the Avesta and its place in the history of the development of mankind. - Tashkent-Urgench: 2001 . -P. 32.).
9. Исҳоқов М. Авесто: Яшт китоби. - Т.: "Шарқ", 2001. - Б.10 (Ishakov M. Avesto: The Book of Action. - T.: "Sharq", 2001. - P.10.).
10. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Авеста. "Закон против девок" (Видевдат). - СПб.: Изд-во Политехника, ун-та, 2008. - С. 32 (Rtveladze E.V., Saidov A.Kh., Abdullaev E.V. Avesta. "The law against the virgins" (Videvdat). - SPb.: Publishing house of the Polytechnic University, University, 2008. - P. 32.).
11. Алиев Играр. Несколько замечаний на Авестологическую тему. Баку, Nurlan, 2003. -С.7 (Aliyev Igr. A few comments on the Avestological theme. Baku, Nurlan, 2003. -P. 7).
12. Бертельс Е. Э. новые работы по изучению Авесты. Учёные записки института Востоковедения АН СССР, III, Москва, 1951, стр. 261. (Bertels E. E. new work on the study of the Avesta. Scientific notes of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the USSR, III, Moscow, 1951. -P. 261).
13. Алиев Играр. Несколько замечаний на Авестологическую тему. Баку, Nurlan, 2003. -С.7. ( Aliyev Igr. A few comments on the Avestological theme. Baku, Nurlan, 2003. -P. 7.)




# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Марозиқов Акмал Абдурашидович,  
ЎзМУ Тарих факультети  
Ўзбекистон тарихи кафедраси аспиранти

## РИШТОН КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБИ

*For citation: Akmal A. Marozikov. Rishtan school of ceramics. 2019, vol. 16, issue 2, pp. 73-77*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-16-12>

### АННОТАЦИЯ

Кулолчилик лойдан пиёла, коса, товоқ, кўза, лаган, хур-мача, тоғора, хум, тандир, буюм ўйинчоқлар, қурилиш материалари ва бошқалар тайёрлайдиган соҳа бўлиб, узоқ тарихга эга. Кулолчилик Ўрта Осиёда XII-XIII асрларда ривожланган бўлиб, ўзига хос бўлган турли мактаблар шаклланган. Буюк ипак йўлида ташкил топган, Фарғона водийси-нинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган, қадимдан Марказий Осиёдаги энг йирик ажойиб сирланган сопол буюмлар маркази ҳисобланган Риштон мактаби ҳам шу вақтларда шаклланган. Риштон сопол буюмлари, минатюра-лари жаҳон халқлари орасида катта шуҳрат қозонган бўлиб, Фарғона водий-сининг энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланган. Мақолада Риштонлик ҳунарманд-усталар, уларнинг миллий услубда тайёрланган маҳсулотлари, ҳеч бир ҳудуднинг кулолчилик намуналарига ўхшамайдиган санъат асарларининг жаҳон оммаси эътирофига сазовор бўлиши тадқиқ этилади.

**Калит сўзлар:** сопол буюмлари, минатюра, қизил гил, карвон йўллари, кулол, кулолчилик мактаби, ҳунарманд, уста, миллий услуб, табиий ранг, қалампир нусха, нақш, ганч, чинни, Хон ўрдаси, безак, устахона, маҳсулот, савдо дўкони, анъанавий, бадий, технологик усул, халқаро кўргазма, ярмарка, истеъдод, туризм салоҳияти.

Марозиқов Акмал Абдурашидович,  
Аспирант кафедра истории Узбекистана,  
исторический факультет,  
Национальный университет Узбекистана

## РИШТАНСКАЯ ШКОЛА КЕРАМИКИ

### АННОТАЦИЯ

Керамика - это область, которая имеет давнюю историю изготовления глиняных мисок, тарелок, кувшинов, мисок, мисок, мисок, кастрюль, сковородок, игрушек, строительных материалов и многого другого. Керамика развивалась в Средней Азии в XII-XIII веках. Риштанская школа, один из старейших городов Ферганской долины, является одним из крупнейших центров глазурованной керамики в Центральной Азии. Риштанская керамика и миниатюры широко признаны среди народов мира и считаются одним из древнейших городов Ферганской долины. В статье рассматривается популярность риштанских мастеров, их изделия, выполненные в национальном стиле, и произведения искусства, уникальные для любого региона.

**Ключевые слова:** керамика, миниатюра, красная глина, караванные пути, керамика, керамическая школа, ремесленник, мастер, национальный стиль, натуральный цвет, перечная нота, узор, штукатурка, фарфор, Урда Хана, декор, мастерская, изделие, магазин, традиционные, художественные, технологические приемы, международные выставки, ярмарки, таланты, туристический потенциал.

**Akmal A. Marozikov,**

Graduate student Department of History  
of Uzbekistan history department  
National University of Uzbekistan

## RISHTAN SCHOOL OF CERAMICS

### ANNOTATION

Ceramics is an area that has a long history of making clay bowls, bowls, plates, pitchers, bowls, bowls, bowls, pots, pans, toys, building materials and much more. Pottery developed in Central Asia in the XII-XIII centuries. Rishtan school, one of the oldest cities in the Ferghana Valley, is one of the largest centers of glazed ceramics in Central Asia. Rishtan ceramics and miniatures are widely recognized among the peoples of the world and are considered one of the oldest cities in the Ferghana Valley. The article discusses the popularity of Rishtan masters, their products made in the national style, and works of art unique to any region.

**Key words:** ceramics, miniature, red clay, caravan routes, ceramics, ceramic school, artisan, master, national style, natural color, pepper note, pattern, plaster, porcelain, urda Khana, decor, workshop, product, shop, traditional, art, technological techniques, international exhibitions, fairs, talents, tourism potential.

Кулолчилик хунари лойдан пиёла, коса, товоқ, кўза, лаган, хурмача, тоғора, хум, тандир, буюм ўйинчоқлар, қурилиш материалари ва бошқалар тайёрлайдиган соҳа бўлиб, узоқ тарихга эга. Махсус тупроқни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишишини ундан турли идишларни тайёрлашни одамлар жуда қадимдан неолит даврининг бошларидаёқ билганлар. Улар аввало лойдан идиш товоқлар ясаб гулҳанда пишириб, қиздирганлар. Тупроқ дунёнинг ҳамма ерларидан

бўлганидек кенг тарқалган бўлиб, дастлаб бу ҳунар билан аёллар шуғулланганлар. Кулолчилик чарҳи мелоддан аввалги уч минг йилликнинг бошларида ихтиро қилингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиш товоқларни махсус ўчоқ ҳамда ҳумдонда пиширганлар. Неолит даврида идишларнинг таги учли қилиб тайёрланиб ерга санчиб қўйилган. Энеолит даврида эса шарқ мамлакатларида ҳамда қидимги Грецияда нафис кулолчилик идишлари ривожланган ва меъморчиликда сополдан фойдалана бошлаганлар.

Ўрта Осиёда кулолчилик XII-XIII асрларда ривожланган. XIX асрда Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Фиждубон, Панжикент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бўлди. Улар сопол идишларни сирлаб безатишни ўзига хос услубларини вужудга келтирдилар. Кулолчиликда Риштонлик, Хоразмлик, Шахрисабзлик, Самақанд ва Бухоролик усталар етишиб чиқдилар[1,Б.6-9].

Риштон сопол буюмлари, минатюралари жаҳон халқлари орасида катта шухрат қозонган. Риштон - Буюк ипак йўлида ташкил топган, Фарғона водийсининг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, қадим замонлардан Марказий Осиёдаги энг йирик ажойиб сирланган сопол буюмлар маркази ҳисобланган. Шаҳар номи жойлашувига кўра, кулол тупроғи қизил гил-қизил рангга эга бўлиб, қадимий сўғд "Раш" ("Руш", "Руши") - "қизил ер" сўзидан пайдо бўлган.

Бир томондан Хитой ва Ҳиндистон, бошқа томондан Эрон ва яқин Шарқ карвон йўллари чорраҳасида жойлашган Риштон тез суръатлар билан ривожланиб, Буюк Ипак йўлидаги асосий тўхташ жойи ҳамда савдо-сотиқнинг асосий марказига айланган. Шаҳарда Даҳбед, Чиннигарон, Кузагарон, Кулолон маҳаллалари жойлашган. XIV асрда кўплаб кулоллар Амир Темур ва унинг авлодлари вақтидаги буюк қурилиш лойиҳаларида иштирок этиш учун Самарқанд шаҳрига кўчиб келганлар, темурийлар салтанати инқирозга учраши билан эса Риштон кулолчилик мактаби ҳам инқирозга учраган. XVIII асрдан бошлаб Риштон (Рушдон, Рошидон) шаҳри аста секинлик билан қайта тикланиб, XIX аср охири - XX аср бошларига келиб Риштон - Ўзбекистондаги сирланган сопол буюмлари ишланадиган энг машҳур ва қадимги марказларидан бирига айланган.

Риштонлик ҳунарманд - усталарнинг миллий услубда тайёрланган маҳсулотлари ўзининг дизайни, табиий ранги ва қалампир нусхали нақшларига, кўк мовий рангларга бойлиги билан ажралиб турган. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё услубида эса олов ранг (бу - қуёшни англатади), қишғиш ва яшил ранг устуворлиги билан алоҳида аҳамият касб этган. Умуман, Фарғона водийси кулолчилик мактабининг асосий хусусиятлари унинг аҳоли этник таркиби, жойлашиши ва тарихийлик тамойиллари билан бевосита боғлиқ бўлган.

Риштонда йўқолиб кетган ганч-чинни ишлаб чиқариш техникаси XVIII асрда қайта тиклаган ака-ука Абду Жалол ("Уста Абдужалол", "Уста Жалил") ва Абдужамил ("Учта Абдужамил", "Учта Қури") ўз ишларининг буюк усталари бўлиб етишганлар. Кулоллар чинни ишлаб чиқариш усулини Қашғар ва Эрон давлатларидан олиб келишган. Уларнинг шогирди Калли Абдулло ("Кал Абдулло") лақаби остидаги - чинни мутахассиси Абдулло Кулол - (1797-1872) оқибатда Риштоннинг барча кулоллари учун Уста - оқсоқол бўлиб етишади [2,С.17]. Ҳатто, унинг санъати Қўқон хони томонидан юқори баҳоланган. Натижада XIX асрнинг 70-йилларида уста Абдулло - Калли Риштон ҳунармандлари билан биргаликда Қўқонда Саид - Муҳаммад Худоёрхоннинг саройи - Ўрдани беага билан

шуғулланади. Тахминан ҳудди шу даврнинг ўзида Худоёрхон Рушдонда "Боғи хон" номи билан машхур бўлган ўзининг қароргоҳида тез-тез шаҳарнинг барча кулоллари учун базм уюштириб турган [3,Б.56].

XIX аср бошларида Риштоннинг кулол маҳсулотлари нафақат Фарғона водийси Марказий Осиё бўйича юқори талабга эга бўлган маҳсулотлар қаторидан жой олади. Бу вақтларда шаҳарда 300 нафардан ортиқ киши ишлайдиган 100 га яқин кулолчилик устахоналари бўлган. Ушбу даврда Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон хунармандлари билан узвий алоқалар ўрнатилган. Россия Империяси Ўрта Осиёни босиб олган вақтда подшо ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан бу корхоналар ўз фаолиятини давом эттиради. Риштон кулолларининг маҳсулотлари Марказий Осиёнинг барча шаҳарларига етиб борган. Баъзи хунармандлар Қўқон, Марғилон, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва бошқа бозорларда ўзларининг шахсий савдо дўконларини очганлар. Шунингдек, Риштонга Конибодом, айрим вақтларда Фиждувон, Қарши, Шахрисабз шаҳарларидан усталар ўзаро тажриба алмашиши учун ташриф буюрганлар [4].

1970 йиллардан бошлаб Риштон сополли анъанавий бадий ва технологик усуллар асосида қайта тикланди [5,С.14]. Ҳеч бир ҳудуднинг кулолчилик намуналарига ўхшамайдиган бу санъат асарлари халқаро кўргазма ва ярмаркаларда намойиш қилиниши, жаҳон оммаси эътирофига сазовор бўлиши Риштон кулолларининг беназир истеъдодидан далолат беради.

Бу соҳага Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ҳам алоҳида эътибор берилди. Айниқса ёшларни миллий хунармандчилик ва амалий санъат намуналари билан таништириш ва уларда қизиқиш уйғотиш, халқ усталарининг меҳнатлари муносиб рағбатлантириш ва республикада азалдан шаклланиб ривожланиб келган хунарманчилик соҳасини янада ривожлан-тириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси хунарманд ва мусаввирлари-нинг "Хунарманд" уюшмаси тузилиб, бу уюшма бугунги кунга келиб барча вилоят ва туманларда 13 та бошқарма, 159 та бўлимга бўлиниб фаолият бошлади ва давом эттириб келмоқда. Уюшма томонидан ҳар йили турли миқёсда кўргазма, фестиваль, кўрик-танловлар ўтказилади. Айни пайтда маҳаллалар қошида ёшларни бўш вақтарини мазмунли ўтказиш мақсадида республика уста-ҳунармандларининг устахоналарида 800 дан ортиқ "Устоз-шогирд" мактаблари ташкил этилиб, 4000 нафарга яқин бола хунар сирларини эгаллади. Риштон туманидаги хунармандларга ҳам 33 га ер ажратилиб, чинни ва кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хунармандчилик саноат маркази ҳам ташкил этилди [6, С.15-16].

Уста-хунармандларнинг маҳсулотлари ҳорижлик сайёҳларни ҳам қизиқтириб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, 2009 - йилда "R-PLYUS KORON" масъуляти чекланган жамиятга тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланди, дастлаб ташкил этилган корхонада 4 та иш ўрни яратиб, сопол буюмлар ишлаб чиқариш билан иш бошлади. Ҳозирда ушбу корхонада икки юз хилдан ортиқ хар хил турдаги уникал сопол буюмлар, плиткали сопол буюмлар ишлаб чиқармоқда. Олтмишдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Ушбу ишлаб чиқариш маҳсулотлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларга, Европа давлатларига хусусан, Германияга экспорт қилиш йўлга қўйилди. Айни пайтда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар туманда туризм салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшди. Корхонага АҚШ, Германия, Швеция, Покистон, Хиндистон, Исроил, Жанубий Корея, Япония каби кўплаб давлатлардан туристлар келиб

катта қизиқиш билдирганлар. Тадбиркор томонидан туман марказида ташкил этилган "Ёш ҳунармандлар маркази" биносида йигирмадан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди [7].

Ишлаб чиқарилган кулолчилик маҳсулотларининг ўзига хос шакли ва ясашиш услуби ишлаб чиқарилган маҳсулотларни турли кўргазмалар, фестивалларда иштирок этишига ҳам сабаб бўлиб келмоқда. Масалан, 2018 йил Россия Федерациясининг Қрим ўлкасида ўтказилган "Оловли гуллар" деб аталган VIII фестивалда Риштон кулолчилик мактаби анъаналарини ва маҳсулотларини намойиш этган маҳаллий ҳунармандлар иштирок этди.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкинки, давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юзага келаётган ўзгаришларга мос келиши республикада туристик салоҳиятни мустаҳкамлаш, миллий санъат наъмуналари қудратини дунёга тараннум этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Алиева С. Фарғона водийси кулолчилигининг ўзига хос хусусиятлари // Санъат. 2011. №1. -Б.6-9 (Alieva S. Features of ceramics of the Ferghana Valley // Art. 2011. No. 1. -P.6-9).
2. Камиллов И. Керамика Риштана: традиции и мастера. - Тошкент, 1998.- С. 17 (Kamilov I. Ceramics of Rishtan: traditions and masters. - Toshkent, 1998 . -P. 17).
3. Рахимов М.К. Ўзбекистонда бадий кулолчилик - Тошкент, 1961. - Б.56 (Rakhimov M.K. Art ceramics in Uzbekistan. - Tashkent, 1961. -P.56.).
4. Абдулазизова Н.Тупроқдан ясалган мўъжиза // Фарғона ҳақиқати. 2011йил 6 июль (Abdulazizova N. Soil miracle // Ferghana truth. July 6, 2011).
5. Камиллов И. Керамика Риштана: традиции и мастера. - Тошкент. 1998.- С. 14 (Kamilov I. Ceramics of Rishtan: traditions and masters. - Toshkent, 1998 . -P. 14).
6. Экономический вестник Узбекистана. Аналитический журнал. 2017. №2. - С.15-16 (Economic Bulletin of Uzbekistan. Analytical magazine. 2017. No2. - P.15-16).
7. Фарғона вилояти Риштон тумани "R-PLYUS KORON" масъуляти чекланган жамияти раҳбари Р.Тоҳитдинов билан қилинган суҳбатдан.Суҳбат 2019 йил 28 апрелда ёзиб олинган (From an interview with R. Tozhitdinov, head of R-PLUS CORON LLC, Rishtan district of the Ferghana region. The interview was recorded on April 28, 2019).

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

**№16 (2019)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000